# IX GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2020: CENTRAL ASIA

INTERNATIONAL SCIENTIFIC PRACTICAL CONFERENCE

Nur-Sultan (Astana), Kazakhstan 20-22th 2020

**Объединение юридических лиц в форме ассоциации**
**«Общенациональное движение «Бобек»**
**Конгресс ученых Казахстана**

**ISSN 2664-2271**

# «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2020: CENTRAL ASIA»

**№ 4(9). Июнь-июль 2020**
**СЕРИЯ «ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ»**
**Журнал основан в 2018 г.**

**I ТОМ**

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**
**Ж.Малибек, профессор; З.Е.Кабульдинов, д.и.н., профессор;**
**Ж.Н.Калиев к.п.н.; Маслов Х.Б., PhD;**
**Лю Дэмин (Китай),**
**Е.Л. Стычева, Т.Г. Борисов (Россия)**
**Заместители главного редактора: Е. Ешім, Е. Абиев (Казахстан)**

**НУР-СУЛТАН – 2020**

**© ОЮЛ в форме ассоциации**
**«Общенациональное движение «Бобек», 2020**

**УДК 1082**

# ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРЕПОДАВАНИИ МАТЕМАТИКИ ДЛЯ ОРГАНИЗАЦИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНО- НАПРАВЛЕННОГО ОБУЧЕНИЯ

**Саньязова Айгерим Баурджановна**
заведующая отделением, КГКП «Электротехнический колледж»,
Казахстан, город Семей
**Смаилов Данияр Нургалиевич**
заместитель директора по IT, КГКП «Электротехнический колледж»,
Казахстан, город Семей

***Аннотация:*** *Современное казахстанское образование вступило в стадию качественной модернизации, практически все сегменты нашей образовательной системы нуждаются в коренной перестройке. Такое глубинное влияние на цели обучения опирается на потенциальные возможности компьютера как средства познавательно-исследовательской деятельности, средства, обеспечивающего личностно-ориентированный подход к обучению, способствующего развитию индивидуальных способностей обучаемых как в гуманитарных, так и в точных науках*

***Ключевые слова:*** *профессиональная направленность, применение ИКТ на уроках математики.*

Необходимой составляющей профессиональной деятельности современного специалиста является знание и использование математического аппарата для решения различных прикладных задач. Такие задачи требуют применения математического моделирования объектов, явлений и процессов, использования количественных методов обработки данных и различных вычислительных средств.

В связи с этим, организация обучения математике студентов требует ориентации на использование профессионально-направленных подходов и современных технологий обучения, позволяющих проектировать образовательный процесс как максимально приближенный к предстоящей профессиональной деятельности.

Профессиональная направленность обучения даёт возможность показать, как изучаемые основы наук находят применение в практике, влияют на развитие техники и технологии, на эффективность производственной деятельности квалифицированного техника.

Образовательная деятельность студентов зависит от их мотивации. Формирование мотивации студентов опирается на развитие познавательных потребностей. Для этого необходимо включать в образовательный процесс информационно-коммуникационные технологии, позволяющие развивать и самостоятельность студентов. Самостоятельность играет весомую роль не только в деле общего образования, но и в подготовке студентов к их дальнейшей трудовой деятельности. Самостоятельность – это качество человека, которое характеризуется сознательным выбором действия и решительностью в его осуществлении. Без самостоятельности в обучении немыслимо глубокое усвоение знаний.

Однако среди мотивов самостоятельной деятельности студентов одним из самых важных является интерес к предмету, который осознается раньше, чем другие мотивы. К примеру, для техников по ремонту электрического оборудования задача нахождения вероятности того, что электрический прибор будет работать бесперебойно 30 дней, заинтересовывает и привлекает к деятельности быстрее, чем стандартная задача.



Это источник бесперебойного питания. Решение таких задач способствует повышению интереса студентов к изучению теоретического материала, заставляет осмыслить математическую сущность производственных процессов, а, следовательно, приводит к повышению качества знаний студентов. Применение ИКТ на уроках математики дает возможность преподавателю сократить время на изучение материала за счет наглядности и быстроты выполнения работы, проверить знания учащихся в интерактивном режиме, что повышает эффективность обучения, помогает реализовать весь потенциал личности: познавательный, морально-нравственный, творческий, коммуникативный и эстетический, способствует развитию интеллекта, информационной культуры студентов.

Главная задача преподавателя математики, работающего в системе ТиПО, - усилить прикладную направленность обучения математике.

В качестве примера можно рассмотреть организацию такой работы в группе по специальности 0902000 «Электроснабжение (по отраслям)». Естественно-математическая подготовка техников имеет решающее значение для формирования у них многих качеств, таких как умение работать самостоятельно, сравнивать и оценивать качество выполняемой работы в соответствии с требованиями, умело координировать свои движения и быстро реагировать на изменения ситуаций. Развивается чувствительность зрительного и слухового анализаторов, формируются навыки соблюдения технологической последовательности выполняемых работ. Все это способствует росту компетентности будущих техников, высокой мобильности, что позволит им быть конкурентными в сложных рыночных условиях.

Знакомство с различными типами технико-математических моделей, работа с профессионально ориентированными задачами позволяет сформировать у студентов убеждение о значимости математики в будущей профессиональной деятельности. Профессионально ориентированные задачи с техническим содержанием, которые могут быть решены математическими средствами, в частности с помощью теории вероятности и математической статистики, многообразны и разносторонни. Их использование способствует организации профессионально направленного обучения математике студентов-техников, что обеспечивает более успешное изучение специальных дисциплин и формирование профессиональной компетентности будущих техников -электриков. При изучении, например, математической статистики будущие техники-электрики учатся вычислять вероятность работы приборов, вероятность появления бракованной аппаратуры, вероятность отказа прибора. В электрическую цепь последовательно включены три прибора, которые не взаимодействуют друг с другом. Вероятность выхода из строя одного из них равна 0,1; второго 0,2, третьего-0,15. Определить надежность работы электрической цепи, если цепь выключается, как только испортится хотя бы один. Ответ. Вероятность безотказной работы первого прибора равна P(A) = 1 - 0,1 = 0,9, второго P(B) = 1 - 0,2 = 0,8, третьего P(C) = 1 - 0,15 = 0,85. Цепь будет работать, если все три прибора работают, то есть если работают и первый, и второй, и третий приборы. Вероятность того, что цепь будет работать P(ABC) = P(A)*P(B)*P(C) = 0,9 * 0,8 * 0,85 = 0,612. При объяснении этого материала удобно и целесообразно использовать презентации, в которых представлено большое количество визуальной информации в виде

схем, таблиц и пр., а также проводить демонстрации экспериментов с помощью виртуальных лабораторий. Рассмотрение профессионально ориентированной математической задачи в профессионально направленном обучении математике будущих техников определяет роль и функции задач в этом процессе.

Мы готовим нового человека, гражданина, личность, будущего специалиста. Весь процесс урока строится таким образом, чтобы решались проблемы, требующие непрерывного размышления и поиска, а не просто запоминания или применения уже готового приема. Надо помнить всегда, что в процессе обучения под влиянием изучаемого материала формируются личностные качества человека, причем даже тогда, когда сами научные факты впоследствии забудутся. Наиболее важные понятия и факты надолго остаются в его памяти, чтобы неожиданно оказаться полезными в будущем. Надо помнить, что только в самостоятельном преодолении препятствий вырабатывается характер и появляется уверенность в собственных силах, поэтому такие ситуации надо постоянно создавать на уроках. Особое место в нашей деятельности занимает использование передовых информационно-коммуникативных технологий, что позволяет реализовывать поставленные перед преподавателем цели и задачи современного образования (личностно-ориентированное обучение, формирование и развитие исследовательских, информационных и коммуникативных способностей, развитие мышления, формирование модельных представлений и т.д.).

Этому отлично способствует связь и со спецдисциплинами, то есть максимальное приближение к будущей профессиональной деятельности сегодняшних студентов. И тогда наши студенты впоследствии не раз испытают ни с чем несравнимое наслаждение от благополучного завершения работы над сложной проблемой, теоретической или производственной.

К индивидуальному варианту выполнения задания стремятся ребята с выраженными чертами сильного характера, обладающие прочными знаниями. Для них выполнение творческой работы с использованием компьютера - это постоянное выражение собственной точки зрения, реализация своих творческих возможностей. От такого урока педагог получает еще и творческое удовлетворение, что не так часто бывает, ведь учебный материал по математике редко предоставляет возможность преподавателю целесообразного проведения неординарного урока с использованием ИКТ.

Основные направления работы по профессиональной направленности дисциплины:

- Подбор содержания учебного материала, форм организации учебной деятельности, методов обучения опирается на связь со спецдисципллинами;

- Использование наглядности и технических средств обучения;

-Использование передовых информационно-коммуникативных технологий;

Исходя из вышесказанного можно сделать следующие вывод высокому уровню готовности студентов к профессиональной деятельности способствует формирование, ценностных ориентаций, учебно-профессиональной мотивации, с помощью информационно-коммуникационных технологий.

## СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ:

1.Кудрявцев А. Я. О принципе профессиональной направленности // Советская педагогика. 1981. № 8.

2.Махмутов М. И. Принцип профессиональной направленности обучения // Принципы обучения в современной педагогической теории и практике. Челябинск: ЧПУ, 1985.Столяр А. А. Педагогика математики. Минск: Высшая школа, 1986. 414 с.

**УДК 373.075**

# КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Махсудов Пўлат Махсудович**
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси докторанти, т.ф.н., доцент

**Аннотация:** *Мақола бугунги кундаги олий таълим муассасаларида касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш масалаларига бағишланган. Ўқувчиларнинг ўз касбларини ҳар томонлама чуқур эгаллашга эришишларида профессионал таълим муассасаларидаги касб таълими ўқитувчиси ва устасининг касбий педагогик фаолияти ҳақида фикр ва мулоҳазалар билдирилган.*

**Калит сўзлар:** *касб-ҳунар таълими, ўрта умумий таълим, профессионал таълим, касб ҳунар коллежи, касб таълими ўқитувчиси,фан ўқитувчиси, касб таълими устаси*

Республикамизда профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари ташкил этилади [1].

Профессионал таълим муассасаларидаги ўқувчиларнинг ўзлари танлаган касблари бўйича етарли билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқдир. Касб таълимининг ҳозирги энг муҳим муаммоларидан бири – бу битирувчиларни кўп функцияли адекват касбий фаолиятга тайёрлаш ҳисобланади.

Фақат касб таълими йўналишини битирган ўқитувчиларгина шундай инсонларнинг етишиб чиқишини таъминлайдиларки, бундай инсонлар касбий фаолиятда шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўз ўринларини топишда ижодан изланадилар.

Россия давлат касбий педагогика университетининг бир қатор олимларининг илмий ишларида олий таълим муассасаларининг касб таълими йўналиши ва педагогика институтларининг фан ўқитувчиси битирувчиларининг касбий фаолиятларидаги ўзига хос фарқлари кўрсатиб берилган (жадвал) [2].

Олий таълим муассасалирини касб таълими ва педагогика институтларининг фан ўқитувчиси йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар

жадвал

| Ўзига хос жиҳатлар | Умумий ўрта таълим мактаб фан ўқитувчиси | Профессионал таълим тизими касб таълими ўқитувчиси |
|---|---|---|
| **Битирувчиларнинг касбий фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар** | Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув фани мазмуни ва ўқитиш методикасининг чегараланган ўзгарувчанлигидаги педагогик фаолият | Кадр буюртмачилари талаблари, ҳудуддаги корхоналар истиқболи ва ўзига хослигини ҳисобга олувчи лойиҳалаш фаолияти; ўзининг таълимий лойиҳаларини |

| | | |
|---|---|---|
| | | амалга ошириш; ишлаб чиқариш таълимини ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш. |
| **Ўқитувчини тайёрлашдаги йўналтирилганлик** | Мактабдаги умумтаълим фанларига (предмет фанлари) | Ишчи касблар гуруҳига; ишчиларнинг касбий ва малакавий талабларига. |
| **Методик фаолиятидаги ўзига хос жиҳатлар** | Бир ёки иккита фаннинг хусусий методикасини ўрганиш | Ишчиларни бутун спектрдаги ишчи касблари тайёрлашдаги ўз тайёрлаш методикасини лойиҳалашни эгаллаш ва амалга ошириш ҳамда ишчи касбларини эгаллаш |
| **Таълим жараёнининг касбий йўналтирилганлилиги** | Хусусий методикаларда ва педагогик амалиётларда бирор бир фан ўқитувчисига йўналтирилганлилик | Бутун ўқув жараёнини касбий-педагогик таълимга йўналтирилганлилиги, педагогик-психологик ўқув фанлари ва соҳа таълими компонентларининг чукур интеграцияси. |

Жадвалдаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, профессионал таълим тизими учун касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни билан умумий ўрта таълим тизими учун фан ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни ўртасида айрим фарқлар мавжуд. Хусусан, олий таълим муассасаларида касб таълими йўналишларининг талабалари томонидан касб–ҳунар коллежлари ўқув режасида кўзда тутилган бир нечта (6–7 гача) умумкасбий ва махсус фанлар бўйича касб таълими методикаси ўрганилиши назарда тутилади. Айни шу ҳолат касб таълими ўқитувчисини касбий педагогик фаолиятга тайёрлашда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни тақозо этади [3,4,5].

Касбий педагогик фаолият мураккаб таълим тизими бўлиб, ўз навбатида юқори даражадаги –“Касб таълими” педагогик тизимининг бир қисмидир. Касб таълими ўқитувчиси фаолияти – касб таълими тизими ташкил этилган даврдан то ҳозиргача ўз моҳиятига кўра ҳам, ташкил этувчиларининг ҳажмига кўра ҳам ажралиб турувчи мураккаб таълим тизими сифатида тадқиқ этиб келинаётган муҳим муаммо ҳисобланади [3].

Ҳозирги давргача касб таълими тизимида мақсад сифатида бўлажак касб таълими ўқитувчисининг билим ва кўникмаларининг муайян йиғиндиси кўрсатилган бўлиб, бу уларнинг малака тавсифномаларида белгилаб ўтилади *(“билиши лозим ....”, “уддалай олиши лозим ....”, “бажара олиши лозим ....”).*

Бугунги кунда Республикамиздаги бир қатор олий таълим муассасаларида 5111000 – “Касб таълими” (соҳалар бўйича) йўналишларини тугатган бакалаврлар ўрта махсус касб ҳунар коллежларида касб таълими ўқитувчиси ва усталари лавозимларида фаолият юритмоқдалар. Ушбу таълим йўналишларида бўлажак педагогларни тайёрлаш жараёни, шунингдек, уларнинг касбий тайёргарлигига қўйилаётган талаблар моҳиятини ўрганиш бу борада айрим зиддиятларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шу нарса маълумки, профессионал таълим муассасаларидаги ўқитиш жараёни ўзаро мустақил, аммо ўзаро алоқадор бўлган назарий ва ишлаб чиқариш таълимидан иборат Айни шу ҳол ўқув жараёнини ҳам ўзига хос равишда режалаштириш ва амалга оширишни тақозо этади ва кўп ҳолларда ўқув-ҳунар тавсифли кўринишни олади.

Бизнингча ҳозирги кунда олий таълим муассасаларининг касб таълими (соҳалар бўйича) бакалаврлар тайёрлаш бўйича амалдаги ўқув режалари юқорида кўрсатиб ўтилган талабларнинг бажарилишини етарлича таъминлай олмайди. Уларда асосан проффессионал таълим муассасаларида йўналишлар бўйича касбий фанлардан назарий машғулотлар олиб борувчи касб таълими ўқитувчиларининг методик фаолиятигагина мос келадиган касбий-педагогик фаолият эътиборга олинган [6].

Масалан, 5111000 – Касб таълими (5630100 – қишлоқ хўжалигини механизациялаш) йўналишини тамомлаган касб таълими ўқитувчиларининг профессионал таълим муассасаларида 3430100 – қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналишининг ўқув режасидан ўрин олган бир қанча фанлардан машғулот олиб бориши кўзда тутилган. Бу фанларни шартли равишда қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1-гуруҳ: *қишлоқ хўжалик техник фанлари ўқитувчиси* (трактор ва автомобиллар, қишлоқ хўжалик машиналари);

2-гуруҳ: *қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштиришга оид технологик фанлар ўқитувчиси* (“Қишлоқ хўжалигида механизациялашган ишлар технологияси”, “Машина ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш”, “Чорвачилик фермаларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш”);

3-гуруҳ: *умумтехника фанлари ўқитувчиси* (техникавий механика, техникавий чизмачилик, маҳсулот сифатини стандартлаштириш ва метрология асослари, конструкцион материаллар ва бошқалар);

4-гуруҳ: *умумкасбий ва касбий фанлардан ўқув-амалиётлари бўйича касб таълими устаси* (чилангарлик иши, электргазпайвандлаш иши, машина-трактор агрегатларини тузиш ва бошқалар) .

Юқорида кўрсатиб ўтилган 1 – 3-гуруҳ фанларидан ўқув машғулотлари асосан назарий, амалий ва тажриба машғулотлари шаклида олиб борилади. Бунда касб таълими ўқитувчиси фаолиятида асосан назарий фан ўқитувчиси каби ўқувчиларга улар ўзлаштириши лозим бўлган касбий билим, кўникмаларни етказиб, тушунтириб бериш бўйича методик қобилиятлар талаб этилади. 4-гуруҳдаги ўқув амалиётлари асосан бирор иш турини бажаришга оид амалий характерга боғлиқ бўлади. Ўқув амалиёти бўйича машғулотларни одатда касб таълими усталари олиб борадилар. Бунда касб таълими устаси фаолиятида ўқувчиларга улар эгаллаши лозим бўлган касбга хос хатти-ҳаракатлар, усулларни энг қулай йўллар билан ўргатиш бўйича методик қобилиятлар талаб этилади.

Ўқувчиларнинг ўз касбларини ҳар томонлама чуқур эгаллашга эришишлари профессионал таълим муассасаларидаги касб таълими ўқитувчилари айниқса, касб таълими усталарининг педагогик тайёрлиги ва касбий маҳоратларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Айнан касб таълими устаси ўқувчиларга уларнинг бўлажак касблари сир-асрори бўйича амалий кўникма ва малакаларни эгаллашларида бевосита ёрдам беради. Шу сабабли касб таълими устасига *касбга ўргатувчи ўқитувчи* сифатида у ўргатаётган соҳанинг моҳир устаси бўлишлиги катта аҳамиятга эга. Касб таълими устаси фаолияти ўқувчиларнинг ундан ўзлари эгаллаётган ҳунарларига оид ҳақиқий билимларни олаётганларикларини қалбдан ҳис қилганларидагина самарали бўлади. Бундай ҳақиқий билимларни фақат шу ҳунарни юксак касбий маҳорат даражасида эгаллаган, ишлаб чиқариш ва ҳаётий тажрибаларга эга бўлган касб таълими устаси бера олади .

Демак, касб таълими усталари касбий фанлар бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари, педагогик-психологик билимларни эгаллаган бўлишлари билан бирга ўзлари ўргатаётган касбнинг моҳир усталари бўлишлиги талаб этилади. Устанинг касбий маҳорати фақатгина ўқув дастурлари доирасида чегараланиб қолишлиги мумкин эмас, унинг касбий билим, кўникмалари жуда ҳам кенг ва чуқур бўлишлиги лозим.

Юқоридагиларга асосланиб шуни хулоса қилиш мумкинки, касб таълими ўқитувчисининг педагогик фаолияти умумий ўрта таълим мактаблари фан ўқитувчилари педагогик фаолиятидан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос бутун бир мажмуавий жиҳатларга эга. Бу ҳолат бугунги кунда касб таълими бўйича педагогларни тайёрлаш масаласига янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. Тошкент, 2019 йил, 6-сентябрь.
2. Зеер Э.Ф., Глуханюк Н.С. Структура и особенности инженерно-педагогической деятельности. // Социально-психологические особенности личности инженера-педагога: Сб.науч.тр. – Свердловск: СИПИ, 1988.
3. Исмаилова З.К., Махсудов П.М. Касб таълими фани бўйича ўкув дастурини универсаллаштириш масаласи. Ж. “Ирригация ва мелиорация” Тошкент, №1(17) 2017 й 72-74 б.
4. Ismoilova Z.K., Mahsudov P.M. Actual Issues of Preparing professional Education Teachers professional Education Teachers for methodical Activities at Higher Educational Institutions. Journal «Eastern European Scientific Journal» Dusseldorf – Germany. Ausgabe 5 – 2018. P.244-246
5. Ismoilova Z.K., Dorozhkin E.M., Mahsudov P.M., Utkina S.U. Practice of training discipline “Methodology of professional training in the universities of the republic of Uzbekistan”. Journal “Sistainable Agriculture” Tashkent – №2(3) – 2019. P.16-21
6. Махсудов П.М. Касбий педагогик фаолиятнинг назарий асослари. Журнал “Муғаллимлик ҳэм узликсиз билимлендириў” Қорақолпоғистон Республикаси, Нукус, №2, 2020 й. 30-34 б.

**377.075**

# “ТАСМАЛИ УЗАТМАЛАР” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

***Жуманазарова Зухрахон Қосимжановна***
Наманган технология институти “Умумтехника фанлари” кафедраси ассистенти

***Аннотация:*** *Мақола таълим жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш масалаларига бағишланган.”Тасмали узатмалар” мавзусини ўқитишда Венн диаграммаси ва “ассесмент” техникасидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *узатма, тасмали узатма, Венн диаграммаси, ўхшаш белгилари, ўзига хос белгилари, ассесмент техникаси, тест, симптом, масала, амалий кўникма.*

Бугунги кун олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиси нафақат ўзининг фани бўйича яхши мутахассис сифатида, балки ахборот ва инновацион таълим технологиялари ҳамда соҳага оид илғор тажрибаларни ўзлаштирган ва касбий фаолиятида кенг фойдалана оладиган ижодкор мутахассис бўлишини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Таълим жараёнида ўқитишнинг интерфаол методларидан фойдаланиб, унинг самарадорлигини оширишга бўлган эътибор ҳам кундан кунга кучайиб бормоқда. Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида “Ақлий хужум”, “Венн диаграммаси”, “Кластер”,

“Давра суҳбати”, “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Синквейн”, “Резюме”, “ФСМУ”, “ассесмент” техникаси ва бошқа кўплаб хилма-хил интерфаол метод ва технологияларидан фойдаланилиб, ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишга эришилмоқда [1].

Намуна сифатида инженерлик-техник йўналишларидаги олий таълим муассасаларидаги “Амалий механика” фанидан “Тасмали узатмалар” мавзуси бўйича ўқув машғулотини ўтказишда Венн диаграммаси ва “ассесмент” техникасидан фойдалинишни кўриб чиқамиз.

Венн Диаграммаси-инглиз файласуфи Джон Венна номи билан аталган.

Бу метод график тасвир орқали ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Ушбу методни қўллаш учун машғулотнинг мустаҳкамлаш қисмида талабалар икки гуруҳга бўлинади. Венн диаграммаси бўйича тайёрланган схема (жадвал) тарқатма материал тарзида уларга тарқатилади ёки слайд кўринишида экранда намойиш қилинади. Ўқитувчи “Тасмали узатмалар” ва аввалги машғулотда ўтилган “Тишли узатмалар” тушунчаларига хос бўлган умумий жиҳатларни доирачаларнинг кесишган қисми, тушунчаларнинг ўзига хос жиҳатларини эса ҳар бир доирачаларнинг ичига излаб топиб ёзишликларини тушунтириб ўтади .

Талабалар икки гуруҳга бўлиниб, топшириқни бажара бошлайдилар. Белгиланган вақтдан кейин ҳар бир гуруҳдан бир нафар талаба ўз таҳлиллари билан гуруҳ аъзоларини таништиради. Гуруҳлар таҳлили эшитилгач, кўриб чиқилаётган тушунчаларининг умумий жиҳатлари ва фарқларини умумлаштирадилар, тўғри жавоблар аниқланиб, доирачаларнинг тегишли қисмига ёзилади (1-шакл).

Венн диаграммасини қўллаш талабаларда икки тушунча: “Тишли узатмалар” ҳамда “Тасмали узатмалар”ни таққослаш орқали уларда мустақил равишда ушбу тушунчаларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш бўйича ижодий қобилиятларини шакллантириш имконини беради [2].

Маълумки, талабалар билимини баҳолаш бир пайтнинг ўзида бутун таълим тизими ва унинг ташкил этувчиларини текшириб кўришликни таъминлайди. Баҳолаш воситасида таълим тизимида кутилаётган натижага эришилаётганлик даражаси ўлчанади. Билимларни мунтазам баҳолаб бориш ўқув дастури, унинг бўлим ёки мавзулари асосида амалга оширилади.

| Тишли узатмага хос жиҳатлар | Иккала узатмага хос умумий жиҳатлар | Тасмали узатмага хос жиҳатлар |
|---|---|---|
| 1.Габарит ўлчамлари нисбатан кичик.<br>2. Иш жараёнида шовкин хосил бўлади;<br>3.Тайёрлаш жараёни мураккаб, нисбатан қиммат;<br>4.Таянчларга тушадиган куч қийматлари нисбатан кичик;<br>5.Сирпаниш ҳодисаси содир бўлмайди;<br>6.Ф.И.К.нинг қиймати нисбатан юқори (0.97... 0.98 фоиз);<br>7.Иш даврида чидамлилиги юқори; | 1.Энергия манбаи билан машинанинг иш бажарувчи қисми оралиғида жойлашади;<br>2. Энергия манбаии билан машинанинг иш бажарувчи қисмини ўзаро боғлайди;<br>3. Иш бажарувчи қисмни харакатини талаб қилинганидек бошқаришни таъминлайди; | 1.Габарит ўлчамлари нисбатан катта;<br>2. Иш жараёнида шовкинсиз ва равон ишлайди;<br>3. Тузилиши оддий, нисбатан арзон;<br>4. Таянчларга тушадиган куч қийматлари нисбатан катта;<br>5. Сирпаниш ҳодисаси ҳисобига узатишлар сони ўзгарувчан;<br>6. Харакатни нисбатан узоқ (8...10 м) масофага узатиш имконини беради;<br>7. Ишлаш муддати кам (2000...3000 с); |

... Венн диаграммаси.

... ўзлаштириш даражасини ... хизмат қилиши мумкин. ... аҳо маъносини англатади. ... кўникмаларини комплекс ... ий қисмида талабаларга ... иш этади ва ушбу шакл ... 2-шакл

... ент

| | |
|---|---|
| қ... куч...<br>А) ор...<br>В) камая...<br>С) аввал ор...<br>Д) буни аҳамият...<br>2.Тасмалар учун иш... ...риаллар қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?<br>А) ишқаланиш коэффициенти юқори;<br>В) тез совийдиган;<br>С) ўта оғир;<br>Д) юқоридагиларни барчасига.<br>*0-5 балл* | **Масала**<br>... узатма етакловчи ...г диаметри $d_1 = 500$ мм, ...увчи шкивнинг диаметри ...00 мм, бўлса узатма узатишлар ...ини аниқланг.<br>*1-5 балл* |
| **Симптом**<br>1.Тасмали узатма афзалликлари .........................<br>2. Тасмали узатма камчиликлари .........................<br>*0-5 балл* | **Амалий кўникма**<br>Тасмали узатма схемасини чизмада тасвирланг ва изоҳланг.<br>*1-5 балл* |

*Баҳолаш мезони: 12 – 14 балл «қониқарли»;*
*15 – 17 балл «яхши»;*
*18 – 20 балл «аъло».*

Тақдим этилган шаклни тўлғазиб бериш учун талабаларга маълум (4-5 мин) вақт берилади. Белгиланган вақт тугагач, талабалар иши якунланади ва топшириқнинг аниқ жавоблари кўрсатилган вариантининг слайди экранда намойиш этилади.

Талабалар ўзларининг жавобларини слайдда кўрсатилган аниқ жавобларга солиштириб текширади ва ўз балларини жадвалдаги баҳолаш мезонига кўра жавоб варақалаларига ҳисоблаб ёзадилар.Сўнгра ўқитувчи талабалардан жавоб варақаларини йиғиб олади ва мавзу бўйича уларнинг баҳолаш балларини гуруҳ журналига қайд этади.

Баҳолашда “ассесмент техникаси”ни қўллаш талабаларни мустақил ишлаш ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш ҳамда қисқа вақт ичида гуруҳдаги ҳар бир талабанинг билимини баҳолаш имконини беради.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А.,Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Тошкент, 2008 й.
**2.** Тожибоев Р.Н., Жўраев А.Ж. “Машина деталлари”. Дарслик. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2002 й.

**УДК: 378.0.371**

# МАҲКУМ ШАХСЛАРНИ АХЛОҚАН ТУЗАТИШ ВА ТАРБИЯЛАШДА ТАРБИЯЧИ ХОДИМЛАРНИНГ КАСБИЙ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

**Тураханова Дилдор Абидовна**
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти “Психология ва педагогика ”кафедраси, Психологик хизмат психологи, мустақил изланувчи, Тошкент, Ўзбекистон

***Аннотация:*** *Мақолада маҳкум шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашда тарбиячи ходимларнинг касбий педагогик-психологик тайёргарлиги масалалари илмий адабиётлар ёрдамида таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *маҳкум шахслар, ахлоқ тузатиш, тарбия, педагогик-психологик тайёргарлик, жазо, ижро этиш.*

Сўнгги йилларда жазони ижро этиш муассасаларини малакали, педагогик маълумотга эга кадрлар билан жамлаш масаласига алоҳида эътибор қаритилмоқда. Жазони ижро этиш муассасалари учун ходимларни тайёрлаш, уларни тарбиялаш ва жамлаш долзарб муаммо ҳисобланади. Ходимнинг озодликдан маҳрум этиш шароитларидаги касбий фаолияти унинг, нафақат, таълим муассасаларидаги билимларига, балки унинг маҳкумлар билан фаолияти давомида олиб борадиган ишларига ва ходимларнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий онгига, педагогик-психологик билимларни эгаллаган бўлишига ҳам етарлича жиддий талаблар қўяди.

Жазони ижро этиш жойларида маҳкумларни ахлоқий тузатиш ва тарбиялаш ишлари муассасанинг педагогик жамоаси, шунингдек, жазони ижро этиш муассасасининг барча ходимлари томонидан амалга оширилади. Шу сабабли мазкур ходимлар алоҳида тайёргаликка эга бўлишилари лозим. Бу масалага ўз вақтида С.В.Познишев ҳам эътиборни қаратиб, бундан юз йил аввал жазони ижро этиш муассасалари учун ходимларни тайёрлайдиган махсус ўқув юрти бўлиши кераклигини айтиб ўтган. Мазкур масалага

Б.С.Утевский ҳам ўз эътибор қаратиб, НКВД қошидаги мактабларда жазони ижро этиш муассасаларининг ўрта ва кичик таркибдаги лавозимларига ходимларни тайёрлайдиган бўлимларни ва юқори бошқарув лавозимлари учун олий курслар очиши таклиф этган. У ўз қарашларини ривожлантириб, пенитенциар тизим учун ходимларни касбий тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида махсус ўқув юртини ташкил этишни ва таълим олувчиларнинг қандай лавозимга тайёрланаётганликларидан келиб чиқиб турли бўлимларни очишни таклиф этган. Б.С.Утевский пенитенциар тизим ходимларининг сиртдан юридик маълумот олишларининг тарафдори эди [1, 213-217].

Лекин узоқ йиллар давомида пенитенциар тизимда кадрлар етишмовчилиги кузатилади. Шу сабабли маҳкумларни ўзларини ҳам маҳкумлар билан ишлаш жараёнига жалб этилди.

1957 йилда отряд тизиминиг вужудга келиши маҳкумларни индивидуал тарзда ўрганиб, уларга нисбатан турли тарбия усулларини қўллашда индивидуал ёндошувни амалга ошириш имконини яратиб беради. Шу билан биргаликда 60-йиллар давомида меҳнат тузатиш муассасалари тарбиячиларининг касбий малакасини оширишга катта эътибор қаратилди [2, 48].

Жазони ижро этиш муассасаларида фаолият юритувчи ходимлардан муайян касбий сифатларга эга бўлиши, мазкур фаолиятга педагогик-психологик жиҳатдан касбий тайёр бўлишлари талаб этила бошлади.

Петнитенциар тизим ходимининг касбий тайёргарлиги масаласини кўришдан аввал бир нарсани қайд этиб ўтиш лозим, маҳкум шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш билан шуғулланадиган ходимда авваламбор педагогик фаолиятга мойиллик бўлиши лозим.

Пентенциар соҳа олими Н.А.Тюгаева Россиянинг жазони ижро этиш федерал хизмати тингловчиларини, шунингдек, жазони ижро этиш муассасасига янги ишга келган ходимларни касбий тайёргарлик даврида ахлоқий тарбиялаш масалаларини тадқиқ этган. Н.А.Тюгаева жазони ижро этиш муассасаларига янги хизматга олинган ходимларни ўқитиш ва тарбиялаш вазифаси ўқув марказларига юклатилишини, лекин курсантларнинг касбий тайёргарликлари бўйича ўз –ўзини тарбиялаш билан шуғулланишлари зарурлиги ҳақида фикр билдирган[3, 108].

Соҳа олими А.С. Мисюрев жазони ижро этиш муассасалари учун ходимларни тайёрлайдиган олий ва ўрта касбий ўқув муассасаларида “Юриспруденция” мутахассислиги бўйича мутахассисларни тайёрлашда асосий эътибор уларда махсус ҳуқуқий касбий компетенцияни шакллантиришга қаратилаётганини, уларнинг психологик-педагогик билим, кўникма ва малакаларига юзаки қаралаётгани [4, 112] ҳақида фикр билдирган.

А.С.Мисюрев маҳкумлар билан ишлаш учун тарбиячи ходимларни касбий тайёрлаш тизимида тингловчилар маҳкумлар билан конструктив педагогик ўзаротаъсир усул ва услубларини эгаллашлари учун зарур шароитларни яратиш лозим” лигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бугунги кундаги жиноят- ижроия тизимининг энг катта камчилиги маҳкумларнинг реижтимоийлаштирилишига ёрдам берадиган шахс ижобий сифатларини шакллантириш ва рағбатлантиришга психологик-педагогик ёндошув даражасининг пастлигидир [5].

Жиноят –ижроия тизимидаги ходимларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини тадқиқ этган А.Г.Чириков ўз тадқиқотлари давомида жазони ижро этиш муассасаларида бевосита маҳкумлар билан ишлайдиган ходимларда ўзларининг педагогик –психологик компетентликларининг даражаси пастлигидан ташвишланиш мавжудлигини аниқлаган [6, 25].

Педагог олима Э.В.Зауторова бугунги кунда эътибор жазони ижро этиш муассасаси ходимининг ахлоқий тарбияланганлиги, педагогик ва ҳуқуқий саводхонлиги, умумий

маданиятга эга бўлганлигига қаратилаётганлигини таъкидлаб ўтган. Унинг фикрига кўра “Тарбиячига мақсадга интилувчанлик, меҳнатсеварлик, камтарлик, масъулиятлилик ва муаммоларни қўйишдаги сезгирлик, сўз ва иш бирлиги, ахлоқий поклик ва олийхимматлилик хос бўлиши керак”[7, 61].

Психолог Б.Н. Сирлиев ходимларнинг психологик тайёргарлигини тўрт гуруҳга кирувчи таркибий қисмларини кўрсатиб берган. У: биринчи гуруҳга ходимнинг касбий психологик мўлжаллари ва ҳис-туйғуларини; иккинчи гуруҳга ходимнинг касбий ҳаракатларни бажаришга психологик жиҳатдан тайёргарлигини; учинчи гуруҳга ходимнинг юқори даражада ривожланган касбий кузатувчанлиги, сезги, хотира, тасаввур жараёнларини; тўртинчи гуруҳга ходимнинг маҳкум шахслар билан ишлаш жараёнида вужудга келган мураккаб вазиятларда ҳам хотиржамликни сақлаши, ҳис-туйғуларининг барқарорлигини киритган[8, 12].

Жазони ижро этиш муассасаси ходимларининг педагогик-психологик тайёргарликлари уларнинг фаолиятлари хусусиятлари билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун унинг мазмуни аниқ касбий йўналишга эга бўлиши зарур.

Маҳкум шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашда жазони ижро этиш муассасасидаги тарбиячиларнинг роли ва ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Жазони ижро этиш муассасаси тарбиячиларидан уларнинг педагогик-психологик тайёргарликка эга бўлишлари талаб этилади.

Жазони ижро этиш муассасаси тарбиячи ходимининг педагогик-психологик тайёргарлиги мазмунига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

а) тарбиячида маҳкум шахсларни ахлоқий тузатиш ва тарбиялашга психологик жиҳатдан тайёр бўлиши; б) маҳкум шахслар билан тарбиявий ишларни олиб бориш фаолиятига ижобий муносабат; в) маҳкум шахслар билан тўғри муносабат ўрната олиш кўникма ва малакасига эга бўлишлик; г) маҳкумлар билан низоли вазиятларда педагогик-психологик усулларни самарали қўллаб вазиятни барқарорлаштира олиш кўникма ва малакасининг мавжудлиги; д) маҳкумлар билан хотиржам мулоқотга кириша олиш; е) муассасадаги фавқулодда вазиятларга психологик тайёр бўлиш.

Тарбиячининг педагогик-психологик тайёргарлиги унинг касбий маҳоратини ошириб боради. Шунинг учун жазони ижро этиш муссасаси ходимларининг касбий тайёргарлик тизимига психологик тайёргарликни мақсадга йўналтирилган ҳолда ошириб боришнинг усул, услуб ва шаклларини киритиш лозим.

Жазони ижро этиш муассасаси ходими қонунга итоаткор бўлишда маҳкумларга ўрнак бўлиши ва ҳар бир ҳаракати қонун доирасида бўлиши, адолатли бўлиши лозим. Маҳкумларнинг ўзига хос хусусиятлари ходимдан сабр-тоқатли бўлишни, ҳар қандай вазиятда ўзини, ўз ҳиссиётларини бошқара олишни талаб этади. Тарбиячи ходимлар бевосита маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш билан шуғулланадилар. Шунинг учун улар педагогика ва психология соҳаси бўйича чуқур билимга эга бўлишлари ва турли педагогик ва психологик таъсир усуллари ва воситаларидан маҳкум шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш жараёнида унумли фойдала олишлари лозим.

Ходимда юқорида кўрстиб ўтилган сифатлар яхши ривожланмаган бўлиши мумкин. Лекин яхши мутахассис бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар бир ходим ўзида юқорида санаб ўтилган сифатларни амалий фаолияти давомида ривожлантиришга ҳаракат қилади. Агар тарбиячи ходимнинг қайсидир томонида камчилик бўладиган бўлса, маҳкумлар буни дарров илғайдилар ва бу ҳолат ходимнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли ходим узлуксиз ўз устида ишлаши ва барча юқорида кўрсатиб ўтилган сифатларни ривожлантиришга интилмоғи лозим.

Педагогик фаолият тарбиявий ишга муҳаббат, ўз ишидан қониқиш ҳиссини ўзида мужассам этган ўзига хос лаёқатни талаб этади. Бундай лаёқат ва тарбиячининг ўз ишига бўлган муҳаббати ва ижобий муносабати унинг ҳар бир маҳкумга тарбиявий тўғри

ёндашишига ёрдам беради. Жазони ижро этиш муассасаси тарбиячиси ўз фаолияти давомида турли қийинчиликларга тўқнаш келиши ва бу ҳолат уларда умидсизликни юзага келтириши мумкин. Шу сабабли тарбиячи оптимист бўлиши лозим. Шунингдек, тарбиячи ҳар бир маҳкум шахсни ижобий ва салбий сифатларга эга бўлган шахс сифатида кўра олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Тарбиячилик касбини тасодифан танлаган, одамлар адоватли муносабатда бўлган, ўз касбини севмайдиган, маҳкум шахсларни тарбиялаш эмас, жазолаш лозим деб ҳисоблайдиган одамлар жазони ижро этиш муассасасида ишлаши мумкин эмас. Тегишли маьлумотли, касб тайёргарлиги бор юксак ахлоқий фазилатга эга бўлган шахслар педагогик фаолият [9] билан шуғулланишлари лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жазони ижро этиш муассасаларида тарбиячи бўлиб ишлаш учун ходим махсус билимлар билан бирга педагогик ва психологик билимларга эга бўлиши талаб этилади. Тарбиячиларнинг ўз касбларини севиши, маҳкум шахсларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, жазони ижро этиш муассасасида вужудга келадиган низоли вазиятларда ўз ҳиссиётларини бошқара олиши ва низоли вазиятларни бартараф этишда педагогик усуллардан самарали фойдалана олиши уларнинг маҳкум шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялашда самарали фаолият юритишларига ёрдам беради.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Волошин Д.В. Взгляды Бориса Самойловича Утевского на совершенствование подготовки пенитенциарного персонала (1930-е годы)//Актуалные проблемы Российского права 2016.№12.(73) декабрь. стр. 213-217. .

2.Зауторова Э.В. Пенитенциарная педагогика. Курс лекций, Вологда: ВИПЭ ФСИН России 2012, -48 стр

3.Тюгаева Н.А. , Котляр В.Н. Самовоспитание курсантов и слушателей вузов ФСИН России – Рязань: Академия ФСИН России, 2010, 108 с.

4. Мисюрев А.С. Поощрение как метод педагогического взаимодействия в колониях-поселениях, Пенитенциарная педагогика. Журнал. 2012 . -112 стр.

5. Мисюрев А.С. Поощрение как метод педагогического взаимодействия в колониях-поселениях, Пенитенциарная педагогика. Журнал. 2012 . -112 стр.

6. Чириков А.Г. Подготовка сотрудников уголовно-исполнительной системы к обеспечению личной безопасности (психолого-педагогическая составляющая). автореферат. дисс. кан.пед наук: (13.00.08) Новокузнецк, 2004, 25с.

7. Зауторова Э.В. Пенитенциарная педагогика. Курс лекций, Вологда: ВИПЭ ФСИН России 2012г., -61 стр

8. Сирлиев Б.Н. Жазони ижро этиш муассасалари фаолияти психологияси. Ўқув қўлланма,.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИАкадемияси, 2010 йил.-12 бет

9. Ўзбекистон Республикаси “Таьлим тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 йил. №9. 225-модда.

# БЎЛҒУСИ МАТЕМАТИКЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**Абдираҳмонов Абдимумин**
Қарши ДУ, Ўзбекистон

***Аннотация:*** *Бакалаврларнинг математик тайёргарлиги билан педагогик касбига тайёргарлиги орасидаги мантиқий боғланишнинг асоси сифатида биз бўлғуси математика ўқитувчиларини энг аввало математик билимларни ўзлаштирганлигини тушунамиз. Бу алоқадорлик ўзининг таркиби ва мазмуни бўйича университетларда ўқитилаётган математиканинг барча бўлимларини ўзаро алоқадорликда ва ҳамкорликда бир-бирини тўлдирган ҳолда ўргатилмоғи лозимлигини белгилаб беради.*

Бўлғуси математикларни тайёрлашнинг психологик-педагогик моҳиятини характерлаб шуни таъкидлаш мумкинки, бунда математик тасдиқлар, қоидалар ва қонуниятларни эркин ва тўғри тушунганлигини, чуқур ўзлаштирганлигини, математикани ўрганишни ва ўргатишнинг методлари ва воситаларини онгли қўллай билишни таъминлаган бўлади.

Бакалаврларнинг математик тайёргарлиги билан педагогик касбига тайёргарлиги орасидаги мантиқий боғланишнинг асоси сифатида биз бўлғуси математика ўқитувчиларини энг аввало математик билимларни ўзлаштирганлигини тушунамиз. Бу алоқадорлик ўзининг таркиби ва мазмуни бўйича университетларда ўқитилаётган математиканинг барча бўлимларини ўзаро алоқадорликда ва ҳамкорликда бир-бирини тўлдирган ҳолда ўргатилмоғи лозимлигини белгилаб беради. Бундай ўқитиш ўз ўрнида мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларидаги математика курсидан олган билимларига суянади. Бу билимлар математикадан ва уни ўқитиш методикасидан маърузалар ўқиш, амалий машғулотларни ўтказиш, лаборатория ишларини ташкил этишда, талабаларни ижодийлик ва изланувчанлик фаолиятларини шакллантиришга йўналтирилган муаммоли усуллардан фойдаланишга, математик масалаларни ечишни ва теоремаларни исботлаш усулларидан рационал фойдалана олишни ўргатишга, мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида математика ўқитиш касбига йўналтирилганлигини шакллантириш ва ўқитишда дидактик ва методик тамойилларни кенг қўллашга замин яратади. Бунда математик билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкам шаклланиши билан бирга мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари математикасида ўрганиладиган ҳар бир тушунча илмий асосланган ҳолда талабага етказилади.

Бўлғуси математикни касбий тайёрлаш учун математика, психология, педагогика фанлари орасида ўзаро алоқадорлик бўлиши учун дидактик ва услубий шарт-шароитлар яратилиши зарур.

Дидактик шарт-шароит деганда, биз математикани бошқа фан асослари билан ўзаро алоқадорликда, мувофиқлаштирилган тизим асосида, мазмунан таснифланган ҳолда ўқитишни тушунамиз. Услубий шарт-шароит деганда – ўқитилаётган мавзуни очиш учун умумий ёндошишлар, математиканинг характерли ҳолатлари ва информацияни бериш учун шароитлар яратиш шунингдек, ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ташкил этишни тушунамиз. Шундай қилиб, бакалавр математикларни тайёрлашда биринчи ўринда уларнинг математикадан тайёргарлиги ҳамда бўлажак математика ўқитувчиси касбий тайёргарлигини шакллантириш вазифаси қўйилади. Математик тайёргарлиги деганда-математик тасдиқлар, қоидалар, қонуниятларни ҳар бир талаба эркин ўзлаштирганлиги ва уларни бошқа фанларга тадбиқ қила билишларини тушунилса, касбий тайёргарлик

деганда – таълимнинг касбга йўналтирилганлигини, унинг мазмуни, усуллари ва ташкил этилиши талабаларда бўлғуси педагогик фаолиятлари учун зарур бўладиган шахсий сифатларни уйғотиш ва шакллантириш назарда тутилади. Талабаларда дастурда белгилаб қўйилган билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришлари ва шакллантиришларини таъминлаш ўзига хос педагогик воситалардан фойдаланишни тақозо этади. Бу эса қаралаётган муаммони ҳам психологик-педагогик, ҳам дидактик, ҳам методик нуқтаи-назардан ўрганишга олиб келади.

Шунинг учун математикани ўқитишда у маъруза кўринишида бўладими ёки амалий машғулот ҳолатидами ўқитувчининг касбий маҳорати муҳим ўрин тутади. Чунки, онгимизда акс этаётган борлиқнинг ҳақиқий ҳолатининг абстрактлашган маълум бир шакл ва муносабатлари ўзаро алоқадор тушунчалари тизимига жамланади ва буларни ўзлаштириш мураккаб ва ўзига хос психологик жараёндан иборатдир. Шунга кўра, олий ўқув юртларида математикани ўқитишда талабаларнинг психологик тайёргарлиги, аудиторияда маълум бир психологик ва педагогик тадбирлар ёрдамида қулай психологик шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, янги ўқув мавзуни ўрганиш учун аввало олдин ўтилган мавзу бўйича қисқача савол-жавоб ўтказиш ва уни янги мавзуга боғлашга, янги билимларни ўзлаштириш учун замин яратувчи математик тушунчаларга алоҳида урғу бериш талаб қилинади.

Бўлғуси математикларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаш билан бирга мустаҳкам касбий билим ва малакага эга бўлиш учун психология ва физиология, педагогика ва фалсафа, техника фанлари соҳаларида ҳам кенг ва асосий билимлар бериш зарурлигини қайд этамиз. Бу талаблардан келиб чиққан ҳолда маъруза ва амалий машғулот дарсларида бакалавр математикларни тайёрлаш бизнинг фикримизча: математикани ва унинг амалий йўналишларини ўрганиш психологик-педагогик концепцияга йўналтирилган бўлиши, ўқув предметларини ўрганишда тафаккур фаолиятининг психологик-педагогик асосларига суянганлиги, математик тушунчаларни ўзлаштириш ва касбга йўналтирувчи омилларни шакллантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларига амал қилиш, касбий фаолиятнинг усулларини математика билан психоло-педагогик тушунчаларни ўзаро алоқадорлигида такомиллаштиришга қаратилмоғи керак.

Математика ва психология-педагогика фанларни анъанавий ўқитиш усулида бу фанларни ўрганишда фанлараро боғланиш сезилмайди, хатто математика бўлимлари орасида ҳам боғланиш сезилмайди. Бу маълум маънода бакалавр математикларни касбий тайёргарлигига салбий таъсир ўтказади. Математикани психолог-педагогик фанлар билан алоқадорликда ўқитиш бўлажак бакалавр математикларни касбий тайёргарлигини шакллантиришнинг дидактик шарти бўлиб ҳисобланади. Бунинг мазмуни шуки, математика бўлимларини психологик-педагогик фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўқитилса, бир томондан математика қонуниятларини чуқур ва мукаммал ўзлаштиришга эришилса, иккинчи томондан психологик-педагогик қонуниятлар, усуллар ва услублар математикани синтез қилиб ўрганишга имкон беради. Булар математика курсини ва психологик-педагогик фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитиш талабларни математик қобилиятларини шакллантиришнинг асосий омили сифатида қараш имконини беради.

Юқорида айтилганларга асосланиб, математикани психологик-педагогик фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўқитиш талабаларда касбий қобилиятларини шакллантиришда ишончли омил бўлиб хизмат қилади, шу билан бирга билим олишнинг бошқа компонентлари билан биргаликда касбий малака кўникмаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, ҳамда бакалавр математикларнинг касб тайёргарлигини таъмин этади. Албатта бунда биз касбий малака деганда-тушунилган, аввалдан режалаштирилган интеллектуал касбий ҳаракатларни тушунамиз, касбий кўникма деганда эса

мутахассиснинг онгли касбий ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқилган ва автоматизм ҳолатига етказилган компонентлар англашилади.

Маълумки, маъруза давомида ўқув мавзулари маълум тизимда ва кетма-кетликда баён этилади, яъни тушунчалар математик қонуниятларнинг яхлитлиги ва бир бутунлигига асосланган ҳолда қатъий ўзаро боғлиқликда тақдим этилади. Талабалар буни яхши сезадилар ва тушунадилар. Амалда математик тасдиқлар ва формулалар турли психологик тушунчаларни математик билан уйғунлашган ҳолда ўрганиш ва бунда таълимнинг педагогик шакли ва усулларидан фойдаланиш талабаларнинг онгига етказилишига ва математик билимлар сифатида ўзлаштирилишига олиб келади.

Математикани педагогик ва психологик фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўқитиш талабага бир томондан математикадан ўқув мавзуларини ўқитишнинг усуллари, воситалари ва бошқа шаклларини ўзлаштириш имконини берса, иккинчи томондан қонуниятларни, билиш усулларини эгаллашга имконият яратиб, биргаликда педагогик қобилиятларини ривожлантиришга шароит туғдиради. Бунда талабалар нафақат математикани ўрганишнинг асосий усулларини, балки зарур бўлган касбий малака ва кўникмаларни ҳам эгаллайдилар. Бу ҳолат математикадан масалалар ечиш методларида ва назарий ҳамда амалий ўқув материаллари ўртасида ўзаро алоқадорлик ўрнатилганда яққол намоён бўлади.

Тадқиқот давомида ўтказган таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, математикадан амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида талабалар ўзларининг математика мавзулари бўйича олган билимларини ойдинлаштириш билан бирга касбий малака ва кўникмаларини шакллантиришга қай даражада ёрдам бераётганини назорат қилиш имконига эга бўладилар.

Маълумки, олий ўқув юртларида математикани ўқитиш таълим берувчи, ривожлантирувчи, интегратив ва тарбияловчи вазифаларни бажаради.

Таълимнинг янги концептуал модели “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури”дан келиб чиққан ҳолда умумтаълим мактабларини ва касб-ҳунар коллежларини ислоҳ қилиш шароитида, айниқса, ривожлантирувчи, интегратив ва тарбияловчи функцияларни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш керак. Шунга кўра олий ўқув юртида таълим ва тарбиянинг манфаати учун ўқув-тарбия жараёнининг барча босқичида талабалар билан ишлашнинг турли усуллари ва шаклларидан унумли фойдаланиш керак.

Психологларнинг нуктаи назаридан бу фикрлаш фаолиятининг умумлашганлиги бўлиб, ўқув мавзуларини умумлаштириш ва абстраклаштиришга йўналтирилганлиги, унинг амалий ва мантиқий томонларини аниқлашда онгли тафаккур қилиш, фикрлаш фаолиятларининг турғунлиги, кенглиги ва мустақиллиги билан характерланади.

Психологлар ва философларнинг изоҳлаши бўйича математикадан масалалар ечишда фойдаланиладиган абстракция қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин.

1. Яккаловчи абстракция-берилган элементлардан маълум бир қисмни ажратиб олиш;

2. Таъкидловчи абстракция нафақат маълум бир элементни ажратиб олиш, балки уни яшириб турган бошқа элемент хусусиятларини ҳам кўра билишини талаб қилади;

3. Қарама-қарши қуйувчи абстракция;

4. Абстракциядан абстракция.

Абстракция ўзининг ривожида умумлаштиришга олиб боради. Буни айрим математик қонуниятларни ўрганиш давомида кўриш мумкин, бунда у абстракциянинг қўйи босқичидан юқорига қараб мураккаб босқичига ўтади ва шу билан бирга тушунтиради, изоҳлайди, таққослайди ва умумлашган ҳолга олиб келади.

Математикани ўқитишда ва масалалар ечишда ақлий фаолиятнинг тури сифатида таққослаш ўзига хос ўрин тутади. Унинг ёрдамида ҳодиса ва предметларда алоҳида

белгилар ва хусусиятлар ажратилнади, умумий сифатлари ўрганилади. Таққослаш, ҳодиса ва предметларни мос ва қарама-қарши қўйишдан бошланади.

Тафаккурнинг йўналишларида яна бири бу математик тасаввурдир.

Математикада тасаввур деганда инсон томонидан ҳали тушунилмаган ва эътироф этилмаган математик қонуниятларнинг, муносабатларнинг ва фигураларнинг асл ҳолатларини яратиш тушунилади. Тасаввур одатда илгари ўзлаштирилган мавзуларни қайта ишлаш, шаклан алмаштириш асосида кўрилади. Айниқса, у геометрия мавзуларида геометрик фигураларни ясашда, уларни турли ҳолатларда таҳлил қилишга, фазони тасвирлашда ва тасаввур билан боғлиқ бўлган қатор математик тушунчаларни аниқлаштиришда ёрдам беради.

***Kalit so‘zlar***. *Syujet, peyzaj, hissiyot, individuallik, epizod, badiiy tasvir, insho, obrazlilik, yozma ish, uzluksiz ta’lim, tasavvur, atrof-olam, ko‘nikma, boshlang‘ich ta’lim, maktabgacha tarbiya davri, og‘zaki matn.*

Nutq fikr bayon qilish vositasi bo‘lib, og‘zaki va yozma, ichki va tashqi nutq kabi shakllari mavjud. Nutqning amaliy ahamiyati shundaki, tafakkur nutq yordamida ro‘yobga chiqadi. Og‘zaki nutq pauza, urg‘u, intonatsiya va tovushlar orqali borib yetsa, yozma nutq esa harf va so‘zlarning ma’lum qonuniyat asosida o‘zaro birikuvi (tinish belgilar, abzas, paragraf) orqali borib yetadi. Og‘zaki nutqni eshitamiz, yozma nutqni ko‘ramiz va o‘qiymiz. Yozma nutqda savodxonlik va mazmun asosiy o‘rin tutadi.

Yozma nutqning talabi quyidagicha:

– Har bir so‘z, har bir jumla muallif maqsadini amalga ochirishga xizmat etishi lozim.

– Yozma nutqda fikr ifodali va ravon bayon etilishi kerak.

– Bildirilgan fikrlar asosida xulosa chiqarilishi shart.

Ta’lim va tarbiya metodikasi

Nutq faoliyati, shuningdek, o‘quvchilar nutqini o‘stirish uchun bir necha shartga rioya qilish zarur:

1. Kishi nutqining yuzaga chiqishi uchun talab bo‘lishi kerak. O‘quvchilar nutqini o‘stirishning metodik talabi o‘quvchi o‘z fikrini, og‘zaki yoki yozma bayon qilish xohishini va zaruriyatini yuzaga keltiradigan vaziyat yaratish hisoblanadi.

2. Har qanday nutqning mazmuni, mavzusi bo‘lishi lozim. Bu material qanchalik to‘liq, boy, qimmatli bo‘lsa, uning bayoni shunchalik mazmunli bo‘ladi. Shunday ekan, o‘quvchilar nutqini o‘stirishning ikkinchi sharti nutqqa oid mashqlarning mavzulari haqida bo‘lib, o‘quvchining nutqi mazmunli bo‘lishi uchun g‘amxo‘rlik qilishi hisoblanadi.

3. Fikr tinglovchi tushunadigan so‘z, so‘z birikmalari, gap, nutq yordamida ifodalansagina tushunarli bo‘ladi. Shuning uchun nutqni muvaffaqiyatli o‘stirishning uchinchi sharti − nutqni til vositalari bilan qurollantirish hisoblanadi. O‘quvchilarga til namunalarini berish, ular uchun yaxshi nutqiy sharoit yaratish zarur. Nutq o‘stirishning metodik sharti nutqiy faoliyatning keng tizimini yaratish, ya’ni, birinchidan, yaxshi nutq namunasini idrok etish, ikkinchidan, o‘rgangan til vositalaridan foydalanib, o‘z fikrini bayon etish uchun sharoit yaratish hisoblanadi.

Bola tilni nutqiy faoliyat jarayonida o‘zlashtiradi. Buning o‘zi yetarli emas, chunki u nutqni yuzaki o‘zlashtiradi. Nutqni egallashning qator aspektlari mavjud. Bular:

– Adabiy til me’yorlarini o‘zlashtirish. Maktab o‘quvchilarini adabiy tilni sodda so‘z-lashuv tilidan, sheva va jargondan farqlashga o‘rgatadi, adabiy tilning badiiy, ilmiy, so‘z-lashuv variantlari bilan tanishtiradi.

– Jamiyatimizning har bir a’zosi uchun zarur bo‘lgan muhim nutq malakalarini, ya’ni o‘qish va yozish malakalarini o‘zlashtirish. Bu bilan o‘quvchilar yozma nutqning xu-susiyatlarini, uning og‘zaki-so‘zlashuv nutqdan farqini bilib oladi.

– O‘quvchilarning nutq madaniyatini takomillashtirish. Til jamiyatdagi eng muhim aloqa vositasidir, mana shu ijtimoiy ahamiyatidan kelib chiqib, maktabda o‘quvchilarning nutq madaniyatiga alohida e’tibor beriladi.

Bu vazifalarni bajarish uchun o‘qituvchi o‘quvchilar bilan rejali ish olib borishi lozim. Buning uchun o‘quvchilar nutqini o‘stirish ustida ishlash tushunchasiga nimalar kirishini bilib olish muhimdir.

Nutq o‘stirishda uch yo‘nalish aniq ajratiladi:

– so‘z ustida ishlash;

– so‘z birikmasi va gap ustida ishlash;

– bog‘lanishli nutq ustida ishlash.

Insho qanday turda bo‘lishidan qat’i nazar, og‘zakimi yoki yozmami, o‘zida o‘quv-chilarning o‘z fikrlarini yaratishga yo‘naltirilgan ishni mujassamlashtiradi. Insho o‘quvchining shaxsiy nutqiy faoliyatini shakllantirish va rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu ikki yo‘nalishdagi ishni: nutqiy faoliyatni takomillashtirish hamda nutqiy ko‘nikmalarning har birini shakllantirishni o‘zida mujassamlashtirgan mashqlarning bir ko‘rinishi sanaladi. Muallif tomonidan hal qilinadigan matn mavzusi, uning asosiy g‘oyasi, mikromatnning tarkibi, ularning izchilligi, til vositalaridan foydalanish xususiyatlariga doir sharhlar o‘quv-chilarga topshiriqni to‘laqonli tushunish imkoniyatini beradi. Muallif fikrini yuzaga chiqa-rish esa insho yozishga tayyorlanish jarayonida o‘quvchi oldiga barchasini aniqlash va amalda qo‘llash vazifasini qo‘yadi.

Insho, bu – o‘quvchilarning tabiiy monologik nutqining yanada mukammal bo‘-lishiga, nutqiy faoliyati tajribasining boyitilishiga qaratilgan mashq turi hisob lanadi. Insho o‘tkazish haqiqiy nutqiy faoliyatda mavjud bo‘lgan barcha shart-sharoitlarni kuzatishni talab qiladi. Nutq har doim insonlarga hamroh bo‘ladi. U mustaqil faoliyat sifatida, shuningdek, mehnat, o‘yin, ijodiy va boshqa faoliyat bilan ham bog‘liq bo‘lishi mumkin. Aynan shu sabab aniq bir nutqiy asarni yozishga tayyorgarlik ko‘rishdan oldin muloqotning aniq vaziyatini yaratish, o‘quvchilarda unga kirishib ketish ehtiyojlarining shakllanishi haqida qayg‘urish kerak. Nutqiy muloqot fikr almashish shakliga ega bo‘lishi kerak. Bunda o‘qituvchining roli so‘rash va javob talab qilishdan emas, balki muloqotda qatnashadiganlar, ya’ni o‘quv-chilar qarashlariga qiziqish bildiradigan teng huquqli suhbatdosh bo‘lishdan iborat bo‘li-shi lozim. Bunday holatning o‘ziga xos xususiyatlari shundaki, u tajribaliroq kishi sifatida suhbatni boshqarib boradi. Suhbatning ko‘zda tutilgan mavzusi u yoki bu darsdagi ta’lim topshiriqlari bilan aniqlanadi. Erkin muloqot davomida suhbat nutqini takomillashtirish, ilmiy-rasmiy yoki badiiy nutqni maxsus tashkillashtirish yoki o‘quvchilarning dars jarayonidagi boshqa faoliyat tur-laridan foydalanish mumkin. Masalan, ilmiy-rasmiy nutqning qo‘yilishida to‘g‘ri tashkil qilingan o‘quv faoliyatida topshiriqni bajarishning tanlangan usullari, o‘z fikrining dalil- isbotlari, bajariladigan o‘quv harakatlarining izohlari va boshqalar katta rol o‘ynaydi. Badiiy nutqni rivojlantirish uchun borliqni ruhiy-hissiy idrok qilishga asoslangan tasav vurga keltirish ishi-da so‘z orqali ifodalanadigan ijodiy faoliyatni tashkil etish juda muhim. Bu nafaqat ona tili va adabiyot darslarida, balki musiqa va rasm darslarida ham muhim sanaladi. Nutqiy vaziyatlardan foydalanish matn tuzishga maxsus tayyorlanishni o‘tkazishni taqiqlamaydi. Inshoning mavzusi, janri va tayyorgarlik ishining xarakteriga ko‘ra, birinchi navbatda, o‘quvchilarga qaysi uslubdagi matnni tavsiya qilish, so‘ng umumiy vaziyatlardan biriga daxldor bo‘lgan va o‘quvchilar uchun qiziqarli, hayotiy bo‘lgan aniq holatlarni o‘ylab topish zarur.

Inshoni yozish bosqichida o‘quvchilar imloviy xatoga yo‘l qo‘yish qo‘rquvidan xalos bo‘lishlari uchun ularning diqqati aynan nutqiy topshiriqlarni bajarishga qaratilgan bo‘li-shi lozim. Amaliyotda qo‘llanilgan yo‘riqnomaga ko‘ra, faqat yozilishi aniq bo‘lgan so‘z-lardan

foydalanish xavflidir, chunki bu holat tayyorgarlik ishlarining ahamiyatini yo‘qqa chiqaradi va o‘quvchilarning nutqini rivojlantirishga to‘sqinlik qiladi. Insholarni tekshirish bosqichida o‘quvchiga mazkur masalani o‘zi mustaqil tekshirish uchun ma’lum bir vaqt beriladi.
Inshoni yozish bosqichi quyidagicha tashkil qilinadi:
– dastlabki tayyorgarlik;
– nutqiy vaziyatni yaratish;
– o‘z-o‘zini nazorat qilish;
– insho(matn)ni yozish.

Matn – mazmun, uslub va grammatik jihatdan o‘zaro bog‘langan va aniq ketma-ketlikda joylashgan gaplar qatoridan tuzilgan tugallangan asar. Matndagi gaplar oddiy, oldinma-keyin kelmaydi. Balki bu bog‘lanishning o‘z qonunlari mavjud. Gaplar orasida teng sizlik mavjud. Gaplar kontekstga bog‘liq bo‘lishi yoki bo‘lmasligi mumkin. Kontekstga bog‘liq gaplarni mustaqil ishlatish mumkin emas, chunki ularning mazmuni kontekstdan tashqarida har doim ham tushunarli bo‘lavermaydi. Gaplardagi o‘zaro aloqa zanjir usulida (ikkinchi gap birinchi gap bilan, uchinchi gap ikkinchi gap bilan) yoki muqobil (gaplar o‘zaro bog‘lanmaydi, balki o‘zaro taqqoslanadi, bunda barcha gaplar birinchi gapga bog‘langan bo‘lib, uni aniqlab keladi) bo‘lishi mumkin. Matn qurilishi nutq turiga bog‘liq bo‘ladi.

Nutq turlarini tasniflashda bayon usuli, tasvir usuli va muhokama usuli alohida farqlanadi. Yozma nutqni rvojlantirish bosqichlarida tasvir usulidagi mashqlardan foydalanish samarali natijalar beradi. Narsani tasvirlash. Bunday tasvirda hamma narsa aniq, mantiqiy, to‘liq chegaralangan, shaxsiy hissiyot va tasavvurlarsiz bo‘lishi kerak. Badiiy tasvirda esa narsa haqida timsolli tasavvur beriladi. Bunday insholarda muallifning narsani idrok qilishi, kayfiyati, fikrlari va kechinmalari tasvirlanadi. Butun diqqat faqat narsaning timsolini yaratishga hamda yorqin detallarga qaratiladi. Tasvir uchun aniqroq ahamiyatga ega sifatlar, otlar, ravishlar, shuningdek, qiyoslashlar, qiyosiy oborotlar va ko‘chma ma’noli so‘zlardan keng foydalaniladi. Jonivorni tasvirlash. Jonivorni tasvirlash maktab insholarining eng sevimli turlaridan biridir. Bunday insho, odatda, shaxsiy taassurotlar va kuzatishlar asosida yoziladi. Jonivorni tasvirlash jarayonida uning qiliqlarini, u bilan bog‘liq qiziq sargu zashtlarni hikoya qilmaslik mumkin emas. Buning ustiga, bunday insholarda jonivorning hayotida ro‘y bergan biror voqeani emas, balki uning tashqi ko‘rinishini yoki xarakterini tasvirlash muhim. Jonivorlar tasvirida nasl, tirnoqlar (changallar), tumshuq (yoki burun), gavda, panja, tus kabi so‘zlardan o‘rinli foydalanish zarur. Ularning tashqi ko‘rinishi yoki xarakteriga xos eng muhim jihatlarni ko‘rsata bilish lozim. Xona (imorat) tasviri.Bunday matnlarni yaratish tajribasi juda kam, shuning uchun bunday inshoni yozish jarayonida o‘quvchilarda xona yoki binoning eng muhim o‘ziga xosliklarini ko‘rsata oladigan detallarga e’tibor qilish ko‘nikmasini shakllantirish lozim. O‘rin-joy tasviri.Bunday inshoda inson xohlagan joyni tasvirlashi mumkin: qish-loq, qo‘rg‘on, shahar, ko‘cha, hovli, maydon va b. Bunday tasvirning asosi berilgan joy uchun xarakterli bo‘lgan narsalarni hisobga olish va ularning tasviri sanaladi. O‘rin-joyni tasvirlashda “kuzatishning boshlang‘ich nuqtasi”ni topishni bilish talab etiladi. Masalan, siz adir yoki qirning ustida turib, shahar va uning atrofini kuzatyapsiz. Bunda quyidagi so‘zlar va so‘z birikmalaridan foydalanasiz: yaqinda, bir necha qadam narida, sal nariroqda, yaqinida, qarshisida, ko‘pqavatli uylar jamlanmasi, yangi rejalashtirish, ko‘priklarning nafis panjaralari, tasvirli burchaklar va h.k. Inson tashqi qiyofasini tasvirlash.Bunda insonning yuz tuzilishi, qomati, xatti-harakati, o‘zini tutishi, o‘ziga xos gavda holati, kiyim-boshi tasvirlanadi. Bunday tasvirning bosh vazifasi inson tashqi qiyofasining asosiy jihatlari va xarakterli xususiyatlarini aniqlash hamda uni so‘zlar orqali ifodalashdan iborat. Bu jihatlar insonning yurishturishi, qiliqlari, kasbi va mashg‘uloti, xarakter xususiyatlari bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin.

Harakat tasviri. Har qanday tasvirdagidek, harakat tasviri ham rasmiy va badiiy bo‘lishi mumkin. Rasmiy tasvirda asosiysi aniqlik va mantiqiy ketma-ketlik sanalib, jarayonning barcha unsurlarining to‘liq tasviri uchun yetarli bo‘ladi. Badiiy tasvirda esa o‘quvchining hissiyotiga

ta'sir etish, unda muayyan kayfiyatni tug'dirish asosiy xususiyat sanaladi. Insonning mehnat faoliyatini tasvirlovchi matnlar quyidagi qismlarga bo'linadi: ishga tayyorlanish, ishning borishi va ishning natijasi. Tabiat tasviri. Bunday tasvirli inshoda hikoya qilish uchun istalgan mavzu tanla-nishi kerak. Boshlash uchun badiiy asarlardan olingan tabiat tasvirlari o'qib eshittirilishi lozim. Keyin o'quvchilarga o'z kuzatishlaridan olingan taassurot bo'yicha yozish topshiriladi. Bunda yordam uchun quyidagi savollar beriladi: Tasvirlanayotgan narsa nimaga o'xshaydi? U nimani eslatadi? U insonda qanday fikr va hissiyotlarni uygotadi? Tasvir uncha katta emas, lekin yorqin bo'lishi kerak. Rasm tasviri. Bunday insho nafaqat o'quvchilarning luga'viy boyligini oshiradigan, balki go'zallikka intilishni, san'atni tushunish va qadrlashni o'rgatadigan, dunyoqarashini kengaytiradigan, kuzatuvchanligi va tasavvurini rivojlantiradigan ijodiy ish sanaladi. Tasviriy san'at olami juda boy va murakkabdir, u bir necha janrlarga bo'linadi: natyurmort, portret, peyzaj. Tasviriy san'atning asosiy belgisi – ranglardir. Ranglar so'z boyligining oshishida asosiy rolni o'ynaydi. Rasmni tahlil qilishda quyidagilar hisobga olinishi kerak:

– rasm janri;
– rasmda tasvirlangan shaxs va narsa(lar);
– rasm uyg'otadigan kayfiyat;
– rasmning asosiy mikromatnlari;
– muallif timsol yaratishda foydalangan tasviriy-ifoda vositalari (hajm, kompozitsiya, yorug'lik, rang va kolorit);
– muallif pozitsiyasini va rasmning asosiy g'oyasini ifodalashda bu vositalarning ahamiyati.

Tasvirlash, bu – narsa yoki hodisani ko'rsatish, ularning ayni damda berilgan maq-sad uchun muhimroq bo'lgan u yoki bu belgilarini ochib berishdir. Belgi nima? Biz uni tanib olishimiz uchun faqatgina unga xos bo'lgan xarakterli xususiyati, o'ziga xosligi hisoblanadi. Tasviriy inshoda syujet ham, qoidaga muvofiq, harakatlanuvchi shaxslar ham yo'q. Narsani tasvirlashda noaniqlikka yo'l qo'ymaslik uchun, birinchidan, uni diqqat bilan kuzatish, unda butun umumiy tasvirni ko'rsata oladigan detallarni ajratish; ikkin-chidan, uslub talablariga mos keladigan qiziqroq va yorqinroq belgilarni ajratib olish (ular ko'p bo'lishi shart emas), uchinchidan, timsolli qiyoslash, sifatlashlar kabi til vositalaridan moslarini tanlash muhim.Bugungi o'quvchilar ertaga qaysi kasb egalari bo'lishidan qat'i nazar, ular birinchi navbatda, madaniyatli kishi bo'lishlari lozim. Bugungi kunda madaniyatli kishi erkin va savodxonlik bilan yoza olishi va gapira olishi lozim. Shaxsni o'z fikr va tuyg'ularini xoh og'zaki, xoh yozma ravishda ifodalash malakasisiz rivojlantirish mumkin emas.
Shaxsni shakllantirish va rivojlantirish – ijtimoiy va iqtisodiy masalalarni hal qilishning dastlabki shartidir. Hozirgi zamonaviy maktablarda aksariyat o'quvchilar insho yozishni xohlamaydilar, yoki yozishga qiynaladilar. Biroq muloqotning zamonaviy davrida yozma nutqni o'quvchilarning eng ko'p talab etiladigan faoliyat turlaridan biri deb tan olish kerak. Chunki sayt tuzish, chatlar yordamida tarmoqda muloqot – bularning hammasi matnlarning mantiqiy va kompozitsion jihatdan tugallikka ega bo'lgan mustaqil ravish-da tuzilgan yozma nutq ko'rinishlaridir. Shuni esda tutish lozimki, har qanday xizmat qog'ozi – hujjatlar: hisobot, ma'lumotnoma, tavsiyanoma, qaydmi – bularning hammasi inshoning bir turi sanaladi va ishbilarmon kishining muvaffaqiyati uning aloqa matnlarini yozish mahoratiga bog'liq.

Xulosa qilib aytish mumkinki, insho yozishni o'rgatish – zamonaviy maktabning dolzarb muammolaridan biridir va bu ko'nikma o'quvchining kelajakda qaysi soha – xoh fan, xoh texnika yoki san'at sohasida bo'lmasin, madaniyatli kishi sifatida kamol topishi uchun zarurdir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: Ma'naviyat, 2008.
2. Zunnunov A. Adabiyot o'qitish metodikasi. –T.: O'qituvchi, 1992. 299-b.
3. Husanboyeva Q. Tahlil adabiyotni anglash yo'li. – T.: Sharq, 2013. 346-b.

4. Nurmonov A, Sobirov.A. Hozirgi O‘zbek adabiy tili. – T.: Ilm ziyo, 2010. 160-b.
5. Turdiyev B. Yozma nutqni rivojlantirish yuzasidan praktikum. – T.: O‘qituvchi, 1980, 124-b.
6. Madayev O. Insho qanday yoziladi. – T., 1991, 120-b.
7. M. Hazratqulov “Xalq ta’limi”ilmiy-metodik jurnali. 2016. № 6.
8. Баранова Э. Методика обучения аргументированному письменному выс-казыванию. – М.: Просвещение, 1991. – С. 227.

**UDK 37.013.46**

# MATEMATIK SAVODXONLIKNI OSHIRISH BO’YICHA PISA TOPSHIRIQLARINI DARS MASHG’ULOTLARIDA QO’LLASH

**Nishonova Muattarxon Alisherovna**
Andijon shahar 35-davlat ixtisoslashtirilgan maktabi matematika o’qituvchisi
Andijon, O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada matematik savodxonlikni oshirish bo’yicha PISA topshiriqlarini dars mashg’ulotlarida qo’llashning muhim jihatlari aytib o’tilgan. Muallif tomonidan tuzilgan “Teraklar” misolida PISA topshirig’ini yechish va baholash bosqichlari ko’rsatib o’tilgan. Topshiriqni yechish jarayonida o’xshash uchburchaklarning hossalari, proporsional miqdorlar haqidagi tushunchalardan foydalanilgan.*

***Kalit so’zlar:*** *PISA-xalqaro tadqiqoti, matematik savodxonlik, PISA topshiriqlari, kontekst, o’xshash uchburchaklar, proporsional miqdorlar.*

Barchamizga ma’lumki, mamlakatimiz 2021-yilda ilk marotaba PISA (15-16 yoshli o‘quvchilarning o’qish, matematika va tabiiy savodxonlikka oid bilimlarini baholash bo‘yicha xalqaro dastur) xalqaro tadqiqotida qatnashish uchun tayyorgarlik ko’rmoqda. Jarayonga tayyorgarlik ko’rish maqsadida respublikamizning barcha maktablarida sayi-harakatlar qilinmoqda. Turli hududlarda seminarlar tashkil etilmoqda, xalqaro tajribaga suyangan holda o’quvchilarda amaliy ko‘nikma va mantiqiy fikrlashni rivojlantirish bo‘yicha ishlar amalga oshirilmoqda.

Avvalgi yillardagi PISA tadqiqotlaridan farqli o’laroq 2021-yilda matematik savodxonlikni baholash ustuvor yo’nalish sifatida qaralmoqda. PISA tadqiqotlarida o’quvchilarning matematik savodxonligini baholashda quyidagi uch jihatga alohida e’tibor qaratiladi:
1. Berilgan topshiriqlar o’quvchilarning kundalik hayotdagi qiziqishlari va ehtiyojlariga mosligi;
2. Muammo mazmunining hayotiyligi;
3. Matematikaning qo’llash bosqichlarining barchasini qamrab olinganligi, ya’ni masalani tushunish, matematik modellashtirish, yechish, natijani tahlil qilib hulosa qilishgacha barcha bosqichlarning qamrab olinganligi.

Maktab matematika darslarida o’quvchilarning olgan bilimlarini mustahkamlash, kelgusidagi PISA tadqiqotlariga tayyorlab borish maqsadida, dars mashg’ulotlarida PISA topshiriqlarini yechib, muhokama qilib borish, imkon qadar o’tilgan mavzuga oid bilim, ko’nikmalarni tadbiq etgan holda hal qilinuvchi PISA topshiriqlarini tuzib, ularni o’quvchilar bilan tahlil qilish juda samaralidir. Sababi, olgan bilimlarini fikrlashga undaydigan keng qamrovli hayotiy muammoli masalalar yordamida mustahkamlashi o’quvchining qalbida fanga bo’lgan ishtiyoqni yanada orttiradi. Ularni hayotda qanchalik muhim ahamiyatli ekanligini to’laroq his qilishga undaydi. Shuni ta’kidlash joizki, o’quvchilarga PISA topshiriqlarini

berishdan avval, ularni topshiriqni yechishga tayyorlash, ya'ni topshiriqni yechish jarayonida kerak bo'ladigan tayanch bilimlarni faollashtirish kerak. Shuningdek, bitta PISA topshirig'ida berilgan savollar butunlay boshqa-boshqa sinf mavzulariga oid bo'lishi mumkin, hatto hech bir sinf mavzusiga mos bo'lmasligi ham mumkin. Shuning uchun, o'qituvchi o'rganilayotgan mavzuga mos PISA topshiriqlarini tanlashi, ulardan o'z o'rnida foydalana bilishi kerak. o'quvchining sinf darajasiga ham mos bo'lishi ahamiyatlidir.

PISA-2021 topshiriqlari matematikaning ushbu to'rtta: miqdorlar, o'zgarishlar va munosabatlar, fazo va shakl, ma'lumotlar va noaniqliklar-mazmun bo'limlari bo'yicha taqsimlanganganligini hisobga olgan holda quyidagi darslarda foydalanish uchun tuzilgan PISA topshirig'ida ularni ko'proq qamrab olishga harakat qilindi.

**TERAKLAR**



Davron dadasi bilan qurilish uchun dala hovliga ekilgan 10 yillik teraklarni kesishmoqchi. Dadasi qurilish uchun 10 metrlik yog'ochlar kerak bo'lishini aytdi. Davron daraxtlarni kesmay turib, ularni taxminiy balandligini hisoblay olishi mumkinligini o'ylab qoldi. Soyalar va ruletka yordamida hisoblashga kirishib ketdi.

**1-savol**: Davron bu ishni qanday amalga oshirishi mumkin?

______________________________________________________________________
______________________________________________________________________
____________________________________________

*1-savol to'g'risida ma'lumot:*

Savol tavsifi: hayotiy masalaga matematik yechim berish;
Matematikaga oid mazmun sohasi: fazo va shakl;
Kontekst: kasbiy.
Aqliy faoliyat turi: ifodalash.

Birinchi savolning javobini hal qilish uchun o'quvchi kunning bir hil vaqtida olingan jism uzunliklarining ularning soyalariga nisbatlari teng bo'lishidan foydalanadi. Davron o'zining bo'yini soyasining uzunligiga nisbatini terakning bo'yini uning soyasining uzunligiga nisbatiga tengligidan foydalanib hisoblaydi. Bu hisob kitobni Davron bilan uning soyasi hamda terak bilan uning soyasi hosil qilayotgan o'xshash uchburchaklar xossasidan kelib chiqib kengroq tushuntirishi ham mumkin.

*1-savolning baholash mezoni:*

Quyidagi mazmundagi javob toliq qabul qilinadi:

*To'g'ri javob:*

a) O'rtacha uzunlikdagi terak o'zining soyasi bilan to'g'ri burchakli uchburchak hosil qiladi, huddi shu vaqtda biror jism ham o'zining soyasi bilan bu uchburchakka o'xshash uchburchak hosil qiladi. O'xshash uchburchaklar xossasiga ko'ra ularning mos tomonlari nisbati teng bo'ladi. Demak, jism va terak uzunliklari nisbati ularning soyalari uzunliklari mos holdagi nisbatiga tengdir.

b) Davron soyasi o'zining bo'yiga teng bo'lgan paytda terakning soyasi uzunligini o'lchaydi. Bu uzunlik terakning uzunligini beradi.
Quyidagi hollarda javob qabul qilinmaydi:
a) boshqa javoblar berilgan bo'lsa;
b) javob berilmagan bo'lsa.
**2-savol**: Agar Davronning bo'yi 1.5 m; soyasining uzunligi esa 1.8 m bo'lsa, soyasining uzunligi 18 m bo'lgan terakning uzunligini toping.
A. 17 m
B. 18 m
C. 20 m
D. 15 m.
*2-savol to'g'risida ma'lumot:*
Savol tavsifi: o'xhashlik hossasidan foydalanib, terakning uzunligini hisoblash;
Matematikaga oid mazmun sohasi: fazo va shakl;
Kontekst: shaxsiy;
Aqliy faoliyat turi: qo'llash.
O'xshahslik xossasiga ko'ra hisoblansa,

$$\frac{1.5}{1.8}=\frac{h}{18}; \qquad h=\frac{1.5\cdot 18}{1.8}m=15m.$$

Demak, terakning bo'yi 15 metr ekan.
*2-savolning baholash mezoni:*
Quyidagi mazmundagi javob toliq qabul qilinadi:
*To'g'ri javob: D. 15m.*
Quyidagi hollarda javob qabul qilinmaydi:
a) boshqa javoblar berilgan bo'lsa;
b) javob berilmagan bo'lsa.
**3-savol**: 8-10 yoshli ishga yaroqli terakzorning 1gektaridan o'rtacha 700m$^3$ yog'och olinadi. Davronning dala hovlisidagi 20x25 m o'lchamdagi terakzordan o'rtacha qancha kub metr yog'och olish mumkin?
*3-savol to'g'risida ma'lumot:*
Savol tavsifi: proporsiyadan foydalanib berilgan o'lchamdagi maydondan olinadigan yog'och miqdorini hisoblash;
Matematikaga oid mazmun sohasi: miqdorlar;
Kontekst: kasbiy;
Aqliy faoliyat turi: qo'llash.
3-savolining javobini topish uchun avval 20x25m metr o'lchamdagi maydon yuzasini hisoblanadi.

$$S=20\cdot 25m^2=500m^2$$

So'nga, proporsiya yordamida bu maydondan olinadigan yog'ochning hajmi topiladi: 1ga=10000m$^2$ ligini hisobga olgan holda

10000 m$^2$———— 700 m$^3$
500 m$^2$ ———— X m$^3$

$$X=\frac{500\cdot 700}{10000}m^3=35m^3$$

*3-savolning baholash mezoni:*
Quyidagi mazmundagi javob toliq qabul qilinadi:
*To'g'ri javob:* O'rtacha $35m^3$ yog'och olish mumkin.
Quyidagi hollarda javob qabul qilinmaydi:
a) boshqa javoblar berilgan bo'lsa;
b) javob berilmagan bo'lsa.

Ko'rilgan masalada Miqdorlar hamda Fazo va shakl bo'limlariga oid tushunchalar tadbiq etilgan. Yuqoridagi kabi topshiriqni geometriya darslarida geometrik shakllarning o'xshashligiga oid mavzularni o'rganilganda, amaliy-tadbiqiy masalalar yechish jarayonida ko'rib tahlil etish mumkin. Bu masalada nafaqat o'quvchi o'xshashlik tushunchasini, balki quyi sinflarda o'tilgan proporsiya, yuza o'lchov birliklari, yuzalarni hisoblash kabi tushunchalarni ham tadbiq etib, ularni mustahkamlaydi. Bundan tashqari, ushbu masalada tabiiy, ilmiy savodxonlik tekshirilgan va berilgan savollar shaxsiy, kasbiy kontekst turkumlariga oiddir.

Bu kabi PISA topshiriqlaridan dars jarayonlarida, sinfdan tashqari to'garak mashg'ulotlarida o'quvchilarning savodxonligini oshirish, mantiqiy fikrlash, hayotiy-muammoli masalalarni tahlil qilish, hal etish ko'nikmalarini rivojlantirish, jarayon davomida o'quvchilar bilimidagi bo'shliqlarni aniqlagan holda, PISA-2021 tadqiqotlariga puxta tayyorlanishda foydalanish mumkin.

Mazkur reyting natijalaridan kelib chiqib yurtimizning kelgusi rivojlanishiga baho beriladi, uzoq muddatga xorijiy investitsiya kiritadigan yirik korxonalar tomonidan ushbu reyting natijalari inobatga olinishidan ham bu jarayon rivojlanib borayotgan mamlakatimiz uchun qay darajada muhim ekanligini his qilish mumkin.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1.A.A.Ismailov, N.A.Karimov, B.Q.Haydarov, Sh.N.Ismailov. "Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilar matematik savodxonligini baholash". T., 2019.
2.B.Xaydarov, E.Sariqov, A.Qo'chqorov Geometriya. Umumiy o'rta ya'lim maktablarining 9-sinfi uchun darslik. T., 2019.
3.O'zbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005) ma'lumotlari.
4.Ozolin G.. Shamsiyev Q., Stipinskiy V., O'zbekiston teraklari, T., 1992.

**UDK 37.013.46**

# ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH

**Murodova Muhabbatxon Nizomjonovna**
Qo'shtepa tumani 2-maktabning ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Farg'ona viloyati, O'zbekiston

***Annotatsiya:*** *Maqolada ta'limdagi innovatsion texnologiyalar va interfaol usullarni fanga tatbiq qilishning maqsad va mohiyati yoritilgan. Shuningdek, mualliflar ona tili va adabiyot darslarida foydalanishda kerak bo'ladigan metodlar haqida ma'lumotlar berib o'tgan.*

***Kalit so'zlar.*** *innovatsion texnologiyalar, interfaol usullar, mustaqil fikrlash, bahs yuritish, trening, o'zaro munosabat.*

***Аннотация:*** *В статье изложена цель и сущность инновационных технологий и интерактивных методов, используемых в процессе обучения. Авторы характеризуют методы, которые можно эффективно применять именно на уроках родного языка и литературы.*

***Ключевые слова.*** *Инновационные технологии, интерактивные методы, самостоятельное мышление, диспут, тренинг, взаимоотношения.*

***Annotation:*** *The article is about innovation technologies and interactive methods in education. The author also outlines method which could be easily used on language and literature classes.*

***Key words.*** *innovation technology, interactive method, independent mind, training discussion, mutual relations.*

Bugungi kunda ta'limda innovatsion texnologiyalar va interfaol usullardan foy-dalanish keng ommalashib bormoqda. Ta'lim subyektlari o'qituvchi, o'quvchi va o'quvchilar guruhining hamkorligi, qizg'in bahs-munozaralari, o'zaro fikr almashishi asosida tashkil etiladi. O'quvchilarda erkin fikrlash, shaxsiy qarashlarini qat'iy tarzda bayon etish, muammoli vaziyatlarda yechimlarni birga izlash, o'quv materiallarini o'zlashtirishda o'quvchilar yakdilligiga erishish, "o'qituvchi-o'quvchi-o'quvchilar guruhi"-ning o'zaro hurmat, tushuntirish va qo'llab quvvatlashlari, samimiy munosabatda bo'lishi bilan tasniflanadi. Mumtoz adabiyot namunalarini o'qitishda interfaol ta'limning bahs-munozara, mu-ammoli vaziyat, trening, rolli o'yin, debat, intervyu, videotahlil, taqdimot kabi metodlari-dan foydalanish ta'lim samaradorligiga erishishning muhim omilidir. "Bumerang", "Charxpalak", "klaster", "Aqliy hujum", "Muloqot texnologiyasi", "Blits-so'rov", "Muammo texnologiyasi", "debat" va h.k. o'qitishning noan'anaviy usullari sirasi-ga kiradi. Bundan tashqari 6x6 uslubi, "qarorlar shajarasi", "Zig-zag strategiyasi", "Ajurli arra", "integratsiyalashgan dars usuli", "Hamkorlik usuli", "Boshqotirma usuli", "Muzyorar" kabi usullardan ham foydalanish o'quvchilarni mustaqil fikrlashga, zukkolikka, o'zgalar fikrini hurmat qilishga yo'naltiriladi.Ta'lim sohasining alohida yo'nalishi sifatida trening yo'nalishi ham taraqqiy etdi. Ta'lim metodi sifatida rivojlanayotgan pedagogik trening va uni qo'llash uslubi mazmun jihatdan ta'lim va tarbiya sohasida treninglarning qanday tartibda tashkil etilishi va o'tkazili shi borasidagi masalalarni yoritishga bag'ishlanadi. Treningning asosiy maqsadi: shaxsni tabiiy erkinlikni his etishga o'rgatish, o'z guruhida va undan tashqarida o'zaro munosabat o'rnata olish kompetensiyalarini shakllantirishdan iborat. demak, trening shaxsda mavjud bo'lgan bilim, ko'nikma, malakalarni o'yin va mashqlar orqali o'tkaziladigan mashg'ulotlar yig'indisidir. Treninglarning asosiy qonunlaridan biri bu – guruhlar bilan ishlash. Bunday darslar quyidagi tarzda tashkil etiladi. Guruh a'zolari doira shaklida o'tiradilar. doira shaklida o'tirishning afzalligi shundaki, barcha ishtirokchilar bir-birlarini ko'rib turishadi. Bu esa, ishtirokchilarda ishonch, qiziqish, diqqat kabi xususiyatlarni vujudga keltiradi. Shuningdek, boshlovchi va ishtirokchilar orasida erkin muloqot qilish imkoniyatini yaratadi. Ayniqsa, bolalar guruhlar bilan ishlaganda ular qarshisida o'qituvchining bo'lmasligi o'smirlarda haqiqiy tenglikni his qi-lishga yordam beradi. Bu orqali guruh a'zolarining haqiqiy ijtimoiy tengligini ta'minlovchi psixologik muhit yaratiladi. Pedagogik treninglarda: "Tanishuv o'yinlari", "Ahillashuv o'yinlari" va ishchanlik muhitlarini yaratuvchi o'yinlardan foydalaniladi. dars samaradorligini oshirishda turli didaktik o'yinlardan foydalanish muhim ta'limiy ahamiyat kasb etadi. Tanishuv o'yinlariga esa, "qor yig'imi", "Olma", "ismlar-fazilatlar", "Juftlik asosida tanishuv" kabilar kiradi. Shunday o'yinlar sirasiga quyidagilarni kiritish mumkin. Ahillashtiruvchi o'yinlar: "Botqoqlik", "Avtobus", "Toping-chi bu kim?", "Orqama-orqa", "G'aram", "Tepalik", "So'qmoq", "qayerdan qayerga?", "qayta tuzilish", "ishonch parvo-zi", "Yomg'ir", "ko'rinmas sovg'a", "Yashirin lider", "Sakrash", "Chigilni yechish". ishchanlik muhitini yaratuvchi o'yinlar: "Joy almashish", "O'tirib turish", "Mevali daraxt", "Hayvonot olami", "klaster", "Blits-so'rov", "Suhbat", "6x6x6", "Tushunchalar tahlili", "SCOreinterfaol usuli", "kBitexnikasi", "Assessment texnikasi" kabi bir qator metodlarni keltirishimiz mumkin. keltirilgan ilg'or tajribalar barcha fanlar qatori ona tili va adabiyot darslarida qo'llanilib, yuqori natijalarga erishildi. quyida yuqori natijalarga erishgan bir nechta metodlarga to'xtalib o'tamiz.

**FSMU metodi.** Mazkur metod o‘quvchilardagi umumiy fikrlardan xususiy xulosalar chiqarish, taqqoslash, qiyoslash orqali axborotlarni o‘zlashtirish, xulosalash, shuningdek, mustaqil ijodiy fikrlash ko‘nikmalarini shakllantiradi.
F – fikringizni bayon qiling;
S – fikringiz bayoniga sabab ko‘rsating;
M – ko‘rsatgan sababingizni isbotlab, misol keltiring;
U – fikringizni umumlashtiring;
xalq og‘zaki ijodi mavzusi yuzasidan “FSMU” o‘tkazish namunasi:
F – fikringizni bayon qiling: badiiy adabiyotimizning eng qadimiy shakli xalq og‘zaki ijodi hisoblanadi. Muallifning noma‘lumligi, yillar mobaynida aytuvchilar tomonidan sayqallanib, takomillashib, mukammal shaklga ega bo‘lish xalq og‘zaki ijodi namunalariga xos belgilardir.
S – sabab xalq og‘zaki ijodi yozma adabiyotidan ancha ilgari paydo bo‘lgan va yozma adabiyotning bunyodga kelishiga zamin hozirlagan va h.k.
M – o‘zbek folklorida turlar quyidagicha:
1) epik tur: mif, afsona, rivoyat, ertak, naql, latifa, lof, terma, doston va boshqalar;
2) lirik tur: marosim folklorining barcha ko‘rinishlari, bolalar folklorining ko‘pgina turlari;
3) dramatik tur: og‘zaki drama, qo‘g‘irchoq o‘yini, askiya, xalq teatrlari va shu ka-bilar;
4) maxsus tur: maqol, matal, topishmoq;
U – xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, xalq yaratgan barcha asarlar o‘zining g‘oyaviyligi, chuqur xalqchilligi, til boyligi va badiiyligi bilan barcha davrlarda qadrlidir va h.k. Demak, ushbu metod ham ona tili va adabiyot darslarida qo‘llanilsa, o‘quvchilarda erkin fikrlashni shakllantiradi.

O‘zbekiston respublikasi Oliy va O‘rta maxsus ta’lim vazirligi, xalq ta’limi vazirligi va O‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi markazining 2013-yil 4-iyundagi “Umumta’lim fanlari bo‘yicha uzluksiz ta’limning dTS va o‘quv dasturlarini ishlab chiqish to‘g‘risida”gi qo‘shma qaroriga asosan umumiy o‘rta, o‘rta maxsus kasb-hunar ta’limi muassasalarida barcha fanlar bo‘yicha ishchi guruhi tuzilib, ular tomonidan o‘quvchilarda kompetentlik yondashuvni shakl lantirish maqsadida uzluksiz ta’lim tizimi uchun DTS va o‘quv dasturi qayta ko‘rib chiqildi.
**kompetensiya** – mazkur fan bo‘yicha o‘quvchi egallagan nazariy bilim, amaliy ko‘nikma va malakalarini kundalik hayotida duch keladigan amaliy va nazariy masalalarni ye chishda foydalanib, amaliyotda qo‘llay olishdir.
**kompetentlik** – bilimdonlik, tajribalilik, mas’uliyatlilik kabi boshqa xislat va fazilatlar tushiniladi.
**kompetensiya** – ko‘zlangan natijalarga erishish uchun bo‘lib, ko‘nikma va malakalarni qo‘llay olish qobiliyatini namoyish etishni bildiradi.
Ta’limning barcha bosqichlarida ona tili o‘qitishning asosiy maqsadi o‘quvchilarning kundalik, ilmiy va kasbga oid sohalarida faoliyat olib borishi uchun kommunikativ kompetensiyasini shakllantirishdan iborat.

Ona tili kommunikativ kompetensiyasi – tili bo‘yicha egallagan bilim, ko‘nikma va malakalarini muloqot jarayonida qo‘llash qobilyati. Shu maqsadda o‘quv fanining asosiy mazmunida quyidagi talablar ko‘zda tutiladi:
– ona tilidan muloqot malakasini egallash (kommunikativ kompetensiya);
– til materiali va vositalarini nutqda qo‘llay bilish uchun yetarli bilimlarni o‘zlashtirish (grammatik kompetensiya).

Pedagogika fanining rivojlanishi faqat ilmiy xodimlarning tadqiqotlari bilangina kifoyalanib qolmaydi. Bu ishga keng o‘qituvchilar ommasi ham bosh qo‘shsa, fanning rivojlanishi ancha yuqori bo‘ladi. Pedagogika tajribalarni umumlashtirish, uning yutuqlarini amaliyotga qo‘llash pedagogika fani va maktabdagi tarbiyaviy jarayonlar samaradorligigata’sir qiladi. ilmiy tadqiqotlar olib borish yo‘li bilan obyektiv borliqdagi bir butunlikni, ya’ni narsa va

hodisaning qonuniy bog‘ligini aniqlaydigan faoliyat turidir. ilm aniqlagan bilimlar fanning mulki bo‘lib qoladi.

Yuqorida keltirilgan barcha metodlar darsning sifat va samaradorligini oshirishni ta’minlaydi. Faqatgina bu usullardan mavzuga mosini tanlab, foydalanish zarur. Chunki dars davomida zamonaviylikka erishishda barcha metodlardan o‘rinsiz va ko‘p foydalanish ham yaramaydi. Zero, noan’anaviy metodlardan foydalanib dars tashkil qilish o‘quvchilarning bilish faoliyatini kuchaytirish, darslarda samarali natijalarga erishish yo‘llaridan biridir.

**“Davom ettiring” metodi**

Namuna: Antonim – qarama-qarshi ma’noli so‘zlar,

**M**-Morfologiya – so‘z turkumlarini o‘rganuvchi tilshunoslik bo‘limi;

**A**-Aniqlovchi – gapdagi biror bo‘lakning belgisini yoki bir narsa-buyumni kimga yoki nimaga qarashli ekanligini bildirgan bo‘lak;

**I** -ismlar – egalik, kelishik qo‘shimchalari bilan o‘zgarish xususiyatiga ega bo‘lgan so‘zlar;

R-ravish – ish-harakatning belgisini, ya’ni vaziyatini, paytini, o‘rnini, daraja-miqdorini, sabab maqsadini ifodalovchi mustaqil so‘z turkumi;

**Sh**-Shakldoshlik – shakli bir xil, manosi har xil bo‘lgan so‘zlar;

K-kesim – gapning grammatik markazi va h.k.

Ushbu o‘yinda oxirgi harfdan boshlanuvchi terminlar bilan davom ettirildi. Bu metodni ona tili darslarining mavzuni mustahkamlash qismida qo‘llash mumkin.xulosa o‘rnida shuni aytish joizki, jadallik bilan rivojlanib borayotgan ushbu zamonda ta’lim fidoyilari, biz o‘qituvchilar faollik bilan ishlashimiz, yangilik yaratishga hara-kat qilishimiz talab etiladi. Chunki mustaqillik farzandlari bo‘lmish hozirgi ilg‘or o‘quvchilarimiz bir-biridan zukko, oqil, tirishqoq va qiziquvchandir. Ta’lim va tarbiya hamisha birgadir. kishilarda bilim berish va bu bilimlarni amaliyotda qo‘llay olishga o‘rgatish hamda ularni umumiy rivojlantirishni bir butunlikda amalga oshirishni taqozo etadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat – yengilmas kuch. – T., 2008.
2. Ta’limda innovatsion texnologiyalar. – T.: Sharq, 2004.
3. Turg‘unov A., Ismoilova X. Zamonaviy pedagogik treninglar. – Andijon: 2012.
4. “Til va adabiyot ta’limi” jurnali. 3-son. 2014.
5. D.Qodirova, D.Maripova “Xalq ta’limi”ilmiy-metodik jurnali. 2016. № 3.
5. “Ma’rifat” gazetasi. 1-2-3-sonlar. 2015.

**UDK 37.013.46**

# BOSHLANG‘ICH SINF O‘QUVCHILARIDA MATEMATIK NUTQNI RIVOJLANTIRISH

**Gulbahor Ro‘ziyeva**
Navoiy viloyat XTXQTMOHM katta o‘qituvchisi
**Nigora Nurnazarova**
Navbahor tuman 8-maktab o‘qituvchisi
Navoiy, O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarning matematik nutqlarini o'stirish usullari haqida fikr yuritilgan. Matematik nutqni shakllantirish matematika fanini o'zlashtirish uchun juda muhimdir.*

***Kalitso'zlar:*** *Mazmunlik, mantiqiylik, aniqlik, ifodalilik, tushunarlilik.*

Hozirgi vaqtda boshlang'ich sinf o'quvchilari natural va nol sonlari kabi muhim matematik tushunchalar bilan ko'rgazmali va turli usullar orqali tanishmoqdalar, shu sonlar ustida amallar bajarmoqdalar. Bu amallarning xossalari hisoblash ko'nikmalarining shakllanish jarayonida o'zlashtiriladi va foydalaniladi.

Shu sinflar sanoqning o'nli sistemasi, uning og'zaki va yozma nomerlanishi; tenglik va tengsizlik (katta, kichik) munosabati tenglama va tengsizlik, geometrik figuralar, ularning xossalri va munosabatlari ham o'rganiladi, ayrim miqdorlarning o'zgarishiga bog'liq bo'lgan savollar qaraladi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilariga to'plam va ular ustida amallar, binar munosabatlar, funksiyalar va boshqalar haqida ochiq gapirilmasa-da, o'qituvchi o'quv jarayonini tashkil qilishda mana shu tushunchalarga suyanadi.

Masalan, umumiy elementlarga ega bo'lmagan ikki to'plamni qo'shish amaliga suyanib natural sonlarni qo'shish tushunchasi kiritiladi. Shu amallarning (kommutativligi va boshqa) xossalari ko'rib chiqiladi.

Hisoblash ko'nikmalarini shakllantirish jarayonida va masalalar yechishda binar munosabatlar, tenglama va uni yechish haqidagi birinchi tushunchalarni o'zlashtirish kerak bo'ladi. Buning uchun matematika logika elementlari va boshqa ko'p masalalarni o'rganishga to'g'ri keladi.

Aytilganlarni amalga oshirishda, boshlang'ich sinf o'quvchilarining matematik til va nutqlarini o'stirish ustida ishlashga e'tibor berishni talab qiladigan asosiy vazifalardan biridir.

O'quvchining adabiy tili qancha rivojlangan bo'lsa, uning matematik tilni egallashi shunchalik osonlashadi.

Matematik tilni egallashning o'ziga xos xususiyati shundaki, unda ko'proq simvollar ishtirok etadi. Bu jihatdan olganda matematik tilni egallash ob'yekti maktab partasidir. Haqiqatan ham, agar o'quvchining adabiy tilini rivojlantirish uchun radio, televideniya, turli gazeta va jurnallar, adabiy kitoblar xizmat qilsa, ularda matematik tilni rivojlantirish uchun asosan, o'quv jarayonida olib boriladigan ishlar xizmat qiladi. Biz bilamizki, til kishilar o'rtasida aloqa vositasi, nutq esa shu aloqani amalga oshirish jarayoni bo'lib xizmat qiladi.

Matematik nutq ham adabiy asosida quriladi. Matematika til va nutqning qanchalik darajada rivojlanganligi qo'yilgan savollarga yozma va og'zaki javoblar, har xil topshiriqlarni bajarish, kitob matni ustida ishlash, o'zgalarning nutqiga tanqidiy munosabatda bo'lishda namayon bo'ladi.

E'tibor berib qarasak, har bir o'quvchi matematik bilimni matematik nutq faoliyati orqali egallashini ko'ramiz. Shunday ekan, o'quvchining matematik nutqiga bir qancha talablar qo'yiladi. Shu talablardan ayrimlarini keltiramiz.

1. Mazmunlik – o'quvchi o'zi yaxshi bilgan matematik jumlani yozma yoki og'zaki ifoda etishi mumkin. Demak, o'quvchi o'zi yaxshi o'zlashtirib olgan matematik ifodalar haqida gapirsa, yoki yozsa, bu o'ziga va boshqa o'quvchilarga qiziq, hayotiy va tushunarli bo'ladi.

2. Mantiqiylik – matematik nutqqa bo'lgan talablardan biridir. O'quvchi o'z nutqini fikrlarining izchilligi va ravonliliga e'tibor berib tuzishi kerak.

3. Aniqlik– bunda o'quvchi bildirmoqchi bo'lgan fikr va yozmoqchi bo'lgan ifodaning aniq bo'lishi talab qilinadi.

4. Ifodalilik – bu talab o'quvchidan matematik jumlalarni, o'qiyotganda ovoz va ohangni to'g'ri tanlashni, kitob bilan ishlashni, yozayotganda esa rasmiylashtira bilishni talab qiladi.

5. Tushunarlilik – bu talab, har bir o‘quvchi qanday tushunchani o‘rganayotgan, qandaydir matematik amalni bajarayotgan bo‘lmasin, o‘zi shu narsalarni to‘la bilgan va ishongan holda bajarishini talab qiladi. O‘quvchilar yo‘l qo‘yadigan kamchiliklar mana shu talablarni to‘la bajarmaslikdan kelib chiqadi.

O‘quvchilarning matematik nutqlarini o‘stirishning yana bir omili, ularga matematikaga doir so‘zlarning lug’atini tuzdirish va shu so‘zlarning ma’nosini tushungan holda ishlatishga o‘rgata borish kerak.

Matematika darsida o‘quvchilarning nutqini o‘stirish uchun matematikani ona tili bilan bog’lab o‘qitish zarur . Matematika darsida ham o‘quvchi aniq, qisqa mazmunli gapirishga o‘rgatiladi, matematik terminlarning mazmun va ma’nolarini o‘rganib, lug’at boyliklarini oshirib boradilar. Har bir yangi mavzuo‘tilganda o‘quvchilardan ularni so‘zlab berish va yozishni o‘rganib olish talab etiladi.

O‘quvchining nutqini o‘stirishda og’zaki masala va misollar tuzdirish ham alohida ahamiyatga ega. Bu o‘quvchining faolligini ham oshiradi. O‘quvchining nutqini o‘stirish maqsadida tajribali o‘quvchilar o‘tgan zamon fe’llari, masalan, oldi, keldi, o‘qidi, kesdi kabi fel’lar ishtirokida o‘quvchilarga masalala tuzdiradilar.

Bundan tashqari mehnat darslarida olib boriladigan ishlar, ekskursiyalardagi kuzatilgan hodisalar, transport harakatlari haqida masalalar tuzdirish ham maqsadga muvofiqdir.

O‘quvchilarning umumiy madaniyati baholanganda matematik madaniyati qanday baholansa, ularning matematik madaniyati baholanganda og’zaki va yozma hisoblash qobiliyatlari, ya’ni matematik nutqlari ham shunday nazarda tutiladi.

Xulosa qilib aytganda o‘quvchi o‘z bilganlarini ravon gapirib bera olsa, o‘ylagan va eshitgan jumlalarni yozma bayon olsa, uning nutqi rivojlangan deyishimiz mumkin.

## ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1.Bikbayeva N.U., Sidelnikova R.I, Adambekova G.A.Boshlang‘ich sinflarda matematika o‘qitish metodikasi. – T. O‘qituvchi: 1996.
2.Bikbayeva N.U., Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi. T, 1998.
3. Nurmatov A, Ahmadjonov I, Levenberg L. Boshlang’ich sinflarda matematika o’qitish metodikasi. T, 1991.

**UDK 37.013.46**

# KOMPETENTLIKKA YO‘NALTIRILGAN INNOVATSION MATEMATIKA DARSLARINI TASHKIL ETISH

**Sultonova Iroda**
11- sonli Davlat Ixtisoslashtirilgan umumta’lim maktab – internatining
matematika fani o’qituvchisi
Namangan viloyati O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Ushbu maqolada matematika fanini o’qitishda tatqiqot, loyiha metodlarini qo’llash va axborot resurslaridan foydalanishning afzalliklari yoritilgan. Shuningdek, ekskursiya soatlarini qo’shish samarasi haqida bayon etilgan. Bundan tashqari trigonometriyani o’rganishda ba’zi usullari keltirilgan.*

***Kalit so’zlar:*** *matematika, fan, koordinata, kompetentlik, trigonometrik funksiya.*

Matematika fanini o'rganishda o'quvchilarda quyidagi holatlar kuzatiladi: quyi sinflar(boshlang'ich sinflar, 5, 6 sinflar)da sinfning deyarli barcha o'quvchisi fanni o'zlashtirishda qiynalmaydi, yuqori sinflarda matematikani o'rganishga bo'lgan qobilyatlari asta tabaqalashib boradi.

Bunga sabab fanning murakkablashuvi. Fan mohiyatinini barcha o'quvchilarga yetkazishning birgina yo'li, oddiy usulda dars o'tishdan voz kechish, matematikani o'qitishda aborot tehnologiyalari, elektron darsliklar va innovotsion tehnologiyalardan foydalanish.

Eshitgan materialning ¼ qismi, ko'z bilan ko'rgan materialning 1/3 qismi, ham ko'rib, ham eshitgan materialning ½ qismi, o'quv jarayonida o'quvchi boshqa harakatlar bilan birga boshqa harakatlarga jalb etilsa ¾ qismi o'quvchi xotirasida qoladi. Asosiy e'tibor o'quvchining ijodkorligini oshirishga qaratilishi lozim.

Faqat mavzuga doir qonunni yoki qoidani o'rgatib unga doir misol va masala yechishdan tashqari, yangi mavzuni o'quvchi bilan hamkorlikda tushuntirish, amaliy mashqlar orqali mavzuning tayanchtushunchalarini o'quvchi o'zi topishga undash. Mavzuga doir qoidalarni o'quvchining o'zi xulosa qilishiga o'rgatish.

Masalan, 6-sinf kesimida "Har xil ishorali sonlarni qo'shish" mavzusini o'rganishdan oldin quyidagi misollarni yechish talab etiladi:

-8+9; 7+(-13); 12+(-13); -8+5.

Yuqoridagi misollarni o'quvchilar koordinata to'g'ri chizig'i yordamida qo'sha oladi. Misollar tekshirilgach o'quvchilarga savol tashlanadi.

"Koordinata to'g'ri chizig'isiz sonlarni qanday qo'shish mumkin?"

Endi o'quvchi bu savolga javob topa olishi mumkin ya'ni " Har xil ishorali sonlarni qo'shish uchun:

1-qadam: qo'shiluvchilarning moduli kattasidan moduli kichigi ayiriladi;

2-qadam: natijaga moduli kattasining ishorasi qo'yiladi.

9- sinflar kesimida "Ikkilangan burchak sinusi va kosinusi " mavzusini o'rganishda ham shu usulni qo'llasa bo'ladi. O'quvchilarga quyidagicha topshiriq beriladi:

Sin (2α)=sin (α+α);cos (2α)=cos (α+α); tg (2α)=tg (α+α);ctg (2α)=ctg (α+α) ni mustaqil hisoblashni topshirish. Tops hiriq bajarilgandan so'ng o'quvchilar sin (2α)=2sin αcosα; cos2α=$\cos^2$ α+$\sin^2$α;tg2α=$\frac{2tg\alpha}{1-tg^2\alpha}$ ekanligini topa olishadi. Bu usulni barcha darslarda yangi mavzuni bayon etish uchun qo'llash mumkin. O'quvchini har bir dars uchun munosib tayyorlanishga o'rgatish, ijodkorlikka undash uchun uyga beriladigan topshiriq misol va masalalardan tashqari mavzuga doir biror prizintatasiya yaratishni topshirish kerak( bu ishni A4 formatdagi varoqda ham bajarsa bo'ladi)

Har bir dars jarayonida relaksatsiya o'tkazish o'quvchining fanga bo'lgan zerikishni oldini olishga yordam beradi.

Turli trigonometrik funksiyalar qiymatlarini geometrik yo'l bilan topish metodi.

Birlik radiusga ega bo'lgan aylana ichida chizilgan muntazam n burchakli ko'pburchakda $a_n$ tomon ma'lum bo'lsa, unda $\frac{\pi}{n}$($=\frac{180^o}{n}$ ) burchak orqali uning trigonometrik funksiyasini aniqlash oson. Ko'pburchak tomonlarini teng ikkiga bo'luvchi apofema bilan hosil bo'lgan to'g'ri burchakli uchburchakda $\frac{a_n}{2}$ chizig'i $\frac{\pi}{n}$ burchakka nisbatan sinus chizig'i bo'lib hisoblanadi. Shunga ko'ra $l_n$=$\sqrt{1-\frac{a_n^2}{4}}$ ifoda buning kosinusi bo'ladi, natijada

$\sin\frac{\pi}{n}=\frac{a_n}{2}$;$\cos\frac{\pi}{n}=\sqrt{1-\frac{a_n^2}{4}}$ bo'ladi.

Geometriyadagi ma'lum formulalarda ba'zi bir muntazam ko'pburchak tomonlarining tashqi chizilgan aylana radiusi orqali berilgan formulasidan foydalanamiz:

1. n=3 bo'lganda $a_3=\sqrt{3}, l_3=\frac{1}{2}$ (bunda aylana radiusini R=1 deb hisobladik)

Demak, $\sin\frac{\pi}{3}=\sin 60^0=\frac{\sqrt{3}}{2};\cos\frac{\pi}{3}=\frac{1}{2};tg\frac{\pi}{3}=\sqrt{3}$ va $ctg\frac{\pi}{3}=\frac{\sqrt{3}}{3}$; olinadi.

2. n= 4 bo'lganda $a_4=\sqrt{2}$, $l_4=\frac{\sqrt{2}}{2}$. Bundan:

$\sin\frac{\pi}{4}=\sin 45^0=\frac{\sqrt{2}}{2}$, $\cos\frac{\pi}{4}=\cos 45^0=\frac{\sqrt{2}}{2}$, $tg\frac{\pi}{4}=1$, $ctg\frac{\pi}{4}=1$.

3. n=5 bo'lganda $a_5=\sqrt{\frac{5-\sqrt{5}}{2}}$, $l_5=\frac{1}{2}\sqrt{\frac{3+\sqrt{5}}{2}}=\frac{1}{4}(\sqrt{5}+1)$. Natijada

$\sin\frac{\pi}{5}=\sin 36^0=\frac{1}{2}\sqrt{\frac{3+\sqrt{5}}{2}}$, $\cos\frac{\pi}{5}=\frac{1}{4}(\sqrt{5}+1)$ hamda $tg\frac{\pi}{4}=\frac{2\sqrt{5-\sqrt{5}}}{\sqrt{2}(\sqrt{5}+1)}$ bo'ladi.

4. n=6 bo'lganda $a_6=1$, $l_6=\frac{\sqrt{3}}{2}$ bo'lib, bundan:

$\sin\frac{\pi}{6}=\sin 30^0=\frac{1}{2}$; $\cos\frac{\pi}{6}=\frac{\sqrt{3}}{2}$;$ctg\frac{\pi}{6}=\sqrt{3}$ va $tg\frac{\pi}{6}=\frac{\sqrt{3}}{3}$

5. n=8 bo'lganda $a_8=\sqrt{\frac{2-\sqrt{2}}{1}}$, $l_8=\frac{\sqrt{2+\sqrt{2}}}{2}$, bundan:

$\sin\frac{\pi}{8}=\sin 22,5^0=\sqrt{\frac{2-\sqrt{2}}{2}}$; $\cos\frac{\pi}{8}=\cos 22,5^0=\frac{\sqrt{2+\sqrt{2}}}{2}$, $tg\frac{\pi}{8}=\sqrt{2}-1$.

6. n=10 bo'lganda $a_{10}=\frac{\sqrt{5}-1}{2}$, $l_{10}=\frac{1}{4}\sqrt{10+2\sqrt{5}}$ bo'lib, bundan:

$\sin\frac{\pi}{10}=\sin 18^0=\frac{\sqrt{5}-1}{4}$, $\cos\frac{\pi}{10}=\cos 18^0=\frac{1}{4}\sqrt{10+2\sqrt{5}}$, $tg\frac{\pi}{10}=\frac{\sqrt{5}-1}{\sqrt{10+2\sqrt{5}}}$.

7. n=12 bo'lganda $a_{12}=\sqrt{2-\sqrt{3}}$,, $l_{12}=\frac{\sqrt{2+\sqrt{3}}}{2}$ bo'lib, bundan

$\sin\frac{\pi}{12}=\sin 15^0=\frac{\sqrt{2-\sqrt{3}}}{2}$, $\cos\frac{\pi}{12}=\cos 15^0=\frac{\sqrt{2+\sqrt{3}}}{2}$, $tg\frac{\pi}{12}=2-\sqrt{3}$ kelib chiqadi.

Dars jarayonida o'qituvchidan ko'ra o'quvchini ko'proq ishlatish, ularni ijodkorlikka, kreativ fikirlash qobilyatini oshirishga xizmat qiladi. Amaliy labaratoriya darslari tashkil etish ham o'quvchilarda fanning mohiyatiga chuqurroq yetishga yordam beradi. Masalan uchburchak yuzini hisoblash formulasini o'rgatishdan oldin, shu uchburchakni to'g'ri to'rtburchakga to'ldiruvchi uchburchaklar bilan to'ldirish va ularning yuzlari tengligini ustma-ust qo'yish orqali ko'rsatish, bundan uchburchak yuzi to'rtburchak yuzini yarmiga teng ekanligi aniqlanadi. Tayyor ABC uchburchakni qaychi bilan ABD vaBDC uchburchaklarga ajratiladi. Bunda, BD-balandlik ekanligi aytiladi. Oldindan tayyorlanganABD va BDC uchburchaklarga teng shakllar bilan yasaladi va bundan S=ah/2 ni hosil qilish mumkin.

Amaliy-labaratoriya darslari ko'proq geometriya fanini o'qitishda qo'llaniladi. Bundan tashqari eksbursiya darslarini tashkil etish ham o'quvchini mavzu mohiyatini anglashiga yordam beribgina qolmay kasbga bo'lgan muhabbatini ham uyg'otadi.

9-sinf Geometriya fanida "o'xshash uchburchaklar "mavzusini o'tishda maktab hovlisida baland daraxt bo'yini aniqlash mumkin. "Simmetriya"mavzusida ham muzey, inshoatlardagi simetri shakllarni ko'zdan kechirib, shakllardagi simmetriya o'qlarini nechtaligini aniqlash mumkin.

| Metodlar | Ijobiy jihatlari | Salbiy jihatlari |
|---|---|---|
| Taqdimot materiallaridan foydalanish | 1)Axborotni taqdim qilish shaklini qulaylashtirishga<br>2)Butun dars davomida yoki uning ma'lum bir qismida foydalanish imkoniyati. | |
| Tatqiqot-loyiha | 1)o'quvchining izlanuvchanligini | Noto'g'ri |

| | | |
|---|---|---|
| | oshirishi<br>2)mavzu o'quvchi xotirasiga tezroq va chuqurroq singishi | ma'lumotga ishonib qolish. |
| Amaliy-labaratoriya | Ma'lum mavzuni ochimagan qirralarini ochish. | |
| Ekuskursiya darslari | Taqribiy eksprementlardan foydalanish. | |

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**
1. B. Xaydarov. E. Sariqov. A. Qo'chqorov. 9-sinf algebra darsligi. - Toshkent: 2019-y
2. B. Xaydarov. E. Sariqov. A. Qo'chqorov 9-sinf geometriya darsligi. - Toshkent: 2019-y
Ta'lim ustuvorligi, ta'lim mazmuni va tuzilishi o'zgarmoqda, yangi standartlar joriy etilmoqda, ta'lim sifati rivojlanishning yangi, yanada yuqori bosqichiga ko'tarilmoqda.Jamiyatning rivojlanishi, zamonaviy ixtisodiyotning shakllanishi, jamiyat ma'naviy- axloqiy asoslarining tiklanishi umumiy o'rta ta'lim muassasalari oldiga bilimdon, intellektual va ijodiy qobiliyatlari rivojlangan, hayotda o'z o'rnini topadigan, o'z faoliyati bilan o'zi va jamiyatga foyda keltiradigan, teran va mustaqil fikrlaydigan ma'naviy barkamol shaxsni shakllantirish vazifasini qo'ymoqda. Mazkur vazifalar umumiy o'rta ta'lim muassasalari faoliyatiga innovaciyon texnologiyalarni tatbiq etish natijasida amalga oshiriladi.

Innovasiyalar nazariy jihatdan asoslangan, biron-bir sohada aniq maqsadga qaratilgan hamda amaliy tatbiq etishga yo'naltirilgan yuqori samaradorlikka ega yangilik hisoblanadi.Innovaciyaning o'ziga xos xususiyati uni quyidagilar bilan bog'laydi:
-innovaciyalar doimo dolzarb muammoning yangi echimini o'z ichiga oladi;
-ularni foydalanish yangi sifatli natijalarni olish imkonini beradi;
-innovaciyalrni tatbiq etish tizimdagi barcha kompenentlarning sifat jihatdan o'zgarishlariga olib keladi.

Bugungi kunda innovaciyon pedagogik jarayonlar ta'lim muassasasi o'quv faoliyatining muhim kompenentlaridan biriga aylanib bormoqda.Chunki, innovaciyon pedagogik jarayonlar o'qituvchi va o'quvchi shaxsini intensiv rivojlantirish,ularning birgalikdagi faoliyati va muloqotini demokratlashtirish, ta'lim- tarbiya jarayonini insonparvarlashtirish, o'quvchini faol ta'limolish hamda o'zini shakllantirishga yo'naltirish, ta'lim texnolohiyalari, metod va vositalari hamda ta'limning moddiy texnika bazasini modernizaciyalash kabi vazifalarni bajaradi, pedagoglarning kasbiy mahorati, ularning ijodkorligi, izlanuvchanligining rivojlanish yo'nalishlarini aniqlaydi, o'quvchilarni shaxs sifatida kamol topishida muhim o'rin tutadi.

Shu jihatdan innovaciyon texnologiyalar asosida ta'lim jarayonlari sifat va samaradorligini oshirish muammosi shaxsni rivojlantirish va uni hayotga tayyorlash ga yo'naltirilgan kompleks vazifalarni amalga oshirish bilan bog'liq bo'lib, ta'lim siyosatining bugungi kundagi muhim vazifalaridan biri hisoblanadi.Ta'lim muassasalarida amalga oshiriladigan innovaciyon pedagogik faoliyat o'qituvchilarning ilmiy- metodik faoliyati hamda o'quvchilarning o'quv- tadqiqot faoliyati bilan uzviy bog'liqdir.

Jamiyat, madaniyat va ta'lim rivojlanayotgan bugungi kunda umumiy o'rta ta'lim muassasalarida ta'limiy innovaciyalar tatbiqini yaxshilash, ulardan foydalanish metodikasini ishlab chiqish, innovaciyon faoliyatnirivojlantirish hamda o'qituvchilarning pedagogik faoliyatini innovaciyon yo'naltirishning zarurligini quyidagi holatlar belgilaydi.

Birinchidan, ijtimoiy-iqtisodiy yangilanishlar ta'lim sifatini yangi,yanada yuqori bosqichga ko'tarish zarurligini taqazo etadi. Bunda pedagogik yangiliklarni yaratish, o'zlashtirish, foydalanish va ta'lim jarayoniga tarbiq etishni o'z ishiga olgan o'qituvchilar pedagogik faoliyatining innovaciyon yo'nalganligini ta'lim siyoatini yangilash vositasi sifatida namoyon bo'ladi.

Ikkinchidan, ta'lim mazmunining insonparvarlashuvi, o'quv predmetlari hajmi va tarkibining o'zgarishi ta'limning yangi tashkiliy shakl va texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etilishini talab etadi.Bunday vaziyatda o'qituvchilarning o'z faniga oid bilimlari bilan bir qatorda pedagogik bilimlari ham muhim ahamiyatga ega.

Uchinchidan, o'qituvchilarning pedagogik yangiliklarni ta'lim jarayoniga tatbiq etishga bo'lgan munosabatlari o'zgarib bormoqda.Avval innovaciyon pedagogik faoliyat, asosan yuqoridan taklif etilgan yangiliklarni ta'lim jarayoniga joriy etish bilan cheklangan bo'lsa,hozir u tanlanadigan tadqiqot xarakteriga ega bo'lib bormoqda.O'qituvchilar tomonidan ta'lim amaliyotiga kiritilayotgan pedagogik innovaciyalarni tahlil qilish va baholash, ularni ishlab chiqish va tatbiq tish uchun qulay ta'limiy sharoit yaratilishi muhim yo'nalishga aylanmoqda.

Barkamol insonni tarbiyalash masalasiga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoev alohida e'tibor qaratib, quyidagi fikrlarni bildirib o'tganlar:

"Biz ta'lim va tarbiya tizimining barcha bo'g'inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o'zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz.

Bugungi kun fani, texnikasi va ishlab chiqarishning rivojlanishi, ta'limda nazariya bilan amaliyot birligi hamda ta'limning ishlab chiqarish bilan integraciyaloshuvi talablari o'qituvchining faol va ongli mehnatiga asoslangan , uning ijodiy faoliyatini rag'batlantiradigan, tafakkurini rivojlantiradigan, vaqtni tejaydigan, bilim o'rganishni engillashtiradigan zamonaviy texnologiyalarni ishlab chiqish va o'quv jarayoniga tatbiq etishni taqozo etadi. Zamon talabiga javob bera oladigan raqobardosh kadrlarni tayyorlash uchun ta'limning yangi modullari yaratilmoqda, uning nazariy asoslari ilmiy amaliy jihatdan ko'rsatib berilmoqda. Shu boisdan, davlatimiz tomonidan chiqarlayotgan bir qator qarorlarda o'quv tarbiyaviy jarayonga xorijiy mamlakatlardagi ta'lim jarayonini qo'llash asosida o'qitish samaradorligini oshirish zarurligi o'qtiriladi.Bugungi kunda ta'lim tizimi kadrlarni malakasini oshirish va ularni qayta tayyorlash yo'nalishlarida turli fanlarni o'qitishda "Modulli ta'lim texnologiyalari", "Muammoli ta'lim texnologiyalari"," Loyihalash texnologiyasi" kabi innovaciyon texnologiyalar keng qo'llanilmoqda.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoev"Ta'lim- tarbiya sohasiga yangicha yondoshuv – barqaror taraqqiyot garovi"- degan filosofik fikrlarni deb aytib o'tganidek,mustaqil O'zbekistonimizning bugungi va ertangi kunini ta'minlaydigan barkamol shaxsni tarbiyalash va ularni jahon standartlari talablari darajasiga javob beradigan tarzda tayyorlash har bir o'qituvchining mahoratiga bog'liq.

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A. Karimovning 2013 yil

6 dekabrdagi "Amalga oshirayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqoralik jamiyati qurish – yorug' kelajagimizning asosiy omilidir" mavzusidagi ma'ruzalarida " 2014- yil Sog'lom bola yili" deb e'lon qilindi va quyidagi fikrlari bayon etildi: "Bolaning jismoniy va psixologik rivojlanishidagi ehg asosiy davr- bu - boshlang'ich sinf davridir. Hammamiz bilamizki, sobiq tuzum sharoitida bu masalaga, afsuski, etarlicha ahamiyat berilmas edi.

Boshlang'ich ta'limning sifatini oshirish, ta'lim standartlari, o'quv dasturlari, darslik va o'quv qo'llanmalarini takomillashtirish , zamonaviy pedagogik va AKTlarni keng joriy etish masalalari o'z ifodasini topishi kerak" – degan fikrlari bugun hayotda amalda ifodasini topmoqda.

O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi vazirligi ning 2013 –yil 14- noyabrda "Umumta'lim maktablarida boshlang'ich ta'limning samaradorligini oshirish to'g'risidagi" 365 – sonli buyrug'i asosida BOSHLANG'ICH TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH boyicha muvofiqlashtiruvchi ishchi guruhi tarkibi tasdiqlanib, ushbu guruh rivojlangan chet el mamlakatlarida va respublikamizdagi ilg'or tajribalarni o'rganib, ilmiy- metodik asoslangan xulosalar asosida "Boshlang'ich ta'limni rivojlantirish dasturi"ni ishlab chiqib, oldimizga ko'pgina vazifalarni belgilab berdi.

Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kasbiy salohiyati va ma'lumot darajasi, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon boshlang'ich ta'lim metodikasini bilishi boshlang'ich ta'lim sifatini muhim ahamiyatga eg.Boshlang'ich sinf o'quvchilarida zarur ko'nikmalarni shakllantirish, boshlang'ich ta'lim sifat- samaradorligini yangi bosqichga ko'tarish, o'qitishning zamonaviy usul va vositalaini amaliyotga joriy etish maqsadga muvofiqdir.

Hozirgi kunda ta'lim sohasida innovasion pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish va talab kundan-kunga ortib bormoqda. Bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsni rivojlantirish texnologiyasida bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda

boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik funksiyasini bajaradi. Ta'lim jarayonida o'quvchi asosiy figuraga aylanadi.

Boshlang'ich ta'limning samaradorligini ta'minlashda o'qituvchining shaxsiy sifatlari va pedagogik mahorati ham muhim ahamiyat kasb etadi.Shuning uchun «O'qituvchi bolalarimizga zamonaviy bilim bersin – deb talab qilamiz. Lekin zamonaviy bilim berish uchun, dastlab o'qituvchining o'zi mana shunday bilimga ega bo'lishi kerak ...» I.A.Karimov

Aytish joizki, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasining asosiy principlaridan yana biri – o'quvchilarda bilim, ko'nikma va malaka bilan birga hayotiy kompetenciyalarni shakllantirish, ya'ni ularni egallagan bilimlaridan kundalik hayotda duch keladigan tanish yoki notanish vaziyatlarda foydalanishga tayyorlashdir. Kompetenciyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari ta'lim mazmunini amaliyotga yo'naltirish kompetenciyalarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Dars jarayonidagi ta'lim-tarbiya ishlarini innovasion texnologiyalardan foydalanish asosida tashkil etish ijobiy natija beradi, chunki o'qituvchi innovasion faoliyat yuritgandagina ta'lim mazmuni o'zgaradi.

Rivojlangan mamlakatlar ta'lim tizimida shaxs izviylashuvini ta'minlovchi yetakchi omil sifatida ta'lim jarayoniga e'tirof etilsa, biz shaxsning shakllanishida ta'lim hamda tarbiya jarayoni birdek ahamiyatga ega ekanligiga urg'u beramiz.

Darslarda innovasiyon pedagogik texnologiyalardan foydalanish ta`lim samaradorligini oshiribgina qolmay, o`quvchilarni mustaqil fikrlash ko`nikmalarni rivojlantiradi, ijodiy tafakkur salohiyatlarini takomillashtiradi, o`z ustida tinmay ishlab, ijodiy yondoshishga o`rgatadi. Innovaciyon pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy etish, innovaciyon pedagogik faoliyat bo'lib, umumta'lim maktablarida pedagog xodimlarning bu yo'nalishdagi faoliyatini to'g'ri yo'lga qo'yish bo'yicha bor muammolarni hal etish zarur. Pedagogik faoliyatda innovaciyalar qancha ko'p bo'lsa, o'qituvchi o'zining xususiy pedagogik tajribasini shuncha yaxshi tushunadi.Bu esa o'qituvchining innovaciyon faoliyat sub'ekti va tashkilotchisi sifatida yangilikni yaratish,qo'llash hamda tashkillashtirishda ishtirok etishini kengaytirib borish imkoniyatini beradi.

Innovaciyon faoliyat uzluksiz ravishda yangiliklar bilan ishlashdan iborat bo'lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O'qituvchi, innovaciyon faoliyati xususiyatlarini o'rganib chiqqan pedagog olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovaciyon faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblashi mumkin.

Ijodiy faoliyat falsafasini egallash; pedagogik tadqiqot metodlarini egallash; mualliflik koncepciyalarini yaratish qobiliyati; tajriba sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish; hamkasblar bilan hamkorlik; fikr olmashish va amaliy metodik yordam ko'rsata olish; yangiliklarni izlab topish, ularning bankini yaratish va o'z sharoitiga moslashtirib borish;

O'qituvchi darsga tayyorgarlik ko'rishda kompyuter orqali tarqatma, didaktik materiallar, ko'rgazmali qurol, slaid va dars ishlanmalari tayyorlashi, internet yordamida esa ularni turli qo'shimcha ma'lumotlar qiziqarli audio, video lavhalar bilan boyitishi mumkin.

O'qituvchilarni innovaciyon faoliyatga tayyorlashdan bosh maqsad- ularning yangilikka intiluvchanligi, yanglikni mustaqil izlash, yaratish, qo'llash ko'nikma va malakasini shakllantirib borish orqali pedagogik metodik mahoratini interfaol metodlardan foydalanib dars o'tish qobiliyatlarini takomillashtirishdan iborat.

Xulosa qilib aytganda, ta'limda innovaciyon texnologiyalarni joriy etish hozirda boshlang'ich sinf o'qituvchilari orasida dolzarb ilmiy-metodik va amaliy pedagogik muammo hisoblanadi. Uni ijobiy hal etish yo'lidagi asosiy masalalardan biri o'qituvchilarning innovaciyon texnologiyalar va ulardan unumli foydalanish bo'yicha tayyorgarliklarini zamonaviy talablar darajasida muntazam oshirib borishdan iborat.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.I.A.Karimov “Amalga oshirayotgan islohotlarimizni yanada chuqurlashtirish va fuqoralik jamiyati qurish – yorug’ kelajagimizning asosiy omilidir” mavzusidagi ma’ruzasi. 2013 yil 6 .xıı
2.O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 – yil 7 – fevraldagi PF- 4947- sonli farmoni bilan tasdiqlangan 2017-2021- yillarda O’zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo’nalishi bo’yicha Harakatlar strategiyasini “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili”da amalga oshirishga oid Davlat dasturi.
3.O’zbekiston Respublikasi xalq ta’limi vazirligining 2013 yil 14- noyabrda “Umumta’lim maktablarida boshlang’ich ta’limning samaradorligini oshirish to’g’risidagi” 365 – sonli buyrug’i.
4.Ishmuxamedov R.D. “ Talim va tarbiyada innovaciyon texnologiyalar”.T- 2013

**UDK 37.013.46**

## BOSHLAHG‘ICH SINF ONA TILI DARSLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHGA ZAMONAVIY YONDASHUV

**Shilnikovskaya Nadejda Romanovna**
**Goyibnazarova Nilufar Rahimjonovna**
Namangan shahar 48-umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘qituvchilari
Namangan, O’zbekiston

***Annotatsiya***: *maqolada boshlang‘ich sinf ona tili darslariga o‘qitishning zamonaviy usullarini tadbiq etish orqali o‘quvchilarning lug‘at boyligini oshirish, ularning mantiqiy va ijodiy fikrlash ko‘nikmalarini rivojlantirish, matn yaratishga o‘rgatish, ona tili darslari samaradorligini oshirish yo‘llari xususida fikr-mulohazalar bayon etilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *ona tili darslariga qiziqtirish yo‘llari, didaktik o‘yinlar, ta’limiy o‘yin-topshiriqlar, muammoli vaziyat yaratish, “Juftini tanlang!”, “O‘z shahring nomini izohlay olasanmi?” “Talaffuzda adashmang”.*

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining ona tilidan egallagan bilim saviyasi ko‘pdan beri hammamizni tashvishga solayotgani hech kimga sir emas. Ayniqsa, kichik maktab yoshidagi o‘quvchilarning ijodiy fikrlash darajasi eng asosiy muammolardan biridir. Lug‘atlarimiz so‘zga to‘la, o‘quvchining nutqida so‘z kam. Bu holat, avvalo, ona tili ta’limi mazmuni bilan chambarchas bog‘langan.

Nutqiy kompetensiyani rivojlantirish uchun boshlang‘ich ta’limdanoq o‘quvchilarga turli mavzulardagi matnlar bilan tanishtirish kerak. O‘quvchilar uchun notanish bolgan matn uch marta o‘qib eshittiriladi, o‘quvchilar matn mazmunini eslab qolib, u haqda ma’lumot berishlari, og‘zaki tarzda aytib berishlari lozim.

Shunday ekan, ona tili mashg‘ulotlarida asosiy e’tibor o‘quvchilarga tilning grammatik qurilishini emas, balki ularning so‘z boyligini oshirish, so‘zdan to‘g‘ri va o‘rinli foydalanish, fikrini sharoitga mos ravishda ifodalay olish ko‘nikmalarini kengaytirishga qaratilmog‘i zarur. Ona tilining boshlang‘ich kursida, asosan, nutqiy tadbirkorlikni rivojlantirish, orfoepik va imlo savodxonligini oshirish, so‘z va uning ma’nolari ustida ishlash, nutq sharoitiga mos ravishda so‘zdan to‘g‘ri va o‘rinli foydalanish malakalarini shakllantirishga alohida e’tibor beriladi. O‘quvchilarning o‘rganishi uchun tavsiya etilgan har bir mavzu, ularning yosh xususiyatlari va ona tilini o‘rganish imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda berilishi hamda ta’lim samaradorligini

ta’minlovchi metod va usullarini to‘g‘ri tanlay olishi kerak. Boshlangich sinf o‘quvchilarining diqqati xususida fikr yuritilganda uni yetarli darajada barqaror emasligini unutmaslik lozim. Bu yoshdagi bolalar diqqatlarini muayan narsaga qaratib turishda qiynaladilar. Psixologlarning fikriga ko‘ra, bolalar diqqatining barqarorligi miyada tormozlanish bilan qo‘zg‘alishning o‘zaro nomuvofiq harakat qilishidir. Ona tili mashg‘ulotlarida o‘quvchilarning ko‘p hollarda tutulishi, to‘xtab qolishi, so‘zni burro, aniq talaffuz eta olmasligi, yozishda ba`zan harf, bo‘g‘in, so‘zlarning tushib qolishi mana shu fiziologik holat tufayli sodir bo‘ladi.

Ma’limki, ta’lim jarayonida o‘quvchilarning bilimga qiziqishlari ham muhim ahamiyatga ega. Ona tili faniga qiziqtirish dars mashg‘ulotlarini qiziqarli tashkil etish, тopshiriqlarning rang-barangligiga erishish, ko‘rgazmali, aydiovizual va texnik vositalardan unumli foydalanish, dars mashg‘ulotlarining amaliy yo‘nalishini kuchaytirish, o‘quvchini ta’lim jarayonining subyektiga aylantirish singari omillar bilan chambarchas bog‘langan.

Boshlang’ich sinf o‘quvchilarining yosh xususiyatlarini hisobga olish va undan kelib chiqqan holda ona tilini o‘rganish imkoniyatlarini aniqlash ijobiy natijalarga erishishga ko‘maklashadi. Ona tili ta`limning samaradorligini ta’minlovchi muhim vositalardan biri o‘qitish metodini to‘g‘ri tanlanishidir. O‘qituvchi faoliyati bilan bog‘liq metodlarning eng samarali usullaridan biri muammoli o‘qitishdir. Biz boshlang’ich sinf o‘quvchilarining yoshi hamda umumiy bilim saviyasidan kelib chiqqan holda, muammoli vaziyatlar yaratishning quyidagi usullaridan foydalanishni tavsiya etamiz:

1. Ona tili darsligida berilgan mavzularni qiyoslab o‘rgatish orqali muammoli vaziyat yaratish**.** Bunda o‘rganiladigan har bir mavzu o‘quvchilardan tovushlar, so‘zlar va gaplarni qiyoslashni, shu asosda umumlashmalar hosil qilishini talab etadi. Bu hol o‘z-o‘zidan ravshanki, muammoli vaziyatni yuzaga keltiradi. Masalan, “Unli va undosh tovushlar” mavzusi o‘rganilayotganda o‘quvchi avval unli va undosh tovushlarni to‘g‘ri nomlashni, keyin qiyoslashni, unli va undoshlar ishtirokida so‘zlar, so‘zlardan esa gaplar hosil qilishni, ularning bir-biridan farqlarini aniqlashni talab etadi. O‘quvchilar bu topshiriqlarni bajarish asosida umumlashma hosil qiladilar.

2. Muammoli savollar berish orqali muammoli vaziyat yaratish. Bunda dars mashg‘ulotini muammoli savolni o‘rtaga tashlash bilan boshlash, masalan, 1) unli va undosh tovushlarni alohida-alohida ayttirish orqali “***Talaffuz qilishda qanday farqni sezyapsiz?”*** savoli bilan murojaat qilish; 2) unlilar ishtirok etgan beshta so‘z yozdirish va ulardagi unlini boshqa unli bilan almashtirib ko‘rish topshrig‘ini berish orqali “***Qanday o‘zgarishlarni sezyapsiz***?” degan savolga javob olish; 3) undosh tovushlarni talaffuz qildirish, shovqin va ovozdan hosil bo‘lgan undoshlarni alohida, faqat shovqindan hosil bo‘lgan undoshlarni alohida yozdirish topshirig‘ini berish kabilar.

Ona tili darslarida matn yaratish ham o‘quvchi uchun muammo sanaladi. Buning ehg samarali yo‘llaridan biri o‘quvchilarga savol berib, ularga javob topishni talab qilishdir. Masalan, 1. *Bog‘da qanday mevalar pishadi? 2. Bog‘bon qanday ishlarni bajaradi? 3. Namangan qaysi mevalari bilan mashhur? 4. Siz hosilni yig‘ishda qanday yordam berasiz?* va h. Suhbatdan so‘ng o‘quvchilarning ijodiy matn yaratishi ancha osonlashadi. O‘quvchilarga “Bog‘da”, “Polizda”, “Sevimli qahramonim”, “Men sevgan ertak”, “Mening onam”, “Qadrdon do‘stim”, “Maktabim” singari mavzularda matn yaratish tavsiya etiladi.

O‘quvchilarga tushunarli bo‘lishi uchun rasmlar asosida ham matn yaratish mumkin. O‘quvchilarni matn yaratishga o‘rgatish ham DTS talablaridan biridir. Boshlang’ich sinf o‘quvchilarini ona tili fanidan matn yaratishga o‘rgatish bir qator ta’limiy vositalarni qo‘llashni talab etadi. O‘quvchilarga rasmlar asosida og`zaki va yozma matnlar ishtirokida gaplar tuzish, ularning ma`nosini tushuntirish kabi ijodiy- amaliy ishlar topshiriladi.

Shunungdek, ona tili darslarida ta’limiy o‘yinlarni qo‘llash darsning samaradorligini oshirbgina qolmay, o‘quvchilarning ham qiziqishini oshirib boradi. Masalan, “**Juftini tanlang!**” o‘yin-topshirig‘i asosida “Juft sifatlar” mavzusini o‘tishda o‘qituvchi birinchi so‘zni aytadi,

o‘quvchilar esa uning har ikkala qismini daftarlariga yozib boradi: *katta – kichik, yaxshi - yomon, past – baland, uzoq - yaqin, shirin - achchiq, oq - qora,* v.h. **“Qanday sonni qo‘yamiz?”** usuli orqali o‘quvchilarni mantiqiy fikrlashga o‘rgatiladi. **Masalan,** so‘z birikmalaridagi nuqtalar o‘rnini son bilan to‘ldirish topshiriladi. Bu usul o‘quvchilarni topqirlikka o‘rgatish bilan birga so‘z boyligini oshirishga ham xizmat qiladi. Masalan, ... *olma, ...-maktab, ... gul, ... - uy, ... - avtobus, ... kg un, ... xashak, ... tuproq, ... tufli (beshta olma, 48-maktab, uch dona gul, 7-uy, 18-avtobus, uch kg un, ikki bog‘ xashak, bir siqim tuproq, bir juft tufli*. **“O‘z shahring nomini izohlay olasanmi?”** o‘yin-topshirig‘ini tadbiq etish axborotlardan to‘g‘ri foydalanish, izlanishga o‘rgatadi va vatanparvarlik hissini kuchaytiradi. Masalan**,** atoqli otlar imlosini tushuntirish uchun oldindan bu mavzuni o‘quvchilarga vazifa qilib beriladi va ota-otasi, bobo-momolari yordamida o‘z shahrining tarixi haqida ma’lumotlar to‘plab kelish topshiriladi. Masalan, Namangan shahri. *Namangan(Namak kon) – tuz koni. Bobomiz Zahiriddin Muhammad Boburning “Boburnoma” asarida Namangan qishlog‘i deb bayon etilgan. Keyinchalik shaharga aylangan. U hunarmandchilik markazi bo‘lgan. Namangan bozorlarida ip va gazlamalar, mis idishlar, zargarlik buyumlari, mehnat qurollari savdo qilingan.*

**“Shart qo‘yildi: so‘zning podshosi”** o‘yinida ertaklardagi shohlar yoki malikalar biror ishlarni amalga oshirish uchun shartlar qo‘yishi haqida o‘quvchilardan so‘raladi. Ma’lumki, boshlang`ich sinf o‘quvchilari ertaklarni o‘qishga qiziqishadi. Shundan keyin o‘quvchilarga matndagi ish-harakatni bildiruvchi so‘zlarni topish, ish-harakatni bajarilayotganligi yoki bajarilmayotganligini aniqlash, so‘z podshosining shartlarini belgilangan vaqtda bajartirish ijobiy natija beradi.

**“Doirada berilgan harflar asosida so‘z tuz”** o‘yinini qo‘llash uchun o‘quvchilarga doira ichida ma’lum harflar taqdim etiladi. Ular bu harflar ishtirokida so‘zlar hosil qiladilar. Mazkur usulni unli va undosh tovushlarni o‘rgangandan keyin o‘tkazish maqsadga muvofiq. Masalan, o‘quvchilar e`tiboriga a, i, b, u, f, d harflari berilgan bo‘lsa, ular bu harflarni qatnashtirib, ana, ona; ip, ilm; bola, odob; uzoq, kun; fil, saf; dars, obod kabi so‘zlar hosil qiladilar.

**“Talaffuzda adashmang**” o‘yini orqali o‘quvchilarga o‘xshash tovushlar qatnashgan so‘zlar va ularning o‘zaro farqlarini o‘rgatish samarali natija beradi. Masalan, **f va p, b va p** tovushlari qatnashgan va o‘zaro farqlanadigan so‘zlar yozilgan ko‘rgazma ko‘rsatiladi. O‘quvchilar bu so‘zlarning ma’nolarini aytishga harakat qiladi va izohlaydi. Mazkur usul asosida o‘quvchilar tovushlarni to‘g‘ri talaffuz qilishga, ma’no farqlashi asosida xatosiz yozishga o‘rgatiladi. Uxlamoq – uhlamoq; xol – hol(uxlamoq - dam olmoq; hol –ahvol, xol – odam tanasida bo‘ladigan xol).

Boshlang‘ich sinflarda ona tili darslarini turli noan’anaviy shakllarda tashkil etish pedagogik texnologiyaning eng muhim talabi sanaladi. Bu orqali o‘quvchilar mantiqiy va mustaqil fikr yuritishga o‘rgatiladi, ijodiy matn yaratish ko‘nikmalari rivojlantiriladi, olgan bilimlarini amaliyotda qo‘llash, fanga oid kompetensiyalar - bog‘lanishli nutq, ta’limiy bayon va ijodiy matn yaratish malakalari shakllanadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR.

1. Yo‘ldoshev J., Usmonov S. Zamonaviy pedagogik texnologiya. Toshkent. 2008.
2. Yo‘ldoshev J., Yo‘ldosheva F., Yo‘ldosheva G. Interfaol ta’lim – sifat kafolati. - Toshkent. 2008.
3. Abduraimova M. Ona tili ta’limida ilg‘or pedegogik texnologiya. Toshkent. 2005

**UDK 37.013.46**

# OILADA HUQUQIY TARBIYANI SHAKLLANTIRISH VA HUQUQIY MADANIYATNI YUKSALTIRISH

**Hoshimova Madina Raximjanovna**
Namangan viloyati Chortoq tumani
26-umumiy o'rta ta'lim maktabi huquq fani o'qituvchisi

***Annotatsiya:*** *Hozirgi zamon huquqiy onggi inqirozi ko'p jihatdan huquqiy madaniyat saviyasi bilan belgilanadi. Ma'naviy – axloqiy va huquqiy qadriyatlar tizimi sifatida huquqiy madaniyat huquqiy holat rivojining erishilgan darajasida, normativ huquqiy hujjatlarda, huquqiy ongda o'z ifodasini topadi. Ularga muvofiq ravishda qonunga itoatkor hayot tarzi shakllanadi hamda mamlakatda huquq-tartibot rejimini o'rnatuvchi ijtimoiy munosabatlarni huquqiy tartibga solish amalga oshiriladi.*

***Kalit so'zlar:*** *siyosiy, axloqiy, estetik, diniy sohalari va tarmoqlari bilan o'zaro aloqa.*

Shu o'rinda yana bir jihatga e'tiborni jalb etishni istardik. Huquqiy madaniyatning boshqa siyosiy, axloqiy, estetik, diniy sohalari va tarmoqlari bilan o'zaro aloqada o'z ta'sirini o'tkazadi. Shuning uchun ham huquqiy madaniyatning o'ziga xos mazmunida ham umumiy madaniyatga, ham uning alohida tarmoqlariga doir xususiyatlar va xossalar, albatta, namoyon bo'ladi. Shu holat bilan bog'liq ravishda barcha madaniyatlarning o'zaro ta'siri katta ahamiyat kasb etadi. Haqiqatdan ham demokratik davlatda qonunga itoatkor xulq – atvorni taminlash uchun bir vaqtning o'zida buni ham axloqiy, ham huquqiy ong orqali amalga oshirish kerak bo'ladi.

Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirib borish qonun ustuvorligini ta'minlash va qonuniylikni mustahkamlashning eng muhim shartlaridan biri hisoblanadi. So'nngi yillarda milliy huquq tizimini tubdan isloh qilish, jamiyatda huquqiy madaniyatni shakllantirish hamda malakali yuridik kadrlarni tayyorlash borasida sezilarli ishlar amalga oshirildi. Shu bilan birga inson huquq va erkinliklariga hurmat munosabatini shakllantirishga, aholining huquqiy onggi va huquqiy madaniyatini yuksaltirishga, jamiyatda fuqarolarning huquqiy savodhonligi darajasini oshirishga to'sqinlik qiluvchi bir qator muammo va kamchiliklar saqlanib qolinmoqda. Uzoq yillar davomida bu masala huquqni muhofaza qiluvchi organlar va ayrim davlat organlarining ishi sifatida qarab kelinib, bunda oila, mahalla va fuqarolik jamiyati (Fuqarolik jamiyati- ijtimoiy hayotning davlat ta'siri va aralashuvidan, ma'muriy tazyiqlardan holi bo'lgan hamda insonlarning shaxsiy) boshqa institutlarining ishtiroki yetarlicha taminlanmagan.

Yoshlarning huquqiy tarbiyasiga salbiy ta'sir ko'rsatuvchi omillarga nisbatan huquqiy imunitet shakillantirish, (huquqiy imunitet – qonunlarni o'ziga moslik darajasini ajrata olish) har bir shaxsda qonunlarga va odob-axloq qoidalariga hurmat, milliy qadriyatlarga (qadriyat - inson uchun muhim ahamiyatga ega bo'lgan etnik jihat va hususiyatlardir) sadoqat, huquqbuzarliklarga (huquqbuzarlik- o'z xatti-harakatini tushunadigan va unga javob bera oladigan shaxsning huquqqa zid xatti-harakatidan kelib chiquvchi aybidir.) nisbatan murosasizlik hissini uyg'otish ishiga kompleks tarzda yondashilmadi. Jamiyat a'zolarining huquqiy ongi yuksak bo'lishi uchun ular ma'rifatli va yuksak ma'naviyat egasi bo'lishlari zarurdir. Huquqiy ongning yuksakligiga shaxsning fuqarolik jamiyatining to'laqonli a'zosi va huquqiy demokratik davlatning haqiqiy fuqarosi bo'lishi uchun kamlik qiladi. Buning uchun inson huquqiy madaniyatli inson bo'lishi zarur. Shaxsning huquqiy madaniyati deganda fuqarolarning o'z haq huquqlarini huquqiy ongiga tayangan holda o'zgalar manfaatiga zid kelmaydigan tarzda amalga oshirish tushuniladi.

2019 yil 9-yanvar kuni Prezidentimiz tomonidan "Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to'g'risi" dagi farmonga imzo

chekildi. Unda har bir inson mamlakatimizda istiqomat qilar ekan, uning manfaatlari shu jamiyatning boshqa a’zolari tomonidan hurmat qilinishiga erishish lozimligi ta’kidlanadi. Hozirgi kunda bunday emas, chunki, bunday bo’lishi uchun aholining huquqiy ongi va huquqiy madaniyati yuksak darajada bo’lishi talab etiladi. Afsuski fuqarolarning huquqiy savodhonlik darajasini oshirishga, ularning huquqiy ongi va huquqiy madaniyatini yuksak darajaga ko’tarishga to’sqinlik qilayotgan bir qator muammo va kamchiliklar mavjudligini farmonda qayt etib o’tilgan. Jamiyat hayotida ya’ni oilalarda huquqiy ong va huquqiy madaniyatning singdirishda qo’llanishi lozim bo’lgan omillar.
-Bolalar uchun yangi huquqiy portal yaratish. Unda Konstitutsiyani o’rganishga doirlik tushunchalar;
-Kundalik hayotida qo’llash mo’ljallangan boshlang’ich huquqiy bilimlar huquqni targ’ib qiluvchi turli xil o’yinlar, mashg’ulotlar va dasturlar bo’yicha uslubiy qo’llanmalar va boshqa zarur ma’lumotlarni berish.
-Oilada bolalarga huquqiy tarbiya va odob-axloqning boshlang’ich qoidalarini o’rgatish bo’yicha ota-onalar uchun uslubiy tavsiyalar ishlab chiqish va tarqatish.
-Oila davrasida huquqiy savodhonlikni oshirishga mo’jallangan, har bir elimentlar huquqiy bilimlarni o’rgatishga qaratilgan va kundalik hayotiga muhim masalalar yuzasidan huquqiy qo’llanma tayorlash va bepul tarqatish.
-Bolalar uchun huquqiy mavzularda va odob-axloqning oddiy va kundalik qoidalarini bilishni, qonunlarni hurmat qilish, o’zbek xalqining tarixi va milliy qadriyatlarini o’rgatishni targ’ib qiluvchi mul’tiplikasion filmlarni yaratish.
-Bolalar uchun huquqiy axborotni yetkazishga hamda kundalik turmushda qo’llaniladigan normalar va odob- axloq qoidalarini o’rgatishga qaratilgan audio ertaklar, kinofilmlar va kinojurnallar ishlab chiqish.
-Oilaviy notinchlik hamda bolalar nazoratsizligi va qarovsizligining oldini olish, bolalar orasida huquqbuzarlik va jinoyatlarning salbiy oqibatlari to’g’risida teleko’rsatuvlar, tok-shoular tayyorlash.
-Kundalik turmushda ko’p uchraydigan masalalarning huquqiy yechimlari va yangi qabul qilingan qonun hujjatlarining mohiyatini uyma-uy yurib targ’ib qilish, shuningdek huquqiy ma’lumotlarni yetkazishga qaratilgan flaer, buklet va boshqa tarqatma materyallarni oilalarga bepul tarqatish.
-Yoshlar va ota-onalar o’rtasida nikoh yoshi, aliment to’lash shartlari, qarindoshlar o’rtasidagi nikoh va uning huquqiy oqibatlari to’g’risida muntazam ravishda huquqiy targ’ibot tadbirlarini o’tkazish lozim.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Karimov I.A. Yuksak manaviyat – yengilmas kuch. «Manaviyat»., 2008.
2. Mirziyoyev Sh. Harakatlar strategiyasi 2017-2021.- T.: O'zbekiston, 2017.
Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag‘ishlangan Oliy Majlis palatalarining qo‘shma majlisidagi nutq / Sh.M.Mirziyoyev. - Toshkent : O‘zbekiston, 2016. — 56 b
4. Ochilov M. Universitetlar tizimida pedagog xodimlar tayyorlash muammolari. „Ta’lim va tarbiya“ jurnali. 1997. 5-6 son.
5. A. A. Abduqodirov XXI asr ta`limining asosiy shakllaridan biri//Ta`lim menejmenti, 2006. 64-b.

**UDK 37.013.46**

# UZLUKSIZ TA`LIMDA MASOFAVIY TA`LIMNI QO‘LLASH IMKONIYATLARI

**Matkarimova Gulbahor Abdumalikovna**
Angren shahri
Ayrim fanlar chuqur o‘rganiladigan DIMI ona tili va adabiyot o‘qituvchisi
Toshkent viloyati, O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Mamlakatimizda ta`lim tizimini rivojlantirish Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich rahnamoligida amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlarning ustuvor yo`nalishlaridan biridir. Jamiyatimizning rivojlangan davrida avvalgi metodik qo`llanmalar bilan cheklanib qolmasdan, unga fan-texnika yangiliklari, internet va yuksak texnologiyalar imkoniyatlaridan foydalangan holda, ta`lim jarayonini tinglovchilari uchun yanada qiziqarli va mazmunli qilib o`tish maqsadga muvofiq. Internet global kompyuter tarmog’ini rivojlanishi butun dunyo ta’lim tizimini takomillashtirishning yangi yo’nalishlarini ochilishiga sabab bo’ldi. O’quv muassasalarining texnik ta’minotini keskin o’zgarishi, dunyoviy axborot resurslarga keng yo’l ochilishi o’qitishning yangi shakl va usullaridan foydalanish zaruratini keltirib chiqardi.*

***Kalit so’zlar:*** *ya’ni eshitish, ko’rish, idrok qilish, esda saqlab qolish, tushunish mushohada qilishda.*

Zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari vositalarini ta’lim jarayoniga kirib kelishi an’anaviy o’qitish usullariga qo’shimcha ravishda yangi o’qitish shakli - masofaviy o’qitish yaratilishiga omil bo’ldi. Masofadan o’qitish uslubi – bu internet orqali mustaqil o’qish demakdir. Mustaqil o’qish insonning mustaqil fikrlash, holatni baholash, xulosa va bashorat qilish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Masofadan o’qitishda o’quvchi o’ziga qulay vaqtda va hattoki, ishdan ajralmagan holda o’qishi mumkin.

Masofaviy ta'lim (lotincha "distansiya"- masofadan foydalanish) o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi to‘g‘ridan- to‘g‘ri "masofadan o‘qitish" imkoniyatini yaratib beruvchi zamonaviy axborot va telekommunikatsion texnologiyalardan foydalanish. U o‘quv fanlari bo‘yicha o‘zlashtirish samaradorligini ta'minlash, idrok etish qobiliyatini rivojlantirish kabi imkoniyatlarga ega.

Masofaviy ta’limda tinglovchlar mustaqil, erkin va ixtiyoriy bilim olish imkoniyatiga ega bo’ladi, talaba va tinglovchi o’rtasidagi aloqa hissiy munosabatlardan holi bo’lganligi uchun tinglovchilarning o’zlashtirish darajasi bevosita uning intellektual tomonlariga bog’liq, ko’rgazmalilikning keng imkoniyatlaridan foydalanish ya’ni eshitish, ko’rish, idrok qilish, esda saqlab qolish, tushunish mushohada qilishda texnik jarayonlarning faol ishtirok etish yordamida egallanayotgan bilim mohiyatini chuqurroq anglashga yordam beradi. Keys texnologiya - masofaviy ta’limda audiovideo va multimediali o’quv uslubiy materiallar majmuasini aks ettirsa, TV texnologiya - o’quv metodik ma’lumoitlarni televidenie orqali yetkazish mazmuniga, Internet texnologiya - masofaviy ta’limning jahon axborot ta’lim tarmoqlariga kirish, integratsiya va o’zaro tamoyillariga asoslanganligi bilan ahamiyatlidir. Bundan tashqari, masofaviy ta’lim jarayoni ham o’z navbatida ta’limiy va rivojlantruvchi xususiyatlaridan tashqari tarbiyaviy xarakterga ega bo’lib, shaxs axloqiy sifatlari-intizomlilik, onglilik, talabchanlik, hurmat va e’tiborlilik, o`quvlilikni shakllanishiga o’z ta’sirini o’tkazadi.

Masofaviy o’qitishda asosiy e’tiborni o’quv-uslubiy materiallarni tayyorlashga qaratiladi. Chunki o’quv-uslubiy materiallarning sifati masofadan o’qitish sifatining eng asosiy omillaridan biridir. O’qish tartibi quyidagicha: o’qituvchi kurs bilan tanishtiradi va topshiriqlar beradi.

O’quvchi ko’rsatilgan manbalar bilan ishlab topshiriqlarni bajaradi va o’qituvchiga yuboradi. O’qituvchi uni tekshiradi, zarur holda ko’rsatmalar beradi. Shu tartibda kurs mavzulari o’rganiladi. Muzokara internet xizmatlari orqali amalga oshiriladi. O’qish jarayonida talaba elektron darsliklardan, elektron kutubxona va forumlardan, videokonferentsiyalardan, on-line kurslaridan va Web-sahifalardan foydalanadi. Bu individuallik o’quvchida qiziqish uyg’otadi va uni o’qishda faollikka, ijodiy yondashuvga rag’batlantiradi. Ularni to’g’ri tashkil etish, o’qitish sifati va samarasini belgilaydi.

Masofaviy o’qitishda quyidagi o’quv materiallaridan foydalaniladi:

1. Darsliklar (modul);
2. Audio, videomateriallar;
3. Elektron va multimedia darsliklari;
4. On-line kurslari.

Masofaviy o’qitish – kommunikatsiya va kompyuterizatsiya hosilasi bo’lib, uning mohiyatida o’qitishning eng ilg’or usullarini Respublika bo’yicha keng joriy qilish masalasi ilk rejada turadi. Nazarimizda, masofaviy o’qitishning yutuq va kamchiliklari parallel ravishda namoyon bo’lmoqda. Yutuqlari quyidagilardan iborat:

-birinchidan, masofaviy o’qitish muayyan ilg’or o’qitish usulini keng ommalashtiradi;

-ikkinchidan, Respubika bo’yicha o’qitishnging yaxlit metodologiyasini shakllantiradi;

-uchinchidan, o’qitish sohasida ilmiy-amaliy axborot almashinish tezlashadi;

-to‘rtinchidan, moliyaviy tejamkorlikka olib keladi.

Kamchiliklar ham mavjud:

- birinchidan, masofaviy o’qitishning didaktik qonuniyatlari ishlab chiqilganicha yo’q;

- ikkinchidan, masofada turib saboq olayotganlarning holati va xatti-harakatieni to’liq darajada nazorat qilib bo’lmaydi;

-uchinchidan, o’qituvchi va talaba (o’quvchi) o’rtasida emotsional munosabat bo’lmaydi. Zero, masofaviy o’qitish texnologiyasidan tezkor axborot almashish maqsadida foydalanish kutilgan samarani berishi shubhasiz. Bugungi kunda poytaxtimizda va viloyatlar markazlarida o’ziga xos ilmiy potentsial markazlari shakllandi. Bu imkoniyatdan Respublika bo’yicha foydalanishda masofaviy o’qitish muhim o’rin tutadi. Shu ma’noda masofaviy o’qitishning metodologiyasi va ilmiy asoslarini yanada aniqlashtirib olish maqsadga muvofiqdir.122

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1.A.A.Abduqodirov, A. X. Pardaev “Masofadan o`qitish nazariyasi va amaliyoti” Toshkent 2009 yil;

2.A.A.Abduqodirov Oliy ta`limda masofali o`qitish texnologiyasi//”OTM ta`lim jarayoniga zamonaviy PTlar va ilg`or tajribalarni joriy etishning ilmiy pedogogik asoslari” res. ilmiy-amaliy konf.mat-i(2008 yil 28-29 noyabr`), T.,2008 11-14 betlar;

3.A.A.Abduqodirov XXI asr ta`limining asosiy shakllaridan biri//Ta`lim menejmenti, 2006. 64-b.

4.N.N.Azizxo‘jaeva Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. -O‘.: O‘DPU, 2003. - 174 b.

5.O.Roziqov, S. Og‘ayev, M. Mahmudov, B. Adizov. Ta'lim texnologiyasi. - T.: O‘qituvchi, 1999.-A.69.

6.S.Og‘ayev. Ilg‘or pedagogik texnologiyalar-hayotiy ehtiyoj. "Xalq ta'limi" jurnali, 2001, 3, 69-71 b.

**UDK 37.013.46**

# PHYSICAL EDUCATION IN THE ANCIENT WORLD

**Suvanova Shakhnoza Shomuradovna**
Karshi city, 26th school.
Kashkadarya region, Uzbekistan

***Annotation:*** *Archaeological findings suggest that human society appeared on Earth 3.5-4 million years ago, according to various scientific studies. They had a lot of social life experience, such as making hunting weapons, lighting fires, dressing up, preparing children with special exercises to be physically fit.*

***Key words:*** *wrestling, horse racing, javelin throwing, fencing, etc.*

In the early days, people struggled with nature to survive. That is, they invented production processes such as ways to avoid various natural disasters (wind, hurricanes, floods, cold, predatory attacks, etc.), and the manufacture of weapons. It is not difficult to imagine in modern times that the vital skills and abilities necessary for a person are physical qualities, skills and abilities formed in the processes of their direct labor activity. It is natural that young people learn all the labor and physical activity activities from adults and develop by imitating them.

Social life, especially animal hunting, led to the improvement of productive forces. The advent of various strong and sharp-pointed light spears, and then bullets and bows, led to the improvement of hunting and the development of hunting. As a result, the time spent finding food was significantly reduced. As a result, the opportunities for sedentary living and raising children have expanded.

With the emergence of new forms of economic management, the conditions for the organization of human society have become much stronger. Maternal seed communities emerged, whose members united on the basis of kinship relations and began to live by working.This, in turn, created a public outcry. Gradually, there were also changes in the field of culture. Housing, crafts appear. Fine arts (painting on rocks, making images of mothers from wood and clay and various shapes) were created. The team sang, played and danced, and celebrations ensued. It was during this period that religious ideas emerged (such as believing in, obeying, and sacrificing divine powers). Various labor-related competitions and games gained independent educational value and were used by different age groups of the seed team. A division of labor by sex and age was made.

Socio-labor and cultural processes were formed to one degree or another on almost all continents and later developed. The absence of property and social inequality in the early periods is explained by many sources. The seed community is divided into maternal (matriarchal) and paternal (patriarchal). It is natural that each of them has its own characteristics of social development and physical education.

Physical education in the matriarchal period.During the development of matriarchy, specially made equipment for the game (woolen ball, ball, spear sticks, blunt spears, toy, sledgehammer, sledgehammer, toy bow, curved cane, hammer etc.) appeared. Teaching young people to throw clubs, spears, clubs, and archery was one of the main directions of primary physical education.

In the Hindu tribe they made rubber balls, special sledges. They were also used for household chores and in various competitions. In the time of Columbus, Europeans recognized that the balls of the Indians were better than the balls of the Spaniards.

Among the peoples of eastern Brazil, girls and boys were to have the skills and qualities needed in their lives, such as agility, endurance, courage, and perseverance. In the Baroro and Conella tribes, young men were not allowed to marry until they had passed certain tests.

Primitive tribes in East Africa also held pole vault and high jump races. They were exhibited at various festivals.

Prior to the European invasion of North and South America, summer and winter hockey-type games played using large rubber balls, sledgehammers, and rackets were pictured in clear sources. During the primitive community regime, swimming, canoeing and kayaking were also widely used.

The disintegration of the primitive community and the formation of the system of slavery also took place in ancient Germany, Oceania, Hindu tribes (Aztec, Inca, Mayan) and elsewhere, which also led to the development of specific exercises and games. For example, in the Maya tribe, it has become a tradition to play a game with a ball made of rubber, which is very similar to basketball as a team. That is, its form and content may have formed the basis of the sports game that is now popular. In ancient Peru, exercise served as the most important tool in the training of young military units.

Those engaged in agriculture, animal husbandry and other professions began to invent various games and exercises in their fields. For example, those who are engaged in steaming, organized competitions in steaming.

Different tribal situations have led to mutual wars, conflicts and wars. For this reason, new activities, such as the construction of defensive fortifications and weapons, were developed and further developed. As a result, special attention was paid to the training of special fighters. In the physical training of warriors, examples of a new system of physical training began to emerge, which was intended to be used to conquer, oppress, and subjugate other tribes and peoples to the ruling minority. Such processes, in turn, created a system of slavery.

In the early days of slavery, the tradition of people's domination of tribal relations was preserved, limiting the power of tribal aristocracy. But the clashes between the tribes had serious military features. Their main reason was to gain wealth and establish their own dominance. Special guards appeared under the leadership of military geniuses. Geniuses were also often considered the leaders of the tribes. People's councils began to emerge. Their job was to protect all members of the team. Aul (rural) fortifications appear and a culture of military defense against the attack of foreign guards developed.

**REFERENCE:**

1.The law the Republic of Uzbekistan "On Physical Culture and Sports" . T., 2000
2.Akramov A.K. History of physical culture and sports in Uzbekistan. T., 1997.
3.Eshnazarov J. History and management of physical education. T., 2008
4.Ernazarov E. The Olympics is a holiday of world sports. T., 2008.

**UDK 37.013.46**

# O’QUVCHILARDA NUTQ MADANIYATINI TARBIYALASH YOXUD SHIRINSUXONLIK – ERTANGI KELAJAK SARI MUSTAHKAM

**G'ofurova Nargiza Abdunazar qizi**
Sayxunobod tumani 15-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabning
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Sirdaryo viloyati, O’zbekiston

***Annotatsiya.*** *Bu maqolaning asosiy maqsadi o'quvchilarni nutq madaniyatiga o'rgatish, odatlantirish va shirinsuxon qilib tarbiyalash haqida so'z boradi. Bu maqsad yo'lida nuroniy keksalarimiz, o'qituvchilar, ota-onalar birgalikda yoshlarga bor ilmini berib, namuna bo'lishga chaqiriladi.*

***Kalit so'zlar:*** *Nutq madaniyati, axloq-odob, til, so'z, tafakkur, talaffuz, iboralar, maqol va metal, notiqlik, shirinsuxonlik, fikrlash qobiliyati.*

Nutq madaniyati bevosita axloq-odob prinsiplariga bog'liqdir. Chunki nutq madaniyati – bu so'zga "chechanlik" bo'lmay, balki o'z fikrini aniq, ravshan, grammatik qoidalarga rioya qilgan holda munosib ohangda bayon qilish formasidir. Ravshan bayon etilgan nutq tafakkurning mantiqiyligi va chuqurligidan dalolat beradi.

Odamlarning bir –birlari bilan so'zlashishlaridan maqsad-moddiy borliqni, voqealikni bilish, o'zini qiziqtiradigan biror narsa haqida aniq tasavvur olishdir. Odamlarning ichki go'zalligi va ma'naviy yetukligini, hayotni va yashashni tabiat in'om etgan eng oliy ne'mat- til va tafakkursiz tassavur etish qiyin.

Inson o'z aql-u zakovati, tafakkuri, so'zlashish qobiliyati bilan tabiat sirlarini o'rganib, bilim olishga intilgan. U tafakkur orqali tabiat va jamiyat qiyofasini asta-sekinlik bilan o'zgartira borgan va shu jarayonda o'zi ham sotsial sub'ekt, ya'ni inson sifatida shakllana borgan. Shirinsuxanlik axloqiy madaniyatning muhim bosqichi bo'lib, u kishilik hayotida muhim o'rin egallaydi. Bir og'iz samimiy shirinso'z kishi ko'nglini ko'taradi, odamga kuch quvvat bag'ishlaydi, katta ijodiy faoliyatga undaydi.

Alisher Navoiy bobomiz so'z qudrati haqida shunday satrlarni bitadi:

*So'z borkim, eshitg'uvchi taniga jon kiyirur*
*Va so'z borkim, aytg'uvchi boshin yerga berur*

("Mahbub ul-qulub" asaridan)

Til –dil oynasi, dil esa madaniyatlilik nishonasidir. Dilda bori tilga chiqadi deganlaridek, kishining kimligini uning suhbatidan bilish mumkin. Yoshlarning sodda xalq tilida so'zlashishi faqatgina o'qimishliligidan darak bermay, balki ayni vaqtda aqlli va madaniyatliligini ham ko'rsatadi. Bunday yoshlar birinchi so'zlashuvdayoq odamlarni o'ziga jalb qila oladi. Aksincha, qo'pol ibora, mantiqsiz, pala-partish gap kishiga hurmat, e'tibor keltirmaydi, balki u haqda yomon taassurot qoldiradi, xolos. Shuning uchun yoshlar hamma vaqt shoshmasdan ohista, mayin ovoz bilan so'zlashga harakat qilishlari lozim. Talaffuz etilgan har bir so'z, bo'g'in, tovush aniq va ravshan jaranglashi lozim. So'zlashuvda ham yoshlar juda diqqat qilishi va tinglovchiga yaxshi ta'sir etish uchun ochiq va yengil iboralarni tanlashi lozim. Yoshlarning notiq bo'lishi shart emas, lekin faqat fikrini, tushunchalarini to'g'ri, aniq iboralar bilan ifoda qilishi kerak. Nafaqat ona tili darslarida, hatto boshqa fanlarni o'rganishida, tushunchalarini ifodalashida, albatta, nutq madaniyatiga, ravonligiga ega bo'lishi lozim.

Ona tilimizning sofligini saqlash har bir yosh avlodning sharafli burchidir. Afsuski, ba'zi yoshlarda turli hildagi, hatto o'zlari tushunmaydigan so'zlar va iboralarni ishlatib gapirish hollari ham uchrab turadi. Bunday toifadagi yoshlar so'zlashayotganida darhol uni to'xtatib, to'g'ri, tushunarli tilda so'zlashishga chaqirmog'imiz lozim.

Kishi fikrlarini ta'sirli, chuqur bayon etishi uchun maqol va matallardan unumli foydalanishi ham kerak. Shunda bayon etilayotgan fikr-mulohazalarning ta'sirchanligi yanada oshadi. Agar inson tafakkurining eng yuksak yutuqlari, eng chuqur bilimlari va eng otashin tuyg'ulari so'zda aniq va ochiq-oydin ifodalangan bo'lmasa, baribir odamlarga noma'lum bo'lib qolaveradi.

Donishmandlardan biri '' hamma qobiliyatlardan eng yaxshisi- nutq qobiliyatidir'', deb ta'kidlagan ekan. Notiqning shirin so'zi, ta'sirli, ma'noli gaplari kishini beixtiyor o'ziga jalb qiladi. Dono xalqimiz '' yaxshi so'z-jon ozig'i'' deb bekorga aytmagan. O'z o'rnida ishlatilgan

"assalomu alaykum", "bormisiz", "qadamingizga hasanot", "kechiring", "marhamat", "o'tiring", "jonim bilan", "ofarin", "rahmat", "boshim osmonga yetdi", "kelib turing", "xayr" kabi so'zlarini muomalada ishlatish qanday yaxshi.

Hozirgi zamon taraqqiyoti, ilm-fanning mislsiz o'sishi yoshlarimizni ma'rifatli, odobli, nutq madaniyati shakllangan bo'lishini taqazo etadi. Ona tiliga befarq qaraydigan kishi o'z xalqiga, uning asrlar osha ardoqlab kelayotgan milliy madaniyatiga hurmatsizlik qilayotgan bo'ladi. Tilning sofligi, ma'no aniqligi, o'tkirligi uchun kurash- madaniyat uchun kurashdir. Tillarning eng yaxshisi so'zga usta til, so'zlarning eng yaxshisi bilib, oxirini o'ylab so'zlangan so'zdir.

Abdulla Avloniy "Turkiy guliston yoxud axloq" asarida shunday go'zal she'rni keltirib o'tganlar:

*Go'zallik yuzda ermas, ey birodar,*
*So'zi shirin kishi har kimga yoqar.*
*So'zing oz bo'lsinu ma'noli bo'lsun,*
*Eshitkanlar qulog'i durga to'lsun.*
*So'zing bo'lsa kumush, jim turmak oltin,*
*Misi chiqg'ay so'zing ko'p bo'lsa bir kun.*
*Ko'paygan so'zni bo'lgay to'g'risi oz,*
*Shakarning ko'pidan ozi bo'lur soz.*

Har bir xalqning asrlar, ming yillar davomida takomillashtirib, sayqal berib, ardoqlab kelayotgan bebaho xazinasi bo'lgan til boyligini chuqur qadrlamog'imiz lozim.

Darhaqiqat, yoshlar kamoloti, avvalo, uning nutqi, yani fikrlash qobiliyatida nomoyon bo'ladi. Shunisi quvonarliki, 11-sinf ona tili darsligining asosini "Nutq" mavzu qamrab olgan. Bu sinfda o'quvchilarimiz ta'sirli nutq — madaniy nutq tuzish malakalari, ya'ni nutq madaniyati bilan tanishadilar, uning asosiy tushunchalarini egallaydilar. Bu darslik yangi hayotga qadam qo'yayotgan yoshlarga kerakli va muhim manba bo'lib xizmat qiladi.

Xulosa qilib aytganda, biz ulg'ayib kelayotgan yosh avlodga nutq madaniyatining sir-asrorlarini o'rgatmog'imiz, uni to'g'ri va rost so'zlashga, shirinsuxan bo'lishga odatlantirmig'imiz muhim ijtimoiy-siyosiy ahamiyatga ega.

Shirin so'z kishi ko'nglini tog'dek ko'tarib, qalbni hayotbaxsh tuyg'ular, oliyjanob hissiyotlar bilan munavvar etadi. U ma'naviy kamolot sari yetaklaydi. Shuningdek, shirin so'z kishini har qanday qiyinchilikdan qutqaradi, kishi ruhini tetiklashtiradi, hatto bemorlarga shifo beradi... Ha, tibbiyot ilmining ibtidosidanoq so'z bilan bemorlar davolangan. Sharq meditsinasining asoschisi Ibn Sino ham Gippokrat ham bemorni dori-darmonsiz so'z bilan davolash afzal ekanini alohida takidlashgan. Shirinsuxanlik madaniyatlilikning bir belgisidir. Shu fazilatni o'quvchilarga yuqturish bugungi kunda tarbiyaning dolzarb masalasidir. Yoshlarni shirinsuxan qilib tarbiyalashda keksa avlodning hayot tajribasi, kishilarga bo'lgan samimiy munosbati eng qiyin va og'ir paytlarda ham vazminlik, yordam qo'lini cho'zish kabi hislatlari katta maktab vazifasini o'taydi.

O'rta maktabda nutq madaniyatini o'stirish vazifasi faqat ona tili va adabiyot o'qituvchilarining ishi bo'lib qolmay, balki butun pedagogik kollektivning, jamoatchilikning ishi bo'lishi kerak. Ota-onalar ham nutq madaniyatiga ega bo'lishlari juda muhim. Chunki farzandlariga namuna, ko'zgu hisoblanadi. Bizning madaniyatliligimiz, avvalo, nutqimizda ko'rinadi. Shunday ekan nutqimizning sofligini, jozibasini, dilga yoqimliligini, ta'sirchanligini yo'qotmagan holda munosabatga kirishaylik.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1.Yoshlarning axloq madaniyati.-T: O'qituvchi, 1988-17
2. A. Avloniy. Turkiy guliston yoxud axloq. – Toshkent: 2008
3.www.kitobxon.com

4.www.ziyonet.uz
5.www.kh-davron.uz

**UDK 37.013.46**

# ZAMONAVIY AXBOROT VA KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI VOSITALARINI TA'LIM JARAYONIGA KIRIB KELISHI

**Odinayeva Gulbahor Jo'raqulovna**
Termiz shahar 4 - umumiy o'rta ta'lim maktabi
ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi
Surxondaryo viloyati, O'zbekiston

***Annotatsiya:*** *Mamlakatimizda ta`lim tizimini rivojlantirish Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich rahnamoligida amalga oshirilayotgan keng ko`lamli islohotlarning ustuvor yo`nalishlaridan biridir. Jamiyatimizning rivojlangan davrida avvalgi metodik qo`llanmalar bilan cheklanib qolmasdan, unga fan-texnika yangiliklari, internet va yuksak texnologiyalar imkoniyatlaridan foydalangan holda, ta`lim jarayonini tinglovchilari uchun yanada qiziqarli va mazmunli qilib o`tish maqsadga muvofiq. Internet global kompyuter tarmog'ini rivojlanishi butun dunyo ta'lim tizimini takomillashtirishning yangi yo'nalishlarini ochilishiga sabab bo'ldi. O'quv muassasalarining texnik ta'minotini keskin o'zgarishi, dunyoviy axborot resurslarga keng yo'l ochilishi o'qitishning yangi shakl va usullaridan foydalanish zaruratini keltirib chiqardi.*

***Kalit so'zlar:*** *shaxs axloqiy sifatlari-intizomlilik, onglilik, talabchanlik, hurmat va e'tiborlilik, o`quvlilikni shakllanish*

O'zbekiston Respublikasi birinchi Prezidenti I.A.Karimovning 2012 - yil 28 - maydagi "Malakali pedagog kadrlar tayyorlash hamda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarini shunday kadrlar bilan ta'minlash tizimini yanada takomillashtirishga oid chora-tadbirlar to'g'risida"gi qaroriga ko'ra, bugungi kunda o'rta maxsus, kasb- hunar ta'limi tizimida o'quv jarayoni tegishli darajada tashkil qilinishi, mashg'ulotlar zamonaviy ta'lim texnologiyalariga tayangan holda o'tkazilishi lozimligi, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan ta'minlanishi zarurligidan kelib chiqib, umumiy o'rta ta'lim fanlarini maqsadli, samarali va kafolatlangan natijali o'qitish davr talabidir.

Ta'lim-tarbiyada samarali islohotlarni amalga oshirish talab etilayotgan hozirgi davrda esa ilmiy-texnika taraqqiyoti yangi texnalogik rivojlanishlar sharoitida muvaffaqiyatli faoliyat ko`rsata oladigan jamiyat a'zolarini etishtirib berish yosh avlodni kasb-hunarga yo`naltirishda davlat xizmatini hamda o`rta ta'limning ko`p variantli uchinchi bosqichini joriy etish ta'lim mazmunini yaxshilashda pedagogik vositalarni qo`llash ta'limda tashabbuskorlik va ijodkorlikka keng yo`l ochish uni muqim tizimlarini yaratish kabi chet el tajribalarini o`rganish ayni muddaodir.

Zamonaviy axborot va kommunikatsiya texnologiyalari vositalarini ta'lim jarayoniga kirib kelishi an'anaviy o'qitish usullariga qo'shimcha ravishda yangi o'qitish shakli - masofaviy o'qitish yaratilishiga omil bo'ldi. Masofadan o'qitish uslubi – bu internet orqali mustaqil o'qish demakdir. Mustaqil o'qish insonning mustaqil fikrlash, holatni baholash, xulosa va bashorat qilish qobiliyatlarini rivojlantiradi. Masofadan o'qitishda o'quvchi o'ziga qulay vaqtda va hattoki, ishdan ajralmagan holda o'qishi mumkin.

Masofaviy ta'lim ( lotincha "distansiya"- masofadan foydalanish) o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi to‘g‘ridan- to‘g‘ri "masofadan o‘qitish" imkoniyatini yaratib beruvchi zamonaviy axborot va telekommunikatsion texnologiyalardan foydalanish. U o‘quv fanlari bo‘yicha o‘zlashtirish samaradorligini ta'minlash, idrok etish qobiliyatini rivojlantirish kabi imkoniyatlarga ega.

Masofaviy ta’limda tinglovchlar mustaqil, erkin va ixtiyoriy bilim olish imkoniyatiga ega bo’ladi, talaba va tinglovchi o’rtasidagi aloqa hissiy munosabatlardan holi bo’lganligi uchun tinglovchilarning o’zlashtirish darajasi bevosita uning intellektual tomonlariga bog’liq, ko’rgazmalilikning keng imkoniyatlaridan foydalanish ya’ni eshitish, ko’rish, idrok qilish, esda saqlab qolish, tushunish mushohada qilishda texnik jarayonlarning faol ishtirok etish yordamida egallanayotgan bilim mohiyatini chuqurroq anglashga yordam beradi. Keys texnologiya - masofaviy ta’limda audiovideo va multimediali o’quv uslubiy materiallar majmuasini aks ettirsa, TV texnologiya - o’quv metodik ma’lumoitlarni televidenie orqali yetkazish mazmuniga, Internet texnologiya - masofaviy ta’limning jahon axborot ta’lim tarmoqlariga kirish, integratsiya va o’zaro tamoyillariga asoslanganligi bilan ahamiyatlidir. Bundan tashqari, masofaviy ta’lim jarayoni ham o’z navbatida ta’limiy va rivojlantruvchi xususiyatlaridan tashqari tarbiyaviy xarakterga ega bo’lib, shaxs axloqiy sifatlari-intizomlilik, onglilik, talabchanlik, hurmat va e’tiborlilik, o`quvlilikni shakllanishiga o’z ta’sirini o’tkazadi.

Masofaviy o’qitishda asosiy e’tiborni o’quv-uslubiy materiallarni tayyorlashga qaratiladi. Chunki o’quv-uslubiy materiallarning sifati masofadan o’qitish sifatining eng asosiy omillaridan biridir. O’qish tartibi quyidagicha: o’qituvchi kurs bilan tanishtiradi va topshiriqlar beradi. O’quvchi ko’rsatilgan manbalar bilan ishlab topshiriqlarni bajaradi va o’qituvchiga yuboradi. O’qituvchi uni tekshiradi, zarur holda ko’rsatmalar beradi. Shu tartibda kurs mavzulari o’rganiladi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. A. A. Abduqodirov, A. X. Pardaev “Masofadan o`qitish nazariyasi va amaliyoti” Toshkent 2009 yil;
2. A. A. Abduqodirov Oliy ta`limda masofali o`qitish texnologiyasi//”OTM ta`lim jarayoniga zamonaviy PTlar va ilg`or tajribalarni joriy etishning ilmiy pedogogik asoslari” res. ilmiy-amaliy konf.mat-i(2008 yil 28-29 noyabr`), T.,2008 11-14 betlar;

**UDK 37.013.46**

# O‘QUVCHILARDA IMLOVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISHNING SAMARALI USULLARI

**Axmadjonova Nodira Sirojidinova**
Asaka tuman XTB tizimidagi
55-umumiy o‘rta ta’lim maktabi ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi
Andijon, O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Bugun biz jadal rivojlanib borayotgan axborotlar asrida yashamoqdamiz. Tabiiyki, bu o‘sib kelayotgan yosh avlod, jumladan, maktab o‘quvchilarining ta’lim-tarbiyasiga ham o‘z ta’sirini o‘tkazmoqda. Axborotlar oqimi shunchalik ko‘pki, o‘quvchi diqqatini ularning ayrimlaridan himoyalash zarurati ham paydo bo‘lmoqda Eng kuchli himoya vositasi esa, albatta, bilim olishga bo‘lgan ehtiyoj tuyg‘g‘usini o‘quvchi ongida mustahkam shakllan-*

*tirishdir. Bu, shubhasiz, o‘qituvchidan katta kuch — bilim va mahorat talab etadi.Agar o‘qituvchi o‘z ustida ishlamasa, doimiy bir xillikdan — zerikarli va tushunarsiz dars o‘tishdan qochmasa, bu borada muvaffaqiyatga erisha olmaydi.*

***Kalit so'zlar:*** *ta‘limning yangi-yangi yo‘l va usullarini izlash, pedagogik tajribalardan ijodiy foydalana olish juda muhim.*

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6- apreldagi 187-son qarori bilan tasdiqlangan umumiy o‘rta ta’limning davlat ta’lim standarti hamda umumiy o‘rta ta’limning ona tili fani bo‘yicha malaka talablarida belgilab qo‘yilganidek, ona tili ta’limining asosiy maqsadi – o‘quvchilarning o‘z fikrini og‘zaki va yozma tarzda to‘g‘ri hamda ravon bayon qiladigan, kitobxonlik madaniyati shakllangan, mustaqil va ijodiy fikrlay oladigan, o‘zgalar fikrini anglaydigan-muloqot va nutq madaniyati rivojlangan shaxsni kamol toptirishdan iborat. ”Mamlakatning rivojlangan davlatlar qatoridan munosib o‘rin egallashi, avvalo, ilm-fan va ta’lim-tarbiya sohasining rivoji bilan bog‘liq, desak, mubolag‘a bo‘lmaydi”, -degan edilar muhtaram Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev. Darhaqiqat, mamlakatning ertangi kuni dunyoqarashi keng maktab bolalari va zamonaviy, salohiyatli o‘qituvchi-murabbiylarga ko‘p jihatdan bog‘liqdir. Shuning uchun ham pedagogik texnologiyalarni ta‘lim jarayoniga joriy etish, ta‘lim samaradorligini oshirish uchun tinimsiz izlanish bugungi kunning ehtiyojiga aylandi Bu vazifani amalga oshirish jarayoni boshlang‘ich sinflardanoq o‘quvchilarning o‘qishiga yangicha yondashish, o‘qituvchilarning o‘z kasbiga va tarbiyalanuvchilarga o‘ta ma‘suliyatli munosabatda bo‘lishlarini taqozo etadi. Ilg‘or pedagogok texnologiyalarni ta’lim jarayoniga mohirona tatbiq eta olish , ta‘limning yangi-yangi yo‘l va usullarini izlash, pedagogik tajribalardan ijodiy foydalana olish juda muhimdir.Chunki zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta‘lim jarayonining unumdorligini oshiradi, o‘quvchilarning mustaqil fiklash jarayonini shakllantiradi, o‘quvchilarda bilimga ishtiyoq va qiziqishni oshiradi, bilimlarni mustahkam o‘zlashtirish, ulardan amaliyotda erkin foydalanish ko‘nikma va malakalarini shakllantiradi.

O‘zbek xalqining yosh avlodni hayotga tayyorlashda ko‘p asrlar davomida qo‘llagan usul va vositalari, tadbir shakllari, o‘ziga xos urf-odatlari va an'analari, ta'lim-tarbiya haqidagi g‘oyalari va hayotiy tajribasi mavjud. Bu meros o‘tmishda ko‘plab alloma-yu donishmandlar yetishib chiqishiga asos bo‘lgan. Hozirgi kunda bu merosdan ijodiy foydalanish katta ahamiyatga ega. Ajdodlarimiz bilim o‘rgatuvchi ustoz faoliyatiga katta ahamiyat berganlar. Bu pedagogik faoliyatga bo‘lgan asosiy talablardan biri edi. Sharq uyg‘onish davrining buyuk mutafakkiri Abu Nasr Forobiy fikricha, “Ta'lim so‘z va o‘rgatish bilangina bo‘ladi. Tarbiya esa amaliy ish va tajriba bilan o‘rganishdir, ya'ni shu xalq, shu millatning amaliy malakalaridan iborat bo‘lgan ish-harakatga, kasb-hunarga berilgan bo‘lishidir. Agar ular ish, kasb-hunarga berilgan bo‘lsalar, kasb- hunarga qiziqsalar, shu qiziqish ularni butunlay kasb-hunarga jalb etsa, demak, ular kasb-hunarning chinakam oshig‘i bo‘ladilar”[1].

Pedagogik texnologiyani pedagog olimlar turlicha ta‘riflashadi. T.S.Nazarova ta`rificha: “Pedagogik texnologiya ta`lim-tarbiyadan ko‘zlangan maqsadga erishish uchun o‘quv jarayonida qo‘llaniladigan usullar, vositalar majmuidir”[2] Nufuzli YUNESKO tashkiloti ma`qullagan ta`rif bo‘yicha “Pedagogik texnologiya - ta`lim shakllarini optimallashtirish maqsadida texnik vositalar, inson salohiyati hamda ularning ta`sirini inobatga olib, o‘qitish va bilim o‘zlashtirishning barcha jarayonlarini aniqlash, yaratish va qo‘llashning tizimli metodidir”[3]

O‘zbekistonlik olim N.Sayidaxmedov fikricha: «Pedagogik texnologiya- bu o‘qituvchi tomonidan o‘qitish vositalari yordamida o‘quvchilarga ta`sir ko‘rsatish va bu faoliyat mahsuli sifatida ularda oldindan belgilab olingan shaxs sifatlarini shakllantirish jarayonidir»[4]. Yirik pedagog olimlarimizdan biri M.Ochilov pedagogik texnologiya sohasidagi tadqiqotlari natijasida quyidagi xulosaga keladi: “Pedagogik texnologiya- tizimli, texnologik yondashuvlar asosida ta`lim shakllarini qulaylashtirish, natijasini kafolatlash va ob`ektiv baholash uchun inson salohiyati hamda texnik vositalarning o‘zaro ta`sirini inobatga olib, ta`lim maqsadlarini

oydinlashtirib, o‘qitish va bilim o‘zlashtirish jarayonlarida qo‘llaniladigan usul va metodlar majmuidir”[5]

Ko‘rib turganimizdek, “pedagogik texnologiya” tushunchasini ta’riflashda hali yagona fikrga kelinganicha yo‘q. Pedagogik texnologiya – ta’lim-tarbiya jarayonlari, ta’lim usuli, vositalari, shakllari, o‘qituvchi va tahsil oluvchi o‘rtasidagi munosabatlar majmui bo‘lib, ta’lim jarayoniga tizimli, texnologik yondashuvni talab qiladi va o‘zida ta’lim maqsadlarini oydinlashtirishni, natijasini kafolatlashni va ob’ektiv baholashdek muhim belgilarni aks ettiradi .

O‘qituvchi dars jarayonida yangi pedagogik texnologiyalardan unumli foydalanishi zarur, albatta. Lekin dars jarayoni zinhor o‘qituvchining yangi pedagogik texnologiyalardan qay darajada foydalana olishini ko‘rsatuvchi sahnaga aylanib qolmasligi kerak. Chunki ta’limdan ko‘zlangan asosiy maqsad o‘quvchilarga zaruriy bilimlarni yetarli darajada berishdan iboratdir. Ya’ni tanlangan metodlar berilayotgan materialning oson va puxta o‘zlashtirilishiga xizmat qilsagina o‘zini oqlaydi.

Hozirda o‘quvchilardan ustozlar ham, ota-onalar ham ko‘proq kitob o‘qish , chet tillarini, shuningdek, ona tilimizni mukammal bilish, o‘z fikrini og‘zaki va yozma tarzda erkin bayon eta bilishni talab qilmoqdalar. Ona tilini chuqur o‘rganish muhim talablardan biridir, chunki til aloqa aralashuv vositasi bo‘libgina qolmay, millat ruhini tozalovchi, uni millatimizga begona tuyg‘ulardan himoyalovchi vositalardan biri ham hisoblanadi. Shu bois ona tili va adabiyot ta’limini beruvchi ustozlar oldiga ulkan mas’uliyat yuklanadi. Ular til qonuniyatlarini o‘rgatibgina qolmay, o‘quvchilarda hayotda tilimizning bor imkoniyatlaridan erkin foydalanish, grammatik jihatdan to‘g‘ri va jozibali nutqni og‘zaki va yozma tarzda yarata olish ko‘nikmalarini shakllantirishlari kerak. Buning uchun esa o‘qituvchi ona tili darslarida interfaol usullardan foydalanishi, o‘quvchini mustaqil fikrlashga , olgan . nazariy bilimlarini qo‘llagan holda matnlar yarata olishga yo‘naltirishi kerak. Matnlarning uslubiy va imloviy , shuningdek, tinish belgilari bilan bog`liq xatolardan xoli bo‘lishi eng muhim talabdir. Bunday xatolardan xoli matn yaratish uchun o‘quvchilarda , albatta, xatosiz yozish ko‘nikmalari uzluksiz ravishda (1-sinfdan 11-sinfgacha) shakllantirlib boriladi. Buning uchun ona tili darslarida, shuningdek, to‘garak mashg‘ulotlarida zaruriy bilimlar berilishi kerak. Mazkur qo‘llanmada ona tili darslarida va to‘garak mashg‘ulotlarida imloviy savodxonlikni o‘rgatishda foydalanish mumkin bo‘lgan bir necha usullarni tavsiya qilamiz.

O‘quvchilarda diktant, bayon, insho yozayotganda yoki matn tuzayotganda turli ko‘rinishlarda xatolar uchrab turadi. Bu nuqson , asosan, boshlang‘ich sinfdan boshlab past o‘zlashtiruvchi bolaga o‘z vaqtida individual e’tibor qaratilmagan-ligidan kelib chiqadi. Xatolarni to‘g‘rilash uchun, avvalo, o‘sha xatolarning turlari aniqlanishi, keyin esa shu xatolarni tuzatishga qaratilgan maqsadli usullar tanlanishi , mashg‘ulotlar davomida o‘rinli va tizimli qo‘llanib borilishi kerak. O‘quvchi matn yaratishda quyidagi xatolarga yo‘l qo‘yadilar:










O‘quvchilarda imloviy savodxonlikni oshirishning samarali usullari

1.“Esda saqlang!” usuli - imlosi bo‘lgan so‘zalrni videoproyektor ekranida ko‘rsatish va eslab qolish topshirig`ini berish usuli. Bu usulning afzalligi shundaki, o‘quvchi eshitganidan ko‘ra ko‘rganini osonroq va ko‘proq esda saqlab qoladi. Misollar quyidagicha bo‘lishi mumkin:













2.“Xatosini tuzating!” usuli. Bunda o‘quvchilarga ekranda imlo xatolari bor bovlgan diktant matni ko‘rsatiladi., yoki qo‘llariga tarqatma sifatida xatolari mavjud bo‘lgan gaplar beriladi. O‘quvchilar xatolarni o‘zlari aniqlaydilar. Namuna: Kecha baxodir blan Botr tiyatrga borishdi. Spektakl soxat ikkida boshlandi.

3.“Kim chaqqon?” usuli. Bunda o‘quvchilarga to‘g‘ri va xato yozilgan so‘zlar aralashtirib yozilgan va xatjildga solingan tarqatmalar beriladi. O‘quvchilar belgilanagan vaqt davomida to‘g‘ri yozilgan so‘zlarni saralab oladilar. Namuna: halq xulq xushyor xushhavo

4.“Zakovat charxalagi” o‘yini. Bu usul multimediya mahsuloti sifatida Microsoft Pover Point dasturida tayyorlanadi. Tanlangan so‘zlarning to‘g‘i yiki noto‘g‘ri variantlarini aniqlash topshiriqlariga asoslanadi. Namuna:







5.“Zanjirli diktant” usuli. Bu usul yozuv taxtasida o‘tkazilishi mumkin. Bunda o‘quvchilar guruhlanadi va bir nafardan o‘quvchi yozuv taxtasiga bir dona so‘z yozadi. Qolgan o‘quvchilar navbati bilan shu so‘zning oxirgi harfi bilan boshlanuvchi so‘z yozib, zanjirni davom ettiradilar. Namuna: Azizbek, kalit, tosh, shoh, huquq, qanoat, tabassum, mehr, rassom, mevazor, Rustam…

6.“Qarsakli javob” interfaol uslubi. Bu usuldan o‘qituvchi H va X undoshlarini farqlash , esda saqlab qolishlarini kuchaytirish va o‘quvchilar faolligini oshirib olish uchun darsning mustahkamlash qismida foydalanishi mumkin. Bunda har bir darsda 10 tadan 20 tagacha so‘z tanlab keladi va so‘zlarni o‘qiydi. O‘quvchilar navbati bilan H undoshi, ya’ni bo‘g‘iz undoshi ishtirok etgan so‘z o‘qilganda 2 ta qarsak, X undoshi, ya’ni chuqur til orqa undoshi qatnashgan so‘z o‘qilganda esa 1 marta qarsak chaladilar.

7.“Uchta to‘g‘ri va bitta xato” usuli. Bu usulda har bir tarqatmaga 4 tadan so‘z yoziladi va ularning 1 tasi noto‘g‘ri variantda beriladi. O‘quvchilar shu xatoni aniqlaydilar.

8.“So‘zdan so‘z yasang!” usuli. O‘quvchilar berilgan so‘zdan yangi so‘zlar yasaydilar. Namuna: “Vatanparvarlik” so‘zidan quyidagi so‘zlarni yasash mumkin: vatan, va, tan, ana, par, arpa, nav, kalit, tilak, ilk, tilka, pilik, pilla, alla…

Yuqorida imlo savodxonligini oshirishga qaratilgan bir necha usullarni ko‘rib chiqdik. Shu o‘rinda bir savol tug‘iladi. Biz ishlatayotgan “usul”, “uslub” tushunchalari qanday farqlanadi, yoki ikkisi ham bir ma’no anglatadimi? Javob esa quyidagicha: maqsadga yetishda muayyan to‘siqni engib o‘tish uchun qo‘llaniladigan tadbir va choralar majmuini usul , qo‘llaniladigan usullar tizimini uslub (yo‘l) deyiladi. Usullarni ma’lum bir uslubda qo‘llash jarayonida har bir harakat maqomi muayyan maqsad ko‘rsatkichlariga bo‘ysundiriladi. Undan tashqari, kishi maqsadga etish jarayonida bir qator qonuniyatlarga ham tamoyil sifatida amal qiladi. Har bir haqiqiy pedagog odatda o‘z oldiga o‘quvchilar uchun materialining mazmunini tushunib, o‘zlashtirib olishsin, ma’lum bilimlarni egallab, amaliyotda qo‘llashga o‘rgansin degan maqsadni qo‘yadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. O‘zbekiston Respublikasi «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi». - T.: O‘zbekiston, 1997-yil.
2. O‘zbekiston Respublikasining «ta'lim to‘g‘risida»gi Qonuni. – Toshkent, 1997-yil. 3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6- apreldagi 187-son qarori
4. Forobiy. «Fozil odamlar shahri». - T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi. nashriyoti, 1993. 182-184-185-b.
5. Farberman B.L. Progressivnie pedagogicheskie texnologii.-T.,1999, st.3.
6. Bozorova M, Norpo‘latova X. ―Ta'limni faollashtiruvchi metodlar‖, Metodik qo‘llanma TermDU ilmiy kengashida ko‘rib chiqilib nashrga tavsiya qilingan, 2010 yil
7. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardaev A. Tarbiyada innovatsion texnologiyalar. T:, 2010-yil
8. Mallayev O. Yangi pedagogik texnologiyalar. T. 2000-yil 25. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar. – Karshi «Nasaf», 2000-yil
9.To‘xliyev B. , Shamsiyeva M. , Ziyodova T.”O‘zbek tili o‘qitish metodikasi”, Toshkent, Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti, 2010.
10. Ziyomuhammedov Abdullayeva B.Sh. Ilg‘or pedagogik texnologiya: Nazariya va amaliyot «Ma'naviyat asoslari» darsi asosida ishlangan uslubiy qo‘llanma.-Toshkent, Abu Ali Ibn Sino nomli tibbiyot nashriyoti, 2001-y
11. Ziyomuhammadov B., Tojiev M. Pedagogik texnologiya. T:, 2009-yil
12.Usmonov K. , Xayitov A. “Ona tili va adabiyot fanlarini o‘qitishda ta’lim texnologiyalaridan foydalanish.Toshkent – 2011.
13. Turg’unov S.T., Maqsudova L.A., Umaraliyeva M. A., Tojiboyeva H. M. “Pedagogik jarayonlarni tashkil etish va boshqarish texnologiyalari”, Toshkent, “Sano-standart”, 2012.
14. Zunnunov A., To‘xliyev B. , Mas’udov X.”Pedagogika tarixi”, Toshkent, “Sharq”, 2002.
17. Hoshimov K., Nishonova S.”Pedagogika tarixi”, Toshkent, Alisher Navoiy nomidagi O‘zbekiston milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005.
18. A’zamov A. , Yusupov a.”O‘quvchilarga bilim berishda innovatsion usullardan foydalanish”, Toshkent, A.Avloniy nomidagi XTXQTMOMI “Mualliflik ishlarini nashrga tayyorlash bo‘limi”, 2002.
19. Umarova X.”Qiziqarli grammatika”,Toshkent, Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti,2002.
20. Sayidahmedov N.”Yangi pedagogik texnologiyalar”,Toshkent, “Moliya”-2003.

**UDK 37.013.46**

# TA'LIM TIZIMIDA MULT'MEDIA TEXNOLOGIYALARINI TADBIQ ETISHDAGI MUAMMOLAR VA YECHIMLAR

**Sheraliyeva Umida Rahimovna**
Baliqchi tumani 12- umumiy oʻrta ta'lim maktabi
ona tili va adabiyoti fani oʻqituvchisi
Andijon viloyati O'zbekistan

***Annotatsiya:*** *XXI asr texnologiya asri deb e'tirof etildi,bu asr texnologiyalar taraqqiyoti bilan jadal suratlarda olamshumul voqealarga ega bo`lmoqda. Dunyoning ko`plab joylarida kashf qilingan yangidan yangi ixtirolar insoniyat tafakkurining cheksizligidan dalolatdir. Demak, hayotning inikosi bu - inson. Jamiyatning ham ob'ektiv, ham sub'ektiv mahsuli. Bizni zo`r qiziqish bilan hayratga solayotgan texnologiyalar, aslida inson tafakkuri bilan vujudga kelgan ixtirolardir. Bundan ko`rinib turibdiki, dunyodagi eng kuchli texnologiya, insonning tafakkur qilish texnologiyasi. OLLOH tomonidan yaratilgan bu ongli mavjudotning yana nimalarga qodirligi, kelajakda yana qanday kashfiyotlar kutayotganligi yolg`iz YARATGANga ayon. Ajab emas vaqti kelib uyda turib ham oyni kuzatishga muvoffaq bo`lsak.*

***Kalit so'zlar:*** *Axborot kommunikasiya texnologiyalari, mult'media texnalogiyalari, ulardan oqilona va unumli foydalanish, obrazli tasavvur qilish, ko`rish, eshitish, tinglash, o`rganish, xotira mustahkamligi, afzalliklari va muammolar.*

Bugungi kun talabi esa, jahon bilan hamnafas bo`lib, zamondan uzoqlashmagan holda o`zimizni shakillantirib bormog'imiz lozim.

"Hammamizga ma'lumki, har sohaning ishlab chiqarish texnologiyasi mavjud. Jumladan, ta'lim tizimi texnologiyasi va uning atama sifatida qo`llanilishi ham o`zaro raqobat va raqobat orqali taraqqiy etish muhitini shakillantirmoqda. Daraxtning ildizi ozuqa bersa, jamiyatning ildizi ta'lim-tarbiyadir. Demak, ta'lim jarayonida axborot kommunikasiya texnologiyalarini qo'llash biz kutgan va kutmagan natijalarni ko`rsatadi" [2]

Pisixologlarning ta'kidlashicha bolalarning qiziqishlari va iqtidori ularning o`ynagan o`yinidan ma'lum bo`lar ekan. Shunday ekan, maktabgacha va boshlang`ich ta'lim tizimidan boshlab o`quvchilarimizning qiziqishlariga alohida urg`u bereshimiz kerak. Oilamizda shakillangan muhit 4-5 yoshli farzandlarimizni ham axborot almashishdek qobilyatini rivojlantirib bormoqda. Endi ular maktabda axborot kommunikasiya texnologiyalariga ehtiyoj sezadilar va bu qiziqishlari ortidan talab va takliflarini ham bera oladi.

" Axborot is'temoli ijtimoiy, ma'naviy ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan hodisadir. Har qanday xizmatni iste'mol qilishdan avval uning sifati, narxi, foydasi, qulayligi va boshqa shu kabi xususiyatlari inobatga olinadi". [3]

Bola psixologiyasida tanlash qobilyati kuchli, u mustaqil qaror qabul qila oladi. Misol uchun bolaga yangi va eski o`yinchoq bersangiz, albatta, yangisini tanlaydi. Sababi u, yangi o`yinchoq o`ynash orqali yangi tafakkur, yangi estetik qobilyatga ega bo`ladi. Shu tariqa unda yana yangi o`yinchoqqa ehtiyoj seziladi.

Kundalik hayotimizda telefon va kompyuterdan foydalanganimizda, farzandlarimiz yonimizda kuzatib turib ham axborot almashinish va uzatish kabi ko`nikmalariga ega bo`larkan.

---

[2] O`ktamjon Ohunov. " Pedagagik texnologiyalar asoslari" maruza matnlari. Andijon – 2015.

[3] Xalq ta'limi jurnali 2015. 2-son, 105-bet.

Bugungi kunga kelib esa kitob, videofilm, mult'media o`yinchoq, turli o`yinlar va axborotlarni o`zida uyg`unlashtirib va ularni o`rnini bosa oluvchi kompyuter kundalik hamrohimizga aylangan. Bu bolaning hatti-harakatlariga va talablariga javob bera oladi.

"Dars va darsdan tashqari o`quv mashg`ulotlarida elektron qo`llanmalar, mult'media texnologiyalardan foydalanish o`quvchilarning bilim ko`nikma va malakalarini shakllantirishda muhim ahamiyatga ega". [4]

Bolaning bilimidagi bo`shliqlarni to`ldirishda mukammal dasturning o`zi yo`q. Dars va o`quv mashg`ulotlari zerikarli bo`lmasligi uchun o`qituvchi o`z tajribasidan kelib chiqib yangi axborot texnologiyasini yarata olishi kerak. O`quvchining ijobiy hissiyotlarini uyg`ota oladigan, bir-birini takrorlamaydigan ma'lumotlar, bola xotirasida o`chmas bitiklarga aylanadi.

Xalqimiz: " Yoshlikda olingan bilim, toshga bitilgan naqsh " deganlaridek bola xotirasiga joylashgan bu sahifa soda qilib aytganda, virus tushganda ham naqshinkor bezaklarini yoqotmaydi va bir umrga muhrlanib qoladi.

" Kichik maktab yoshidagi o`quvchilar uchun o`yin – ular hayot faoliyatining nihoyatda mazmunli bo`lagidir. O`yin jarayonida bola tashqi talablar emas, ichki ehtiyojlardan kelib chiqib, faoliyatga kirishadi. O `yinning maqsadi – jiddiy va zo`riqtiruvchi mehnatni o`quvchilar uchun qiziqarli va maroqli mashg`ulotga aylantirishdan iborat ".[5]

Axborot kommunikativ texnologiyalari va mult'mediyalardan estetik, gigiyenik va pisixologik qoidalarga amal qilgan holda foydalanish maqsadga muvoffiqdir. Bolaning yoshiga, saviyasiga mos kelishi muhim ahamiyatga ega.

O`quvchi uchun o`zlashtirishi qiyin bo`lgan ilmiy ma'lumotlar darsdan bezish yoki zerikish holatiga olib keladi. Bunday vaziyatlarda muammoning yechimini topish o`qituvchining mahoratiga bog`liq.

" Axborot kommunikasiya texnologiyalari va mult'mediyalardan foydalanish yaxshi, albatta. Lekin ularning ham shunday murakkab turlari borki, o`quvchi tog`ridan to`g`ri bu ma`lumotlarni qabul qila olmaydi. O`qituvchi shunday pedagagik mahoratga ega bo`lishi kerakki,o`quvchi uchun qiyin bo`lgan ma'lumotlarni hayotiy misollar bilan asoslab tushuntirib bersin. Shunda o`quvchi bilim, ko`nikma va malakaga ega bo`ladi va muammoning yechimi oydinlashadi".[6]

## FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:

1.I.Karimov. " Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch " – T.: " Ma'naviyat", 2008.
2.I.Xolliyev, J.Husanov. "Kasb-hunar ta'limi: texnologiya,ma'naviyat, mahorat. – T.: "O`qituvchi" 2003.
3.Xalq ta'limi jurnali 2015. 2-son.
4.Daniyorov Baxtiyor Xudoyberganovich. AVXTXQTUMO institutida tinglovchilarga so`zlagan nutqi. 2015.10.15.
5.M.S.Divanova, M.E.Inoyatova, X.Tangirov. " Matematika fanidan electron o`quv qo`llanma va uni yaratishning nazariy- amaliy negizlari".(4-sinflar uchunuslubiy va elektron o`quv qo`llanma) Toshkent – 2013.
6.O`ktamjon Ohunov. " Pedagagik texnologiyalar asoslari" maruza matnlari. Andijon – 2015.
7.M.Abdullayeva. "Pedagogikaning dolzarb masalalari" ma'ruza matnlari . Andijon – 2014.

[4] Daniyorov Baxtiyor Xudoyberganovich. AVXTXQTUMO institutida tinglovchilarga so`zlagan nutqi. 2015.10.15.

[5] M.S.Divanova, M.E.Inoyatova, X.Tangirov. " Matematika fanidan electron o`quv qo`llanma va uni yaratishning nazariy- amaliy negizlari".(4-sinflar uchunuslubiy va elektron o`quv qo`llanma) Toshkent – 2013. 51-bet.

[6] M.Abdullayeva. "Pedagogikaning dolzarb masalalari" ma'ruza matnlari , Andijon – 2014.

**UDK 37.013.46**

# UZLUKSIZ TA'LIM TIZIMIDA O'QITUVCHI TARBIYACHI KASB FAOLIYATI MAZMUNI

**Matjanova Baxtigul Saparbay qizi**
Nukus Davlat pedagogika instituti
Turkiy tillar fakulteti 2-bosqich talabasi
**Мирзаева Раъно Абдумажитовна**
Самарканд ихтисослаштирилган
олимпия захиралари мактаб интернати
табиий фанлар метод бирлашма рахбари
Самарканд шахар, Ўзбекистон

***Annotatsiya***: *Ushbu maqolada uzluksiz ta'lim tizimida barkamol shaxsni tarbiyalashda o'qituvchining tarbiyachi sifatidagi faoliyati mazmuni yoritilgan. Bo'lajak o'qituvchilarda tarbiyachilik malakalarini tarkib toptirishning nazariy-amaliy jihatlari haqida fikr yuritilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *o'qituvchi, tarbiyachi, o'qituvchi-tarbiyachi, kasb faoliyati, ta'lim, tarbiya, uzluksiz ta'lim, uzluksiz tarbiya, uzluksiz ta'lim tizimi, ma'naviy-axloqiy tarbiya.*

2017–2021-yillarga mo'ljallangan "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi", O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Yoshlarni ma'aviy-axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta'lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarish chora-tadbirlari"ga muvofiq, ta'lim bosqichlarining uzluksizligi va izchilligini ta'minlash, ta'lim-tarbiyaning zamonaviy metodologiyasini yaratish, o'quv adabiyotlarining yangi avlodini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish hamda pedagog xodimlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish taqozo etiladi.

Uzluksiz ta'lim tizimida ishlaydigan har bir mutaxassis kasbiy pedagogik ma'lumotga ega bo'lish bilan cheklanmasdan, aynan shu yoshdagi o'quvchilarga ta'lim va tarbiya berishga maxsus tayyorgarlik ko'rgan bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Bo'lajak mutaxassislar o'zini o'qituvchi sifatida emas, ixtisoslik sohasida kasbiy kamol topishga ko'proq e'tibor qaratmoqda. Natijada bunday kadrlar pedagogik faoliyat yuritganda ixtisoslik fanidan chuqur bilim berishga harakat qiladi, lekin tarbiya jarayonining o'ziga xos qonuniyatlari, tamoyillari, mazmun-mohiyati, metodlari, vositalari va shakllarini professional darajada tatbiq etishga qiynaladi. Ular uzluksiz ta'lim tizimida yoshlarga ustoz-murabbiy bo'la olishi, har tomonlama ibrat, namuna ko'rsatishi davr talabiga aylandi. Shuning uchun ham uzluksizta'lim tizimi uchun o'qituvchi tayyorlashda bir qancha jihatlarga alohida e'tibor qaratish talab etiladi:

— o'z fanini mukammal darajada bilish va amaliy faoliyatda tatbiq etishi;
— psixologik-pedagogik bilimlar bilan qurollangan bo'lishi, milliy urfodat, an'ana, qadriyatlardan xabardor bo'lishi;
— o'zidagi shaxsiy-kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarni o'quvchilarga yetkaza olishi;

Ta'lim-tarbiya jarayonining pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari tatbiqi bilan bog'liqligi insoniyat tamaddunining avloddan— avlodga uzatuvchi axborot sivilizatsiyasi deb yuritiladi.Ta'lim jarayonida integratsiya bilim va ko'nikmalar majmuasini kengaytiruvchi manba vazifasini bajargan bo'lsa, tarbiya jarayoniga xos integratsiya uzluksiz tarbiya tizimini bog'lovchi mexanizm vazifasini o'taydi. Buning uchun quyidagi pedagogik vazifalarni hal etish lozim bo'ladi:

— o'qituvchi-tarbiyachiga kasb faoliyatini takomillashtirishga qaratilgan shart-sharoitlar yaratish;

— shaxsga yo‘naltirilgan ta’lim mohiyatini belgilovchi o‘quv seminarlar, seminar-treninglar tashkil etish (yosh mutaxassislar va professor-o‘qituvchilarga mo‘ljallangan);
— uzluksiz ta’lim-tarbiya tizimida o‘qituvchining tarbiyachilik faoliyati samaradorligini aniqlash.

Olib borilgan kuzatishlar natijasi barkamol shaxs tarbiyasi quyidagi talablarni o‘z ichiga olishi aniqlandi. Bular:
— yoshlarni kasbga to‘g‘ri yo‘naltirish va kelajak orzu-rejalarining ro‘yobga chiqishida o‘z hissasini qo‘shish;
— pedagogik faoliyatga ijodiy yondashish;
—o‘quvchi va talaba yoshlarda kitobxonlik fazilatini shakllantirishga e’tibor qaratish;
— “Oila” ilmiy-amaliy tadqiqot markazida Yoshlar ittifoqi bilan hamkorlikda talabalarni mustaqil hayotga, oila qurishning o‘ziga xos xususiyatlarini bilishga tayyorlab borish, tegishli maslahat va tavsiyalar berish (yigit-qizlarni oilaviy hayotga tayyorlash klublarini tashkil qilish);
— kafedra qoshidagi “ustoz-shogird” maktabi orqali yoshlar muammosini o‘rganuvchi tadqiqot ishlarini samarali olib borish;
— bo‘lajak mutaxassislarda o‘z-o‘zini va kasbiy o‘z-o‘zini tarbiyalash uyg‘unligiga erishish;

Taqiqotlar natijalari bugungi o‘quvchi va talaba-yoshlarni ma’naviy-axloqiy qadriyatlarimizni o‘rganishga bo‘lgan qiziqishlari tobora ortib borayotganligini ko‘rsatdi. Shu nuqtayi nazardan kelib chiqib, tarbiyachining kasbiy faoliyatini rejalashtirishga tizimli va shaxsiy faoliyatli yondashuv talab etiladi. Tarbiyashunoslik nazariyasi va uning metodikasi o‘qituvchi-tarbiyachidan ilmiy-nazariy hamda metodik bilim, tajriba egasi bo‘lishni talab etadi. Nazariy bilimlarni amaliyot darajasiga olib chiqa olgan o‘qituvchi-tarbiyachi kasbiy mahorat sirlarini egallash imkoniga ega bo‘ladi.

Tarbiyashunoslik nazariyasi va amaliyotida ters aloqa mexanizmining ishlab chiqilishi tarbiya samaradorligini oshiradi hamda kafolatli natijaga erishishni ta’minlaydi. Tadqiqotga oid izlanishlar va ilg‘or pedagogik tajribalar o‘qituvchi-tarbiyachi kasbining, o‘z tabiatiga ko‘ra, hamisha ijodiy, yangilik va bunyodkorlikka boy bo‘lgan amaliy faoliyatdan iborat ekanligini ko‘rsatdi. O‘qituvchi-tarbiyachi ko‘z o‘ngida mamlakat fuqarosi shakllanadi.

## FOYDALANILGA ADABIYOT:

1. Nurumbekova Ya. Tarbiyachi kasb faoliyatida innovatsion texnologiyalar. — Guliston: Ziyo, 2012. — B. 22.
2. Jalolov J. J Chet tilini o’qitish metodikasi: Chet tillar oliy o‘quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. — T.: O‘qituvchi, 2012.
3. Кокорин О.С. Развитие коммуникативной компетенции: исторический аспект, URL: http// aspirantura-olimpaida.narod.ru/ondex/0–85. (дата обращения 01.11.2015)136

**UDK 37.013.46**

# БОЛА ТАРБИЯСИ - МУҲИМ МАСАЛА

**Рузметова Раьно Кадамбоевна**
Урганч шахридаги 8-сонли мактабнинг бошлангич синф ўқитувчиси
Хоразм вилоят Ўзбекистон

***Аннотатция:*** *Фарзанд ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи, бахти. Ҳар бир ота-она фарзандини сиҳат-саломат, бахтли бўлишини, ҳаётда бирор яхши ном қолдиришини орзу*

*қилади. Бола инсонийликни дастлаб ота-онасидан олади. Шундай экан ота-она биринчи ҳаёт муаллими ҳисобланади. Улар болаларни ҳаётга ўргата бошлайдилар. Меҳр-муҳаббат эса ана шу катта ҳаёт жараёнида тўғилади. Шунингдек, ёш авлод камолида таълим-тарбия тўғри йўлга қўйилишининг аҳамияти катта. Болани ёшликдан тўғри тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг масъулиятли ва шарафли бурчидир.*

***Калит сўзлар:*** *Сабр- токат, каноат, садокат, халолик, оила багри.*

Бола ота-онадан андоза олади. Оилада топа олмаган мехрни узга макондан излайди. Сабр-токат, каноат садокат халолик оила багрида шаклланади. Одатда болалар ҳар нарсага қизиқувчан бўлишади. Уларнинг ўзлари тўшунмаган саволларига ота-она, яқинлари ҳеч эринмай ширин сўз билан тўлиқ, тўғри жавоб беришлари зарур. Бундан ташқари, болаларда тақлидчанлик ҳисси кучли. Улар кўпроқ ота-оналари, ўқитўвчиларига тақлид қиладилар. Бу нарса яхши, лекин улар яхши нарсани ҳам, ёмон нарсани ҳам тақлид қилаверадилар. Баъзи ота-оналарнинг ўзлари меҳнаткаш, фарзандлари эса дангаса, ялқов бўлиб ўсади. Бирор ишни бажаришини айтсангиз ақл ўргатадиганлар хилидан бўлишади.

Бола ота-онадан андоза олади. Оилада топа олмаган мехрни узга макондан излайди. Сабр-токат, каноат садокат халолик оила багрида шаклланади.Мактабда такомиллашади. Оилада тарбия яхши булса, боланинг атрофдагилар билан муомаласида, муносабатида хам сезилади. Яхши булса, хуп, акси булсачи, барчага, айникса, синф рахбарига муаммо олиб келиши тайин. Айтайлик ота:” Болам, мени уйда йук деб айт! ” дейди .Шу кундан бошлаб боланинг ёлгон гапириш рефлекслари ишга тўшади. Хар хил ёлгон тўкийди. Аслида ота – она –биринчи муаллим . Уларга тўгри сузликни ў ргатмок жоиз. Боланинг кунглини самимият билан тўлдирайлик. Фарзандларимиз калбида униб чиккан окибат, гурур, орият,уларга йулчи юлдуз булсин.

Ўқитувчи бўлиш ҳам осон эмас. Чунки, Ўқитўвчилик феъли кенгликни, самимийликни ва болажонликни талаб этади. Оилада болаларнинг ақлий фаолиятини тараққий эттириш учун ҳамма қулай имкониятлар мавжуд бўлишини таъминлаш катталар зиммасида. Негаки, оила ўз хусусиятларига кўра кичкина бир корхона ҳисобланади.

Ақлий тарбия ва меҳнат кўникмасисиз бола камолотини тасаввур этиш қийин. Кузатишлардан аёнки, бола ўсмирлик даврида ўзини деярлик мустақил кишидай ҳис қилади. Болалар ота-оналари доимо ўгит-насиҳат қилишларидан, уларни тўшунмасликлари, кескин, қўпол муомалада бўлишлари ва эътибор бермасликларидан хафа бўладилар. Шу боисдан бўлса керак, мутасаддилар ўқитўвчиларнинг кўпчилиги ота-оналар ўз фарзандлари тарбиясига етарли эътибор бермаслигини интизомсизликнинг асосий сабаби, деб ҳисоблашмоқда. Баъзилар боланинг меҳнатга бўйин эгмаганлигига, ялқов бўлиб ўсаётганлигига таълим масканларини айблашади. Юзаки қараганда бу фикр тўғридек тўюлади. Чунки боланинг кўп вақти боғча, мактабда ўтади. Ота-онаси эса кун бўйи ишда бўлади. Аммо бу билан ўқитўвчи айбдор, деган хулоса келиб чиқмайди. Донишмандлардан бири “Тартиб интизомнинг енг зур мактаби - оила ” ,деган эди. Фарзанд оилада интизомли булса , мактабга уз вактида боради ,яхши Ўқийди ,устоз угитини кулокка олади .

Тарбияда болага дўстона муносабат муҳим. Оилада ота-она бўлса, таълим муассасаларида устозлар боланинг фикрлари, тўйғулари, ташвиш - хавотирлари, хулқи, одобини чукур ўрганиб, у билан яқин муносабатда бўлсаларгина уларнинг кўнглига йўл топа оладилар ва кўзланган мақсадга эришадилар. Атрофидаги яқин кишилари, устозларининг қандай фойдали иш билан шуғулланишаётганини кўрган бола, албатта, уларга ҳавас кўзи билан қарайди. Ўзи ҳам уларнинг изидан бориш, уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Ўзига, ҳаётга бўлган ишончи янада ортади. Бунинг учун қанча кўп билим олиш, ўқиб-ўрганиш лозимлигини англаб етади. Юртига фойдаси тегадиган, маърифатли, комил инсон бўлиб етишишга ҳаракат қилади.

Шуни унутмайликки, ўзи яшаб тўрган маҳалладаги қўни-қўшнини ҳурмат қилишни, таълим олаётган илм даргоҳини авайлаб-асрашни, ота-онаси олдидаги фарзандлик бурчини чуқур англашни, яхши муомалани бола энг аввало, оиладан, мактабдан, қолаверса, ён-атрофидаги дўстларидан ўрганади. Ота-оналарнинг юксак маънавияти, қилаётган меҳнати, дарёдай тўлиб-тошган меҳри фарзандлари учун ҳамиша қадрли бўлиши зарур. Ёш авлод азиз ота-оналари ва кексаларни ҳамиша ардоқлашлари улар олдидаги юксак фарзандлик бурчи эканлигини доим эсда тўтишлари лозим. Хаетимизнинг хар бир сониясида бола тарбиясига маьсуллигимизни есдан чикармайлик. Ҳамкорликда ҳикмат кўп. Маҳалла аҳллари, ота-оналар, ўқитўвчилар ёшларнинг талаб ва истакларига пешвоз чиқишлари, уларнинг ҳаётда қоқилишларига йўл қўймасликлари муҳим вазифа эканини унутмайлик!

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1.Shavkat Mirziyoyev “Erkin va farovon, demokratik O’zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz” Toshkent 2016-yil 14-bet.
2.www.ziyonet.uz
3.www.kitobxon.com
4.www.marifat.uz

UDK 37.013.46

# TA'LIM JARAYONIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR FOYDALANISH

**Xadjiyeva Dilbar Zaynidinovna**
Qibray tumanidagi 16-umumiy o'rta ta'lim maktabi
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi
Xalq maorifi a'lochisi
Toshkent viloyati O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Maqolada bugungi kunda dolzarb bo‘lgan innovatsion metodlarni ta'lim jarayonida ya'ni pedagogika sohasida foydalanish texnologiyasi va usullari haqida yoritilgan. Ta'lim tizimida ushbu uslublardan foydalanishning usullari haqida ma'lumot berilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *kadrlar, malaka, davr, texnologiya, innovatsion faoliyat,*

Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirishdagi asosiy tamoyillardan biri - bu ta'lim tizimini tuzilish va mazmun jihatidan isloh qilish uchun o`qituvchi va murabbiylarni qayta tayyorlash, yuqori malakali, raqobatga qodir mutaxassislar tayyorlash bo`yicha ta'lim muassasalarining faoliyatini uyg`unlashtirish, ilg`or pedagogik texnologiyalarni, pedagogik innovatsiyalarni ta'lim jarayoniga kiritish hisoblanadi.

Bugungi kunda pedagogika sohasida yangi ilmiy yo`nalish - pedagogik innovatsiya va ta'lim jarayonini yangilash q`oyalarining paydo bo`lishi natijasida o`qituvchining pedagogik faoliyatida ham yangi yo`nalish «o`qituvchining innovatsion faoliyati» tushunchasi paydo bo`ldi. «Innovatsion faoliyat» tushunchasini tahlil qilar ekanmiz: G.A.Mkritichyanning bu haqdagi fikri diqqatga sazovar: - «Pedagogik tajriba-sinov faoliyatining 3 ta asosiy shaklini ajratish mumkin: xususiy tajriba, tajriba-sinov ishi, o`qituvchining innovatsion faoliyati. Pedagogik faoliyatda innovatsiyalar qancha ko`p bo`lsa, o`qituvchi xususiy eksperimentni shuncha yaxshi tushunadi».

Innovatsion faoliyat – pedagogning o`z kasbini takomillashtirishdagi mavjud shakl va vositalarni egallashga ijodiy yondashuvini nazarda tutadi. Ta'limdagi innovatsiyalar va

innovatsion pedagogik faoliyat haqida barqaror va hammaga ma'qul bo`lgan ilmiy tasavvurlar va tasniflar shu paytgacha mukammal tarkib topgan emasligini ham e'tirof etish lozim. Bunday holatning asosiy sabablaridan biri ta'limga yo`naltirilgan ilmiy bilimlar tizimlari o`rtasidagi qiyinchilik bilan engib o`tiladigan uzilishlardir. Innovatsiya -amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo`lib, ijtimoiy-madaniy ob'ekt sifatlarini yaxshilashga yo`naltirilgan ijtimoiy subyektlarning harakat tizimidir. Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo`lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlar.Bugun ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni quyidagicha tasniflash ma'qullanmoqda:

- Faoliyat yo`nalishiga qarab (pedagogik jarayondagi, boshqaruvdagi);
- Kiritilgan o`zgarishlarning tavsifiga ko`ra (radikal, modifikatsiyalangan, kombinatsiyalangan);
- O`zgarishlar ko`lamiga ko`ra (lokal, modulli, tizimli);
- Kelib chiqish manbaiga ko`ra (shu jamoa uchun ichki yoki tashqaridan olingan).

Innovatsiyaning amaliyotga kiritilishi innovatsion jarayonlarda amalga oshiriladi. Innovatsion jarayon deb - innovatsion o`zgarishlarga tayyorgarlik ko`rish va uni amalga oshirish jarayoniga aytiladi. Innovatsion faoliyat - pedagogik jamoani harakatga keltiruvchi, olq`a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuchdir. «Innovatsion faoliyat – bu yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi, yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yorining mavjud me'yor bilan to`qnashuvi natijasida vujudga kelgan majmuali muammolarni echishga qaratilgan faoliyatdir»,-deb ta'kidlaydi V.I.Slobadchikov.

O`qituvchilarni innovatsion faoliyatga tayyorlash muammosiga murojaat etish jamiyatda innovatsion jarayonlar dinamikasining o`sib borayotganligini tushunish natijasida vujudga keldi. Uning tahlili faqat fan va texnika erishgan zamonaviy yutuqlardan foydalanishni o`z ichiga olmasdan, balki yangiliklarni izlash, yaratish, moslashtirish, tatbiq etish va olingan natijalarni qayta tekshirish kabi jarayonlarni ham qamrab oladi.

Innovatsion faoliyatning tuzilishini o`rganib chiqqan olimlardan biri V.Slastenin uni quyidagicha tuzilishga ega deb ko`rsatib o`tadi: «Innovatsion faoliyatning tuzilishi-ijodiy yondashuv, ijodiy faollik, yangilikni kiritishga texnologik va metodologik tayyorgarlik, yangicha fikrlash, muomala madaniyati.

«Innovatsion faoliyat o`qituvchining o`z faoliyatidan qoniqmasligidan kelib chiqadi. U o`qituvchi tomonidan u yoki bu pedagogik vazifani hal qilishda qandaydir to`siqqa duch kelinib, uni muvaffaqiyatli hal etishga intilish asosida yuzaga keladi». Innovatsion faoliyat yangi q`oyani izlashdan boshlanadi. Pedagogik innovatsiya ta'lim-tarbiya jarayonidagi muhim va murakkab masala echimiga yo`nalitirilganligi sababli o`qituvchidan yangicha yondashuvni talab qiladi.

Xulosa qilib aytganimizda, innovatsion faoliyat – bu ilmiy izlanishlar, ishlanmalar yaratish, tajriba – sinov ishlari olib borish yoki boshqa fan-texnika yutuqlaridan foydalangan holda yangi texnologik jarayon yoki yangi takomillashtirilgan mahsulot yaratish bo`lib, uning progmatik xususiyati shundaki, u q`oyalar maydonida ham va alohida bir sub'ektning harakat maydonida ham amalga oshirilmaydi, balki bu faoliyatni amalga oshirish tajribasi kishilar hayotida hammabop bo`ladigan holdagina haqiqiy innovatsion hisoblanadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Uzluksiz ta`lim sifat va samaradorligini oshirishning nazariy-uslubiy muammolar‖ Ilmiy konferensiya materiallari. – Samarqand: SamDU nashri.
2. F.Zakirova va boshq.Elektron o`quv-metodik majmualar va ta`lim resurslarini yaratish metodikasi. Metodik qo`lkanma, T.: OO`MTV, 2010. – 57b.
3..www.ziyonet.uz

**УДК 37.013.46**

# СЕГОДНЯЩНЕЕ ОБУЧЕНИЕ - ФУНДАМЕНТ ДЛЯ ЗАВТРАШНЕГО БУДУЩЕГО!

**Мавлонова Ситорабону студентка**
Гулистанского Государственного Университета
**Шарипова Дилдора Иззатуллоевна**
учитель биологии, 36 общеобразовательная школа
Гиждуванский район, Бухарская область
**Наймахан Махаммаджанова Улугбек кызы**
Сырдарьинского областного техникума
Сырдаря Узбекистан

***Аннотация:*** *Образование- мост в будущее, Информационные технологии в обучении, Обучение и воспитание не разрывны.*

***Ключевые слова:*** *образование, молодёжь, обучение, информационные технологии, идеальный человек.*

«Молодежь - решающая сила нашего сегодняшнего и завтрашнего дня»

Отличительной особенностью реализуемой под руководством Главы нашего государства с первых дней независимости политики кардинальных реформ, направленных на строительство процветающего демократического государства и общества, является ее четкая социальная направленность.

Сегодня более 60 процентов населения Узбекистана составляет молодежь. Поэтому ключевым приоритетом всех позитивных преобразований в стране стала забота о воспитании гармонично развитого подрастающего поколения — физически здорового и духовно зрелого, интеллектуально богатого, обладающего не только разносторонними знаниями и востребованными в современном мире профессиями, но и умеющего самостоятельно, творчески мыслить.

Прочным правовым фундаментом данной сферы стали положения Конституции нашей республики. Важным шагом в данном направлении стало принятие 20 ноября 1991 года Закона «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан», который поднял вопрос внимания к подрастающему поколению в нашей стране на уровень государственной политики.

Важно отметить и Национальную программу по подготовке кадров, которая, по мнению международных экспертов, не имеет в мире аналогов по своей значимости и масштабам.

Высокую результативность работы в данном направ лении также обеспечивает расширяющееся социальное партнерство между органами государственной власти и управления и общественными структурами, в том числе Комитетом женщин Узбекистана, общественным движением молодежки "Союз молодёжи", благотворительным общественным фондом «Махалла», неправительствинным благотворительным фондом «Соглом авлод учун», фондом Президента «Истеъдод» и другими.

Информационные технологии в обучении

Информационные технологии обучения — это совокупность электронных средств и способов их функционирования, используемых для реализации обучающей деятельности. К ним можно отнести:

— электронные компьютерные учебники;

— учебные базы данных;

— тестовые и контролирующие программы и другие компьютерные средства, позволяющие хранить, передавать учебную информацию и проверять правильность ее усвоения учащимися;
— компьютерные тренажеры;
— компьютерные лабораторные практикумы;
—экспертно-обучающие системы, которые позволяют студенту в ходе учебного исследования добывать знания по изучаемой предметной области.

По дидактической направленности современные компьютерные технологии делятся на два класса:
— системы программированного обучения;
интеллектуальные системы обучения.

Adobe Dreamweaver web-saytlar va web-ilovalarni yaratish, boshqarish va nashr etish uchun maxsus web-ishlab chiqish vositasidir.Adobe lnc. tomonidan ishlab chiqilgan, Dreamweaver-bu web-sayt yaratish, web-dizayn jamoasi bilan hamkorlik qilish yoki har qanday joyda web-dizaynni tezkor ishlashiga yordam beradigan sohoda yetakchi web-dasturiy ta'minot hisoblanadi. Dreamweaver hanuzgacha u yerda mavjud bo'lgan eng mashhur va keng tarqalgan professional web-dizayn dasturlaridan biri bo'lib kelmoqda.Vizual ravishda yoki kod yordamida dizayn uchun juda ko'p kuch va moslashuvchanlikni taklif etadi.Yillar davomida Dreamweaver web-saytlarni yaratish va boshqarish uchun afzalroq dastur bo'lib, dasturchilar va ishchilar uchun ijodiy muhitni taminlaydi .

Albatta o'quvchilarga Adobe Dreamweaver muharrirlaridan foydalanganimizda birinchi navbatda interfeysi haqida ma'lumot berib o'tamiz va Bloknot matn muharriri bilan farqini tushintirib o'tiladi.

Interfeys deganda informatikada dasturdagi turli komponentlar va foydalanuvchi o'rtasidagi o'zaro aloqani taminlovchi vositalar va qoidalar yig'indisi tushuniladi. Dreamweaver paketi taklif etadigan muomala usuli zamonaviy foydalanuvchi uchun odatiy bo'lib qolgan grafik oynali interfeys printsiplariga asoslanadi. Dreamweaver paketi o'sha sinfdagi boshqa dasturlar bilan taqqoslaganda ancha aniq, moslashuvchan va shu bilan bir paytda kuchli interfeys hisoblanadi.

Menyu qatori - bu Windows ning ixtiyoriy ilovasining zaruriy atributidir. U komandalarga, muloqot oynalariga, tugmalarga yo'l ochadi, ular yordamida hujjat yaratish, dasturni sozlash, vizuallashtirish jarayonini boshqarish kabi samarali ishlar bajariladi. Menyu qatorining har bir bandi vazifasi jihatidan bir- biriga yaqin kiritilgan menyu va kichik menyular ierarxiyasini hosil qiluvchi buyruqlar guruhini birlashtiradi. Bu bandlarning qisqacha tavsifini keltiramiz.

File menyusi (Fayl) fayllar bilan bog'liq buyruqlarni, gipermatnli hujjatlar shablonlari bilan ishlash, eksport qilish, import qilish va brouzer dasturlarida ko'rish buyruqlarini o'z ichiga oladi.

Edit (Pravka) menyusiga tahrirlash va qidirish bilan bog'liq buyruqlar kiradi.

View (Vid) menyusi interfeysning yordamchi elementlarini va gipermatnli hujjat obektlarining ko'rinishlari ustida ishlovchi buyruqlarni o'z ichiga oladi.

Insert (Vstavka) menyusiga har-xil obektlarni import qilish buyruqlari kiradi: rasmlar, jadvallar, formalar, katlamlar, maxsus belgilar va boshqa obektlarni import qilish.

Modify (Izmenit) menyusi o'z ichiga gipermatnli hujjat obektlari atributlarini o'zgartirish buyruqlarini oladi.

Text (Tekst) menyusi o'z ichiga matnli fragmentlami hosil qilish va ularni formatlash bilan bog'liq buyruqlami o'z ichiga oladi.

Commands (Komandbi) menyusi gipermatnli hujjatlarni avtomatik qayta ishlash buyruqlarini o'z ichiga oladi.

Menyu qatorining Site (Sayt) bo'limi sayt bilan ishlash vositalari va gipermatnli hujjatlar bilan bog'liq murakkab tizimlar vositalarini o'z ichiga olgan.

Window (Okno) menyusi dasturga tegishli palitralar, panellar va muloqot oynalarini o'rnatish va olib tashlash bilan bog'liq buyruqlami o'z ichiga oladi.

Help (Spravka) menyusida dasturdan foydalanish haqidagi interaktiv malumotlarni chaqirish, elektron qo'llanmani chaqirish kabi buyruqlar joylashgan.

Uskunalarlar paneli dasturning asosiy dispetcherlik (nozimlik) pulti vazifasini bajaradi. U eng ko'p ishlatiladigan buyruqlar va tahrirlash resurslarini chaqirish tugmalarini birlashtiradi. Bu ixchamgina panel kiritilgan menyu va kichik menyular tizimi navigatsiyasi bilan bog'liq sarf-harajatlarni anchagina qisqartiradi.

Unda joylashgan barcha boshqaruv elementlarini sanab o'tamiz (chapdan o'ngga).

Code View (Rejim razmetki) - gipermatnli hujjatning faqat belgili kodlari tasvirlanadi. (dizayni tasvirlanmaydi).

Code and Design View (Rejim razmetki i planirovki). Tugmasi bosilganda hujjat oynasi ikki qismga ajraladi: birinchi oynada belgili kodlar beriladi, ikkinchi oynada esa gipermatnli sahifaning dizayni, ya'ni tashqi ko'rinishi beriladi.

Design View (Rejim planirovki). Dasturda ishlashning vizual - WYSIWYG rejimiga o'tish tugmasi.

Title (Zagolovok) - bu matnli maydon hujjatning sarlavhasini kiritishga mo'ljallangan.

File Management (Upravlenie faylami) - tarmoqda malumot almashish uchun xizmat qiladigan fayllar bilan ishlash buyruqlaridan tarkib topgan menyuni ochish tugmasi.

Pteview/Debug in Btowset (Prosmotr/otladka v brouzere) - tugmasi gipermatnli hujjatni ko'rish va undagi Java Sctipt kodlarini tanlangan brouzerda ishlash yoki ishlamasligini tekshiruvchi buyruqlaridan iborat menyuni ochadi.

Teftesh Design View (Obnovit stranitsu) - bu buyruq berilgandan so'ng, hujjatning belgili matnlarida bo'lgan barcha o'zgarishlar loyihalash rejimiga uzatiladi. Ana shu vaqtda kodlarni interpritatsiyasi va sintaksik tekshiruv boshlanadi. Xato fragmentlari sariq rangda ko'rsatiladi. To'g'rilari esa sahifada tasvirlanadi.

Tefetence (Spravka) - tugmasi elektron malumotli qo'llanmani ekranga chiqarib beradi. Bu qo'llanmada gipermatnli belgilash tili deskriptorlari ifodalangan.

Code Navigation (Navigatsiya po kodam) - tugmasi Java Sctipt tilida yozilgan belgili kodlarni tuzatishni boshqaruv buyruqlaridan tarkib topgan menyuni ochadi.

View Options (Parametral otobrajeniya) - tugmasi hujjat oynasining qo'shimcha elementlari vizualizatsiyasini boshqaruvchi buyruqlar menyusini ochadi. Bu menyuga asosiy menyu qatoridagi View menyusining bir necha buyruqlari kiradi.

Edite Sizees (O'lchamlarni to'g'rilash) ning oxirgi bandi hujjat oynasining o'lchamlarini tanlash va ularni standartlar ro'yxatiga kiritish imkonini beradi. Ekranda Ptefetences (Sozlashlar) muloqot oynasi paydo bo'ladi, unda Width (kenglik, eni) maydonida-kenglik, Hight (balandlik) maydonda esa soha balandligi belgilanadi. Yangi standartning matnli tavsifi Desctiption (tavsiya) maydonida ko'rsatiladi.

Barcha o'lchamlar dastur oynasining xizmat elementlarini: o'lchov chiziqlari va menyu qatorini inobatga olmasdan hisoblab chiqiladi. Faqatgina hujjat va uning obektlari uchun ajratilgan ishchi soha hisobga olinadi. Dreamweaver dasturida holat qatorining balandligi, chap va o'ng maydonlar eng ommaviy brouzerlar Mictosoft Explotet va Netscafe Navigatot larning shunga o'xshash o'lchamlariga asosan tanlab olinadi.

Kontekstli menyu Windows operatsion tizimining xatto boshlovchi foydalanuvchilari uchun ham yaxshi tanish. Boshqaruvning bu standart usuli ushbu operatsion tizimi boshqaruvida ishlovchi ko'pchilik ilovalar (dasturlar) tomonidan ko'p qo'llaniladi. Uning mohiyati sodda.

Sichqonchaning o'ng tugmasini hujjat oynasining obekti ustida bosilsa, ekranga obekt turiga bog'liq bo'lgan mazmunli menyu chiqadi. Bu menyuda shu obektga tegishli yoki ushbu holatda talab qilinishi ko'proq ehtimolligi bor bo'lgan buyruqlar to'plangan.

Dreamweaver dasturining barcha versiyalari kontekstli menyu bilan aloqada bo'ladi. Kontekstli menyuning o'lchamlari buyruklari safi kengaydi, qo'shimcha darajalarga ega bo'ldi va endi har qanday holatda chaqirilishi mumkin.

Property Inspectot palitrasi Property Inspectot (Inspektor svoystv) palitrasi — bu dasturning asosiy instrumentidir. HTML sahifasida joylashgan obektlar atributlarini o'zgartirish ishlarining asosiy qismini uning yordamida bajariladi.

Property Inspectot palitrasi ko'chib yuruvchi palitradan iborat bo'lib, uning tarkibi bajarilayotgan operatsiyaga, tanlangan obekt turiga va kursorning holatiga qarab, mos ravishda o'zgarib turadi. Palitrani ekranga chiqarish uchun quyidagi Window > Properties (Okno > Svoystva) buyruqni berish yoki CTTL+F3 tugmalar kombinatsiyasini bosish kerak. Bu buyruqni qaytadan berish palitrani ekrandan olib tashlaydi.

Dreamweaver o'zining bir qancha qo'shimcha funktsiyalari bilan foydalanuvchilarga manzur bo'ldi: birinchidan, Dreamweaver barcha palitralari erkin holatda turadi. Ularni qayerga surib qo'ysangiz o'sha yerda joylasha oladi. Bu esa monitorning ish maydoni xududini boshqaruvning xizmatchi elementlari va hujjatning oynasiga eng optimal bo'lish imkonini beradi. Ikki monitorli tizimda ishlaydigan foydalanuvchilar barcha yordamchi oyna va palitralarni bitta monitorga joylab, ikkinchisida esa hujjatlar bilan ishlashi mumkin. Ikkinchidan, dastur palitralari birlashish xususiyatiga ega. Uchinchidan, barcha ochiq palitralarni dastur ish stolidan olib tashlovchi buyruq mavjud. Bu operatsiyalarni F4 tugmasini bosish bilan ham bajarish mumkin. Bu tugmani takror bosish esa yana tiklash imkonini beradi.

Bu muharrirlarda yaratilgan web-sahifa bir hil bo'ladi, lekin Adobe Dreamweaver muharririda web-sahifa yaratish jarayonida teglarni bitta harfi yozilsa qolganini yozilishga tanlov oynasi chiqadi, rang tizimida ham huddi shunday oyna chiqadi, rasm joylaganimizda esa rasm manzilini ustiga yurgizgichni qo'ysak joylangan rasmlarni ko'rsatib turadi.Bu imkoniyatlarning hammasi o'quvchida qiziqish uyg'otadi.

## FOYDALANILGAN ASOSIY MANBALAR

1.M Aripov, B.Begalov va boshqalar. Axborot texnologiyalari. O'quv qo'llanma- T.: "Noshir", 2009 y.

2.M.Mamarajabov, S.Tursunov. Kompyuter grafikasi va Web dizayn. Darslik. T.: "Cho'lpon", 2013 y.

3.M.Aripov, M.Fayziyeva, S.Dottayev. Web texnologiyalar. O'quv qo'llanma. T.: "Faylasuflar jamiyati", 2013 y.

4.SH.Nazirov. Dastrurlash tillari. T.2007 y.

5.A.Saratovskaya, L.Nabiulina. Osnovbi HTML. Tashkent, "Aloqachi", 2007 g.

6.B.Boltayev, N. Taylaqov, A. Azamatov, M.Q. Sodiqov, A.D. Asqarov, G.A.Azamatova . Informatika. 9-sinf.-T.:Cho'lpon nashriyoti, 2015.

7.G'ulomov S.S. va boshq. Iqtisodiy informatika. –T.: O'zbekiston, 1999. 481-485 b.

8.M.Aripov va boshqalar. "Informatika va xisoblash texnikasi asoslari", oliy uquv yurtlari uchun, TTDU, 2002 y.

9.T.S.Safarov, Sh.U.O`roqov, R.R.Baxromov "Informatika va axborot texnologiyalari." Toshkent-2006 y.

**UDK 81-11**

# STIMULATING OF INDIFFERENT PUPILS DURING THE LESSONS

**Akramova Shohida Alimovna**
an English teacher of Quva district, school N 19
Ferghana, Uzbekistan

***Annotation:*** *This article is about the task of methods of stimulating indifferent pupils during the lessons. Effective ways to engage the student in the lesson.*

***Key words:*** *stimulating, knowledge, involve, indifferent.*

The task of education today is to enable students to work independently in the learning process in the context of a growing information-educational environment. During the course, each student must acquire a thorough knowledge of each subject.

Strengthening a new topic through the use of modern pedagogical methods, the use of innovative technology-factors that increase the effectiveness of education, the design and implementation of various pedagogical processes ensure that each student in the class has an in-depth knowledge of the lesson. It is necessary to innovative, make changes in the activities of teachers and learners in the educational process, to use interactive methods.

Assuming that there are about fifteen students in a class, not all of them can attend the same class. The reason for this is their interests, abilities, and daily moods. For example some students are more interested in the exact sciences or others interested in the humanitarian subjects. Still others are not interested in both. For this reason, or because of some family environment, condition, or the health of the child that day and any external influences, the student may not want to attend class. That is why at this point it makes sense for the teacher to use stimulation. Because, human is by nature created in this way: we cannot move without internal and external impulses, reminders and sometimes even coercion.

“**Stimulation** is sense of leading and motivating a person to do something.”

There is a saying, Understanding means forgiveness. If the student is not understood by the teacher, who will understand him. There will be no students who are not interested in anything. There will simply be students who cannot generate this interests. It is advisable for the teacher to find out the interests of such students during the lesson, through various questions or other types of games, and try to talk about things that interest them. Children should be treated with respect for their interests, opinions and assessments.

The tasks of the teacher is to direct the interests of students to the educational and didactic goals. To try to know the intention arises out of necessity. Once one of my student said Teacher I want to be a farmer and I don’t need foreign languages. And I had explained him that in order to achieve great success in farming, it is possible to study the experience of farmers around the world. It is especially important to know English and IT. A person who knows foreign languages should be taught that IT is very easy to learn.

The desire to gain respect is present in all people. Many children try to read not for knowledge but for attention. Students who give low self-esteem when they lose hope of being noticed. They want to go class, but if I say something wrong, my classmates laugh at me, or the idea that the teacher gets angry and gives a low grade overwhelms them. They struggle with themselves in class, whether they talk or not. The facilitator should help such students to shave off the enemy, such as fear and hesitation. They need to be explained that many people are unable to demonstrate their abilities because of the fear and reluctance they have. The teacher

should not leave the student alone in an environment that frightens him. If the student is afraid to answer in front of the board, he or she should deal with it individually. The role of the teacher is to help the student develop a sense of self-confidence. The teacher should not withhold words from the student such as **"I believe in you, "I have high hopes for you**, and have regular conversation with the student, such as **"**If he or she masters the subject well, he or she will get good grades**"**.
All the positive qualities in a student can be developed by putting his dignity in place.

Also use a little lie to get the child involved in the lesson if circumstances require it. Because to deceive is to tell a person exactly what he thinks of himself. The careless lie used by teacher can create a new flow of energy in the pupil. Today we live in an age of advanced information technology. There is no one who is not interested technology and gadgets. One of the most effective ways to engage a child in a lesson today is to effectively use non verbal information technology in the classroom. The lesson, combined with the miracle of technology,will not leave any student indifferent.

The future of our country, the future of our people, the prestige of our country in the world community depends of primarily on how educated and wise our children are.

**REFERENCES:**

1.Kaykovus "Qobusnoma. T., O'qituvchi" 1986 yil.
2.A. J. Jo'rayev. " Tarbiyaviy darslarni o'tish. T., O'qituvchi, 1994 yil
3.Z. Qo'ziyev. Sinf raxbar ishini tashkil etish va rejalashtiriash. T., 1997 yil

**UDK 37.013.46**

## BOSHLANG'ICH SINFDA FANLARARO INTEGRATSIYA ORQALI O'QUVCHILAR NUTQINI O'STIRISH USULLARI

**To'raboyeva Gulnora Latifovna**
Namangan shahar 48-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi
Namangan, O'zbekiston

***Annotatsiya****: maqolada boshlang'ich sinfda fanlararo integratsiya orqali o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirish usullari, darslarga ta'limiy o'yinlarni tadbiq etish orqali samaradorlikni oshirish metodlari va ta'lim jarayoniga o'yin topshiriqlarni qo'llash bo'yisha fikr-mulohazalar bayon etilgan.*

***Kalit so'zlar:*** *ta'limiy o'yinlar, o'yin-topshiriqlar, asosiy talablar, fanlararo integratsiya, "O'ylab top", "Kimning xotirasi kuchli?", "So'z tuzish", "Jumboq",* ***"****Belgilarini izohlash".*

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"ning asosiy yo'nalishlarida o'quvchilarda milliy dunyoqarashni shakllantirish tarbiyaning asosiy qismi ekanligi ko'rsatib o'tilgan. Erkin fikrlovchi, ijodkor, mamlakatimizning mustaqillik mafkurasiga sadoqatli bo'lgan barkamol shaxsni tarbiyalash maktablarda ta'lim samaradorligini oshirishni taqozo qiladi. Shu nuqtayi nazardan qaraganda, fanlararo aloqadorlik qonuniyatlarining yaratilishi, aloqadorlik tizimining tarkib topishi ta'limda istiqbolli vazifalar yechimini ta'minlaydi.

So'nggi yillarda amalga oshirilayotgan fanlararo aloqadorlik muammolari o'quvchilarni har bir o'rganilayotgan fanlar bo'yicha bilimlarni tez va puxta o'zlashtirishiga, ko'nikma va

malakalarini oshirishiga qaratilgan. Shu maqsadda ta’lim metodikasida o‘quvchilarning nutq faoliyati, ya’ni og‘zaki va yozma nutqlariga katta e’tibor berilmoqda. Ma’lumki, o‘quvchilarga ta’lim-tarbiya berishdan maqsad, ularda tez o‘zgarayotgan dunyoda o‘z o‘rnini topish, jamiyatda qiynalmasdan yashashi uchun zarur bo‘lgan hayotiy ko‘nikmalarni shakllantirishdan iboratdir. Buning uchun darslarda ilg‘or pedagogik va axborot kommunikatsion texnologiyalarini tadbiq etish ijobiy natija beradi. Boshlang‘ich sinf darslarida o‘qitishning turli usullarini qo‘llash orqali samaradorlikka erishishda ta’limiy o‘yinlar alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki ular darsning hayotiyligi, jonliligi, samaradorligi uchun xizmat qiladi, o‘quvchilarning faolligini ta’minlaydi. Tadqiqotlarga ko`ra ta’limiy o‘yinlarga qo‘yiladigan **asosiy talablar** quyidagilardan iborat: ta’limiy o‘yinlar o‘quvchilar yoshiga mos bo‘lishi; uni o’tkazilish maqsadi, ahamiyati belgilanishi; tanlangan o‘yinlar o‘tilayotgan mavzu mazmun-mohiyatiga mutanosib kelishi; o‘tkazish vaqti aniq belgilanishi shart. Shuningdek, ta’limiy o‘yinlar ham ta’limiy, ham tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lishi, o‘quvchilarning dunyoqarashini shakllantirishga yo‘naltirilishi lozim. Ana shundaginaqilingandagina ta’limiy o‘yinlar ta’lim samaradorligiga xizmat qiladi. Fanlararo bog‘lanishlarni to‘g‘ri amalga oshirish uchun o‘qituvchi buni hisobga olishi juda muhimdir.

Boshlang‘ich sinflarda fanlararo, ayniqsa, ona tili, o‘qish, tabiat, matematika fanlari bog‘lanishlarini amalga oshirish juda oson kechadi. Chunki barcha fanlarni bir o‘qituvchi olib boradi va shu sababli fanlararo bog‘lanishlar kengroq namoyon bo‘ladi. Buni tashkil etishda o‘qitish metodikasi oldiga bir necha vazifalar qo‘yilgan va ular asosida ko‘zlangan natijaga erishish mumkin:

O‘yin yordamida bolalar o‘rtasida muayyan munosabatlar o‘rnatilgan bolalar jamoalari yuzaga keladi. O‘yin vositasi boshqa hamma o‘qitish shakllaridan ustun va samarali hisoblanadi, chunki u bolalarning butun hayotini, shaxsiy faolligini, mustaqilligini yo‘lga qo‘yish imkonini beradi. Pedagog o‘yinni oqilona boshqarishni, undan ta'lim-tarbiya maqsadlarida foydalanishni o‘z oldiga maqsad qilishi zarur.

O‘yin orqali o‘quvchilarga ta’lim-tarbiya berishda o‘qish, ona tili darslari muhim rol o‘ynaydi. Birinchi sinf o‘quvchilari bilan mashg‘ulotlar olib borishda tabiatni kuzatish, ko‘rgazmali qurollar yordamida tashkil etiladi suhbatlar, didaktik o‘yinlar singari metodlardan foydalaniladi. Ma’lumki, didaktik o‘yinlar ko‘pchilik hollarda bolalarning dars jarayonida ma’lum bilim va ko‘nikmalarini hosil qilishlari asosida o‘tkaziladi. Bu xil mashqlarni bilim va ko‘nikmalarni shakllantirmasdan turib, tashkil qilish yaxshi samara bermaydi.

Didaktik o‘yinda bevosita takrorlash metodlaridan foydalanish kerak. Bundan maqsad darsda faol qatnashgan o‘quvchilarga tayanib barcha nofaol o‘quvchilarni ham o‘yinga jalb qilish hamda olgan bilim va ko‘nikmalarni takomillashtirishdan iborat.

"**O‘ylab top**" o‘yinning maqsadi o‘quvchilarni o‘quv qurollari nomlari bilan tanishtirish va ulardan foydalanishga o‘rgatish, narsalarning belgisi haqidagi bilimlarini mustahkamlash bo‘lib, uni darsga bo‘g‘lanadi. "**Kim tez topadi**?" o‘yinning maqsadi o‘quvchilarni maktabda ishlayotgan har xil kasb egalarining hayoti va faoliyati bilan tanishtirishdan iborat bo‘lib, kasb tanlashga o‘rgatish, mavzu yuzasidan olgan bilimlarini mustahkamlashga qaratiladi. Bundan tashqari ona tili darsida o‘qituvchi o‘quvchilar bilan **"Kimning xotirasi kuchli?"** o‘yinini ham o‘tkazishi mumkin. So‘z aytiladi, o‘quvchilar bu so‘zlarni eslab qolib daftarlariga yozadilar. So‘zlarning soni sanaladi va matematika faniga bog‘landi. Bu esa orfografik jihatdan ularning savodxonligini oshiradi, gap tuzish, fikrlash, esda saqlash qobiliyatini o‘stiradi. Shuningdek, to‘g‘ri talaffuz qilish, husnixat ko’nikmalariga ham ega bo‘ladilar va o‘z-o‘zini nazorat qilish boshqarishni o‘rganadilar. Qolaversa, bunday mashg‘ulotlar yuqori sinfga borganda mustaqil bayon va insho yozish uchun mustahkam poydevor hozirlaydi. Shuning uchun ham boshlang’ich maktabning muhim vazifalaridan biri, kichik yoshdagi o‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini o‘stirishga qaratilgandir. Shubhasiz, hamma fanlar o‘quvchilarning lug‘at boyligini o‘stirishga, imlo savodxonligini oshirish va nutq malakalarini rivojlantirishga xizmat qiladi.

Ta'limda sifat va samaradorlikka erishishda o'quvchilarning o'qishi, o'zlashtirishi, fanlar bo'yicha o'tkaziladigan olimpiadalar, fan to'garaklarida faol ishtirok etishlariga zamin yaratishdan iboratdir. O'qituvchilar esa o'quvchilarning fikrlash faoliyatida muammoli vaziyatlar yaratish, mustaqil fikrlashga o'rgatish va bu borada darsning **"Munozara", "Aqliy hujum", "Klaster", "Kubik", "Zigzak"** usullaridan foydalanish natijasida bolalarda o'qish, o'rganish, ijod qilishga qiziqtirishi mumkin.

Tajribalarimiz asosida ijobiy natija berayotgan ayrim usullarning qo'llanishi haqida fikr yuritsak**. "Bo'g'in tuzish"** o'yinini o'tkazishda o'quvchilar o'qituvchi boshchiligida unli tovushlar bilan turli undosh tovushlardan foydalanib, bo'g'inlar tuzadilar: *bo, ma, lo, ka, da*... Bu bo'g'inlarni avval o'qituvchi o'qib beradi, keyin navbat bilan o'quvchilar o'qiydilar. Shu o'rinda bo'g'inlar ishtirokida so'zlar tuzish topshirig'i beriladi. O'quvchilar **"***bola", "mana", "lola", "karam", "dada*" kabi so'zlarni aytadilar. **"So'z tuzish"** o'yinini qo'llashda so'zlar yozma harflar bilan yozilgan ko'rgazma tayyorlanadi. Masalan, *"oila", "tola", "bola", "alla", "Bilol*" so'zlarini o'quvchilar bosma harflar bian yozadilar, so`ng "L" harfi so'zning qaysi o'rnida kelayotganini aniqlaydilar. Bu kabi o'yinlardan foydalanish yangi mavzuning o'quvchilar xotirasida mustahkam o'rnashishiga xizmat qiladi.

**"Domino**" o'yinini o'tkazishda bir necha o'quvchi yozuv taxtasiga chaqiriladi. Ular tartib bilan so'z aytadilar. Birinchi o'quvchi aytgan so'z qaysi tovush bilan tugasa, ikkinchi o'quvchi shu tovush bilan boshlanuvchi so'z aytishi va o'yin shu tarzda davom etishi talab etiladi. Bu o'yin 5-6 o'quvchi orasida o'tkazilib, ikki-uch davra davom etishi mumkin. Masalan, aql — *lola —a'lo — ona —odam — mushuk — katta* kabi. **"Belgilarini izohlash"** o'yinini o'tkazishda o'quvchilar uch guruhga ajratiladi va ularga topshiriq beriladi. Masalan, 1-guruh olmaning rangini, 2-guruh esa shakl-hajmini, 3-giiruh uning maza-ta'mini bildiruvchi sifatlarni topadilar. Javoblar quyidagicha bo'lishi mumkin: 1-guruh: *oq, qizil, sariq, yashil.*2-guruh: *katta, kichik, dumaloq.*3-guruh: *shirin, mazali, nordon.*

Bolalarnnng yosh va fiziologik xususiyatlarini hisobga olgan holda ularning fanlarga bo'lgan qiziqishlarini asta-sekin uyg'ota borish lozim. Buning uchun o'quv materiallarini qiziqarli qilib tushuntirish, mahalliy materiallar asosida hisoblash, o'lchash, yasashga oid masalalar tuzish va yechish, matematik o'yinlardan, ertak qahramonlaridan foydalanish, predmetlararo bog'lanishlarni qo'llash kabi imkoniyatlaridan foydalanish muhimdir.

Bundan tashqari o'quvchilarga qo'shimcha topshiriqlar bajartirish o'rinlarida ham foydalansa bo'ladi. Masalan, "**Jumboq"** usulini ona tili fanidan o'tilgan yangi mavzuni mustahkamlashda qo'llash mumkin. Masalan, birorta timsol surati sinf taxtasiga chizilib mavzuga doir so'zlar suratga joylashtiriladi. Unga ko'ra darslikda berilgan mashq matnlari mantiqiy o'rganiladi. O'quvchilar daftariga xayoliga kelgan timsolni chizib, mashqdan tahlil etib o`rgangan gapni til birliklariga ajratib joylaydi. Mavzuni o'zlashtirganini timsolga joylagan gapni tahlil etish orqali ifodalaydi. Masalan, "Gap bo'laklari" mavzusini o'rganishda qush rasmini chizib, bosh qismiga gapning egasini, qanotiga ikkinchi darajali bo`laklarni, dum qismiga kesimni yozadi. Bunda o'quvchi rasm darsidan boshqa fanda erkin rasm chizishga qiziqib urinib ko'radi. O'zi sezmagan holda mavzuni ham oson o'zlashtiradi. Ona tili, tabiat, matematika va rasm darslari uyg'unlashadi.

Dars jarayonida tashkil etiladigan ta'limiy o'yinlarning asosiy maqsadi o'quvchilarni zerikish va toliqishdan saqlashdir. Shuni yodda tutmoq lozimki, o'yin orqali singdirilgan bilim o'quvchi xotirasiga mustahkam o'rnashib qoladi va bu bilimlarni u har qanday tanish va notanish sharoitda ishga sola oladi. Ta'limiy o'yinlarda o'quvchilarning aqliy faoliyati usullari: kuzatish, taqqoslash, guruhlash, umumlashtirish kabilarga tayanib ish ko'radi. Shuningdek, ta'limiy o'yinlarda o'quvchilardagi ana shu xususiyatlarni rivojlantirish va takomillashtirishga xizmat qiladi, ulardan tezkorlik, sezgirlik va topqirlikni talab etadi. Ta'limiy o'yinlarning ahamiyati shundaki, o'quvchi dars jarayonida faol ishtirok etish orqali bilim oladi**,** egallagan ko'nikma va malakalarini kengaytiradi.

Xulosa o‘rnida ta’kidlash joizki, boshlang‘ich sinf darslariga ta’limning zamonaviy usullarini qo‘llash, zamonaviy didaktikaga asoslanish, o‘zgarayotgan jamiyatning talablari va ta’limdagi amaliy ishlanmalarni aks ettiruvchi yangi yondashuvlarga tayanish, jarayonni ta’lim berish texnologiyalari bilan boyitib borish o‘quvchilarning og‘zaki va yozma nutqini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1.Олимова Ф. К. Бошланғич синф она тили дарсларида интерфаол усулларни қўллашнинг аҳамияти. Таълим технологиялари, 2011. - № 1. – Б.25.
2.Юсупова Ш. Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усул ва компьютердан фойдаланиши) Педагогика фанлари номзод. ... дисс. автореф.– Тошкент, 1998.
3.www.ziyonet.uz

**UDK 81-11**

# YUQORI SINFLARDA INGLIZ TILINI O’QITISHDA MATNLI IZOHLI LUG’ATLAR BILAN ISHLASH TEXNOLOGIYASINI QO’LLASH

**Yarasheva Dilfuza Ravshanovna**
Yakkasaroy tumani 319-maktabning ingliz tili fani o’qituvchisi
Toshkent, O’zbekiston

***Annotatsiya:*** *Maqolada hozirgi kunda maktablarda chet tilini o`qitishda yuqori sinf o`quvchilarida uchraydigan tarjimadagi qiyinchiliklarni bartaraf etishda izohli lug`atlar asosida qo`llanadigan yangicha texnologiyalar haqida fikrlar yuritilgan va misollar keltirilgan.*

***Kalit so`zlar:*** *texnologiya, pedagigika, individual, axborot-kommunikatsiya, grammatika, Inglizcha - o`zbekcha lug`at, izohli lug`at, homereading*

Bugungi kunda ta`limda sohasida yuqori malakaning asosiy talablaridan biri chet tillarni mukammal bilish degan g`oyalar ilgari surilib kelinmoqda. Xalqaro tillar o`rtasida yetakchi o`rinni egallab kelayotgan ingliz tilini o`rganishga ham alohida e`tabor berilayotgani bejis emas, albatta. Mamalakatimiz ham ta`lim tizimida ingliz tilini o`qitish, o`rgatishda ilmiy- amaliy yondashuvlar asosida, hozirgi davr talablariga javob bera oladigan yangi axborot-kommunikatsiya va pedagogik texnologiyalarni joriy etish bilan yangi taraqqiyot darajasida rivojlanib bormoqda. Shuni davomida eslatib o`tishimiz kerakki, yurtboshimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning bir ma`ruzalarida aytganlaridek: “Bugun zamon shiddat bilan o`zgaryapti .Bu o`zgarishlarni hammadan ham ko`proq his qiladigan kim-yoshlar “.

Shunday ekan, maktablarda ingliz tilini o`qitishda yangi metodlar, yangicha pedagogik texnologiyalardan foydalanish ta`limda taraqqiyotga, rivojlanishga yo`l ocha oladi. Dars mashg`ulotlarini olib borishda shu g`oyalarga tayanilsa, yaxshi natijalar samara berishi uchun maqsadga muvofiq bo`ladi.

Qo`shimcha matnli izohli lug`atlardan foydalanish texnologiyasi maktab yuqori sinf o`quvchilariga ingliz tilini o`rgatishda qo`llashdan maqsad shuki, o`quvchilarni bilim olishda avvalo, yangicha g`oyalar bilan tanishtirish zarur. Bu texnologiyadan til o`rganish va o`rgatishda foydalanishda individual yondashuvni, har bir o`quvchini bilim, malaka, ko`nikmalarni egallabgina qolmasdan, uning chuqur mohiyati ya`ni chet tilini o`rganishning o`quvchining

o`ziga qulaylik yarata olish xususiyatlarnini hisobga olgandagina ijobiy natijalarga erishish mumkin bo`ladi. Bu texnologiyani qo`llashni quyidagicha ifodalash mumkin: Masalan, dars o`tish jarayonida bizga notanish bo`lgan so`zlarni lug`atdan ya`ni, o`zbekcha-inglizcha yoki English -Uzbek tilidagi oddiy lug`atlardan qidirib ma`lumot topamiz, vaholanki aksariyat lug`atlarda bir yoki ikkita ma`nodagi so`zni topa olamiz. Bu esa ingliz tilini endi o`rganib boshlagan o`quvchilar uchun, ingliz tilini grammatikasini yaxshi tuza olmaydigan o`quvchilar uchun yetarli bo`lmaydi. Lug`atlar bilan ishlash bu oddiy hol bo`lib ko`rinishi mumkin, albatta, lekin, aynan izohli lug`atlar bilan ishlash ularning tarkibidagi har bir so`zga berilgan izohni o`qib turib uni boshqa tildagi izohi bilan taqqoslab tarjima qilish, ularning ostida berilgan misol va iboralarni o`qish va eslab qolish, grammatikada gap tuzishda qiyinchilik tug`ilgan o`quvchilarga, ham so`zlarni yod olishda qiynalib, gapda qo`llay olmaydigan ayrim o`quvchilar uchun qo`l keladi. Agar bu texnologiyani darsda qo`llashda yoki dars sifatida foydalanishda nima natijaga erisha olamiz degan savolga murojaat qiladagan bo`lsak, bizga ma`lumki har bir til o`zining lug`aviy boyligiga va o`zining gap qurilmasiga ega. Gap tuzishda va uni tarjima qilishda albatta biz aynan o`sha tilning grammatikasidan, struktural tuzilishidan kelib chiqib til qoidalariga amal qilamiz. Shu o`rinda izohli lug`atni o`quvchiga foydali tomoni shundaki, matn tarjimasida ham yoki boshqa bir mashqni tarjima qilishda ham izohli lug`atdan foydalanilsa, o`quvchi undagi misollar bilan tanishib, aynan shunga o`xshatib gap tuza oladi, va aynan berilgan gaplarni qaysi kitobdan yoki qaysi asar parchasidan olingani bilan ham tanishadi. Bu bilan o`quvchining ma`lumot bazasiga uchta yangi ma`lumot kelib tushadi. Birinchidan, o`quvchi o`sha so`zning o`z tilidagi ma`nosini topadi, ikkinchidan tarjima qilayotgan tildagi izohini va unga qo`shimcha keltirilgan tarjimasini oladi, uchinchidan esa, berilgan misollarning o`quvchi o`ziga yangilik bo`lgan badiiy asardan yoki boshqa ijodiy nashrdan ekanligi bo`lib, bu ham o`quvchining ma`naviyatini boyitibgina qolmasdan, o`sha asarni bir marta o`qishga uchqun uyg`otadi. Birgina misol qilib tarjimasi lug`atlarda kam uchraydigan o`zbek tilidagi ushbu so`zni ko`rib o`tamiz: **shuhratparast -**mansabparast, katta og`iz, katta gapiradigan, o`zini katta tutadigan deb berilgan ma`nolarini ko`rish mumkin, *Otasining davlati, shuhratparast, hovliqma va takabbur erkalashi qo`shilib, qizga ortiqcha g`urur bergan.(**Oybek " Tanlangan asarlar"**)* endi shu so`zning inglizcha talqinini oladigan bo`lsak, *shuhratparast-**vain*** **-**excessively proud of or concerned about one`s own appearance qualities, achievements, etc.. Eg:*These questions are difficult, but they are not vain and can not be avoided… ("**The Roman law of trusts", David Johnston).*** Bu kabi murakkab so`zlarga tilni qanchalik chuqur o`rganaverganimiz sari shunchalik ko`p duch kelaveramiz. Bu texnologiyani *ta`lim jarayonida* o`qish darsi ya`ni, *Homereading* darsi sifatida olib borilsa maqsadga muoviq bo`lardi. Shundagina biz tilni o`rgatish va o`rganishdagi tarjimalarda uchraydigan qiyinchiliklarni bartaraf etish bilan birga, ikkala tilning lug`atining qanchalik corpusi kengligini, so`zlarning lug`aviy ma`noga boyligini hamda badiiy ijoddagi misollar orqali ma`naviy ongimizni qanchalik kengaytirganimizni ko`rish bilan birga ko`zlagan maqsadimizga erisha olamiz.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Yo`ldoshev J., Hasanov S. Pedagogik texnologiyalar. O`quv qo'llanma. Toshkent: Iqtisod-moliya, 2009-yil.
2. Tolipov O'.Q., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tatbiqiy asoslari. –Toshkent: Fan, 2006.
3. Rahmonova Ye.R., Razzoqov D.N. "Pedagogik texnologiyalar" fanidan o'quv qo'llanma. – Toshkent: 2007.
4.O`zbek tilining izohli lug`ati www.ziyouz.com kutubxonasi
5.www.ziyonet.uz internet web sayti

**UDK 37.013.46**

# TA'LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASHDA INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

**Azimova Gavhar Rustamovna**
Guliston shahar 7-sonli maktab matematika fani o'qituvchisi
Sirdaryo viloyati, O'zbekiston
**Abdusalomova Nazokat Rustamovna**
Yangiyer shahar 6-sonli maktab texnologiya fani o'qituvchisi
9-sinf texnologiya fani darsligi muallifi
**Djabbarova Nigora Nusratillayevna**
Guliston shahar 2-sonli umumta'lim maktabi texnologiya fani o'qituvchisi
Sirdaryo viloyati, O'zbekiston

***Annotasiya.*** *Interfaol metodlarning afzallik tomonlari. An'anaviy va interfaol metodalrning farqini bilish natijasida ta'lim metodlarini darslarda samarali qo'llash. Interfaol usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslagan holda himoya qila bilish, sog'lom muloqot, munozara, bahs olib borish ko'nikmalari shakllanib, rivojlanib borishi. Interfaol metodlarning ta'lim – tarbiya jarayoniga ijobiy ta'siri. Tafakkurning rivojlanishi bilish, tushunish, qo'llash, tahlil, umumlashtirish, baholash darajalari.*

***Kalit so'zlar.*** *Interfaol metod, interfaol mashg'ulot samaradorligi omillari, an'anaviy hamda interfaol dars orasidagi ayrim farqlar, interfaol metod turlari.*

Interfaol metod - ta'lim jarayonida o'quvchilar hamda o'qituvchi o'rtasidagi faollikni oshirish orqali o'quvchilarning bilimlarni o'zlashtirishini faollashtirish, shaxsiy sifatlarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Interfaol metodlarni qo'llash dars samaradorligini oshirishga yordam beradi. Interfaol ta'limning asosiy mezonlari: norasmiy bahs-munozaralar o'tkazish, o'quv materialini erkin bayon etish va ifodalash imkoniyati, ma'ruzalar soni kamligi, lekin seminarlar soni ko'pligi, o'quvchilar tashabbus ko'rsatishlariga imkoniyatlar yaratilishi, kichik guruh, katta guruh, sinf jamoasi bo'lib ishlash uchun topshiriqlar berish, yozma ishlar bajarish va boshqa metodlardan iborat bo'lib, ular ta'lim-tarbiyaviy ishlar samaradorligini oshirishda o'ziga xos ahamiyatga ega.

**Interfaol mashg'ulot samaradorligi omillari**

Hozirda ta'lim metodlarini takomillashtirish sohasidagi asosiy yo'nalishlardan biri interfaol ta'lim va tarbiya usullarini joriy qilishdan iborat. Barcha fan o'qituvchilari dars mashg'ulotlari jarayonida interfaol usullardan borgan sari kengroq foydalanmoqdalar.

Interfaol usullarni qo'llash natijasida o'quvchilarning mustaqil fikrlash, tahlil qilish, xulosalar chiqarish, o'z fikrini bayon qilish, uni asoslagan holda himoya qila bilish, sog'lom muloqot, munozara, bahs olib borish ko'nikmalari shakllanib, rivojlanib boradi.

Bu masalada amerikalik psixolog va pedagog B.Blum bilish va emotsional sohalardagi pedagogik maqsadlarning taksonomiyasini yaratgan. Uni Blum taksonomiyasi deb nomlanadi. (Taksonomiya-borliqning murakkab tuzilgan sohalarini tasniflash va sistemalashtirish nazariyasi). U tafakkurni bilish qobiliyatlari rivojlanishiga muvofiq ravishdagi oltita darajaga ajratdi.

Unga ko'ra tafakkurning rivojlanishi bilish, tushunish, qo'llash, tahlil, umumlashtirish, baholash darajalarida bo'ladi. Shu har bir daraja quyidagi belgilar hamda har bir darajaga muvofiq fe'llar namunalari bilan ham ifodalanadi, jumladan:

Bilish-dastlabki tafakkur darajasi bo'lib, bunda o'quvchi atamalarni ayta oladi, aniq qoidalar, tushunchalar, faktlar va shu kabilarni biladi. Bu tafakkur darajasiga muvofiq fe'llar namunalari: qaytara bilish, mustahkamlay olish, axborotni etkaza olish, aytib bera olish, yozish, ifodalay olish, farqlash, taniy olish, gapirib berish, takrorlash.

Tushunish darajasidagi tafakkurga ega bo'lganda esa, o'quvchi faktlar, qoidalar, sxema, jadvallarni tushunadi. Mavjud ma'lumotlar asosida kelgusi oqibatlarni taxminiy tafsiflay oladi. Bu tafakkur darajasiga muvofiq fe'llar namunalari: asoslash, almashtirish, yaqqollashtirish, belgilash, tushuntirish, tarjima qilish, qayta tuzish, yoritib berish, sharhlash, oydinlashtirish.

Qo'llash darajasidagi tafakkurda o'quvchi olgan bilimlaridan faqat an'anaviy emas, noa'nanaviy holatlarda ham foydalana oladi va ularni to'g'ri qo'llaydi. Bu tafakkur darajasiga muvofiq fe'llar namunalari: joriy qilish, hisoblab chiqish, namoyish qilish, foydalanish, o'rgatish, aniqlash, amalga oshirish, hisob-kitob qilish, tatbiq qilish, hal etish.

Tahlil darajasidagi tafakkurda o'quvchi yaxlitning qismlarini va ular o'rtasidagi o'zaro bog'liqliklarni ajrata oladi, fikrlash mantiqidagi xatolarni ko'radi, faktlar va oqibatlar orasidagi farqlarni ajratadi, ma'lumotlarning ahamiyatini baholaydi. Bu tafakkur darajasiga muvofiq fe'llar namunalari: keltirib chiqarish, ajratish, tabaqalashtirish, tasniflash, taxmin qilish, bashorat qilish, yoyish, taqsimlash, tekshirish, guruhlash.

Umumlashtirish darajasidagi tafakkurda o'quvchi ijodiy ish bajaradi, biror tajriba o'tkazish rejasini tuzadi, birnechta sohalardagi bilimlardan foydalanadi. Ma'lumotni yangilik yaratish uchun ijodiy qayta ishlaydi. Bu tafakkur darajasiga muvofiq fe'llar namunalari: yangilik yaratish, umumlashtirish, birlashtirish, rejalashtirish, ishlab chiqish, tizimlashtirish, kombinastiyalashtirish, yaratish, tuzish, loyihalash.

Baholash darajasidagi tafakkurda o'quvchi mezonlarni ajrata oladi, ularga rioya qila oladi, mezonlarning xilma-xilligini ko'radi, xulosalarning mayjud ma'lumotlarga mosligini baholaydi, faktlar va baholovchi fikrlar orasidagi farqlarni ajratadi. Bu tafakkur darajasiga muvofiq fe'llar namunalari: tashxislash, isbotlash, o'lchash, nazorat qilish, asoslash, ma'qullash, baholash, tekshirish, solishtirish, qiyoslash.

Interfaol usullar ko'p turli bo'lib, ularning hammasi ham har qanday progressiv usullar kabi eng avalo, o'qituvchidan mashg'ulot oldidan katta tayyorgarlik ko'rishni talab qiladi.

Shu mashg'ulotlarni tashkil qilishda interfaol darsning asosiy xususiyatlarini uning an'anaviy darsga nisbatan ayrim farqlarini ko'rib chiqish orqali yaqqolroq idrok etish mumkin. Buning uchun an'anaviy hamda interfaol dars orasidagi ayrim farqlarni bilish kerak:

1.O'quv rejadagi fanlarni o'qitishda qaysi mavzular bo'yicha interfaol darslar tashkil qilish maqsadga muvofiqligini hisobga olish zarur. Bunda hap bir mavzu bo'yicha mashg'ulotning maqsadiga to'liq erishishni ta'minlaydigan interfaol yoki an'anaviy mashg'ulot turlaridan foydalanish ko'zda tutiladi.

2.Interfaol mashg'ulotning samarali bo'lishi uchun o'quvchilar yangi mashg'ulotdan oldin uning mavzusi bo'yicha asosiy tushunchalarni va dastlabki ma'lumotlarni bilishlarini ta'minlash zarur.

3.Interfaol mashg'ulotda o'quvchilarning mustaqil ishlashlari uchun an'anaviy mashg'ulotga nisbatan ko'p vaqt sarflanishini hisobga olish zarur.

Shularga o'xshash farqlaraing ijtimoiy hayotdagi ta'siri to'g'risida bir necha asr muqaddam A.Navoiy o'zining mashhur "Mahbub ul-qulub" asari muqaddimasida shunday yozgan edi: "Umid ulkim, o'qig'uvchilar diqqat va e'tibor ko'zi bila nazar solg'aylar va har qaysisi o'z fahmu idroklariga ko'ra bahra olg'aylar...". Bunda shu asarni har kim turlicha, ya'ni o'z fahmi idroki darajasidagina tushunishi, o'zlashtirishi, foyda ola bilishi va amalda qo'llay bilishi ko'rsatib o'tilgan bo'lib, bundan biz interfaol ta'lim usullarining an'anaviy usullardan asosiy farqlari to'g'risida yuqorida aytgan xulosalarimizni yanada qisqa qilib, o'quvchilarning fahmu idroklarini o'stirishdan iborat, deb ifodalashimiz mumkin.

**Kubik metodi**

Kubik metodidan darsni mustahkamlash vaqtida foydalansa yaxshi natija beradi. 1 qadam: o'quvchilarga mavzu o'tilgandan so'ng unga biror tushuncha shakllanadi. Shakllangan tushunchani quyidagicha yozish taklif etiladi.

1. Tasvirlang. 2. Taqqoslang. 3. o'xshating. 4. Tahlil qiling
5. Ishlating. 6. Foydali va zararli tomonlari.

**Masalan mavzu: "Prizma"**

1. Asosi to`g`ri to`rtburchak, qarama qarshi yoqlari o`zaro teng va paralell bo`lgan prizma to`g`ri prizma deyiladi.
2. To`g`ri parallelopiped va to`rtburchakli prizma.
3. Sinf xonasi, gugurt quttisi, yashik, shkaf......
4. 2 ta asos, 4 ta yoq, 4 ta yon qirra, 12 ta umumiy qirra, 8 ta uchi bor.
5. Shkaf (kiyimlar saqlanadi), gugurt(gugurt donalari saqlanadi), xona (odam yashaydi)....
6. Gugurt- olov yo`ish uchun foydali. Gugurt- bolalar uchun havfli.

Bunda ta'kidlash lozimki, interfaol ta'lim usullari O'zbekistonda qadim zamonlardan beri ta'lim-tarbiya jarayonida muallim bilan talabalar hamda talabalar bilan talabalar o'rtasidagi muloqotlarda muhokama, munozara, muzokara, mushohada, tahlil, mashvarat, mushoira, mutolaa kabi shakllarda qo'llab kelingan.

Bu usullar talabalarning nutq, tafakkur, mulohaza, zehn, iste'dod, zakovatlarini o'stirish orqali ularning mustaqil fikrlaydigan, komil insonlar bo'lib etishishlariga xizmat qilgan.

Hozir interfaol mashg'ulotlarni olib borishda ma'lumki, asosan interfaol usullar qo'llanilmoqda. Kelgusida esa bu usullar ma'lum darajada interfaol texnologiyaga o'sib o'tishi maqsadga muvofiq. Bu interfaol usul hamda texnologiya tushunchalarining o'zaro farqini bizningcha, shunday ta'riflash mumkin.

Interfaol ta'lim usuli — har bir o'qituvchi tomonidan mavjud vositalar va o'z imkoniyatlari darajasida amalga oshiriladi. Bunda har bir o'quvchi o'z motivlari va intellektual darajasiga muvofiq ravishda turli darajada o'zlashtiradi.

Interfaol ta'lim texnologiyasi - har bir o'qituvchi barcha o'quvchilar ko'zda tutilgandek o'zlashtiradigan mashg'ulot olib borishini ta'minlaydi. Bunda har bir o'quvchi o'z motivlari va intellektual darajasiga ega holda mashg'ulotni oldindan ko'zda tutilgan darajada o'zlashtiradi. Interfaol ta'lim metodlarining turli xillarini bilish va uni dars mavzusiga mos to'g'ri tanlab, darslarda unumli qo'llash natijasida nafaqat ularni yaxshi bilim olishlariga, balki mustaqil fikrga ega, hayotga mustaqil qadam qo'ya oladigan, har taraflama barkamol avlodni tarbiyalashga o'z hissamizni qo'shgan bo'lamiz.

## ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Dadajonov R. O'quvchilarda matematik qobiliyatni o'stirish haqida. Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi asosida malaka oshirish va qayta tayyorlash sifat va samaradorligini ta'minlashning ilmiy-pedagogik asoslari. Respublika ilmiy-amaliy konferenstiyasi materiallari.-Toshkent, 2006 y.
2. Kolmogorov A.N. Matematika-nauka i professiya. – M., 1998 g.
3. Selevko G.K. Sovremenные obrazovatelnie texnologii. – M., 1998 g.
4. Mirzaahmedov M.A., Sotiboldiev D. O'quvchilarni matematik olimpiadalarga tayyorlash.-T.: "O'qituvchi", 1993 y.
5. Prosalov V.V. Zadachi po planimetrii. Ch.I, II.- M.: "Nauka", 1996 g.

**UDK 7.092**

# YAKKAKURASHCHILARNING YILLIK SIKLDAGI MASHG'ULOT JARAYONLARI HAQIDA

**Sanjar Ko'palov**
dotsent, p.f.n Urganch Davlat universiteti
**Jurat Kenjayev**
o`qituvchi Urganch Davlat universiteti
Xorazm, O'zbekistan

***Annotasiya:*** *Ushbu maqolada Kurash sport turi bo`yicha bir qator olimlarning yillik siklidagi mashg`ulotlar jarayonini tuzilishi tahlil qilingan bo`lib, hozirgi zamonaviy mashg`ulotlar tuzilishi ko`rib chiqilgan. Shu jumladan yakkakurash sport turlarining yillik sikllardagi o`xshash tomonlari aniqlangan.*

***Kalit so`zlar:*** *Yakkakurash, yillik sikl, mashg`ulot jarayoni, yuklamalar, musobaqa bosqichlari, o`quv-mashg`ulot, chempionat, tiklanish vositalari.*

So`nggi yillarda diyorimizda ko`p sonli yuqori malakali kurashchilar tayyorlandi. Osiyo chempionatlari hamda birinchiliklarida o`zbek kurashchilari ko`p karra eng yuksak sovrinli o`rinlarni egallab, vatanimiz sharafini xalqaro musobaqalarda munosib himoya qilib kelmoqdalar.

Zamonaviy sportda mashg`ulot va musobaqa yuklamalari hajmi hamda shiddatining oshishi o`quv-mashg`ulot jarayonini tashkil qilishda yangi yo`llarni va foydalanilmagan zahirani izlab topishni taqozo etadi. Ayniqsa ko`p siklli tayyorgarlikning hamma bosqichlarida tiklanish sport va ish qobiliyatini oshirish vositalaridan foydalanish muhim ahamiyatga ega.

Tabiiyki, bu hamma o`zgarishlar kurashchilarning musobaqadan keyingi bosqichda tiklanish jarayoniga ham taalluqlidir. Bu yerda tiklanish va ish qobilyatini saqlab turish vositalaridan to`g`ri foydalanish quyidagi muammoli masalalarning hal etilmaganligi bilan cheklanadi: musobaqadan keyingi bosqichlarni tuzishning optimal variantlarini ishlab chiqish hamda tanlab olish; ish qobiliyatini tiklash vositalari va metodlaridan oqilona foydalanish. Bu barcha masalalar, shubhasiz, dolzarbdir, bularni o`rganish va hal etish kurashchilarning musobaqadan keyingi tayyorgarlik bosqichini davrlash hamda oqilona tuzish tizimini takomillashtirishga imkon yaratadi [7].

Kurashchilarning musobaqadan keyingi tayyorgarlik bosqichlarini hamda tiklanish jarayonini tuzish muammosining ilmiy jihatdan o`rganilishi musobaqa qoidalaridagi o`zgarishlar nuqtai nazaridan o`z xususiyatiga ko`ra ham nazariy, ham amaliy tomondan yangi hisoblanadi.

Sportchilar tayyorgarligining o`tish davrlarini rejalashtirish masalalari ko`pgina mualliflarning diqqat markazida turadi va sport mashg`ulotini davrlashning maqbul tizimini ishlab chiqishga yo`naltirilgan to`xtovsiz bahs-munozaralar va izlanishlar ob'ekti sanaladi.

Ko`rib chiqilayotgan masalalarning jahon amaliyotida ko`p jihatdan ishlab chiqilganligini e'tiborga olib, ushbu tadqiqot maqsadi, birinchi navbatda, kurashchilarning musobaqadan keyingi bosqichlarini tuzishning oqilona variantlarini ishlab chiqishga qaratilgan.

Vatanimiz olimlari A.N.Abdiev (1997), V.N.SHin (2001), R.D.Xalmuxamedovlarning (2009) ishlari ham tadqiqotlarimiz mavzusiga yaqin. Biroq bu ishlarda asosan yakkakurashchilar

[7] Халмухаммедов Р.Д. Технология оптимизации учебно-тренировочного процесса единоборцев //Монография. - Т., 2009. - С. 159.

musobaqadan keyingi tayyorgarligining ayrim tomonlari tekshirilgan, xolos. Bu yerda biz ko`rib chiqayotgan mavzuning umumiy munozarali masalalari chetlab o`tilgan.
Bayon qilinayotgan muammolarning yetarlicha ishlab chiqilmaganligi, shuningdek, ularni zamonaviy mashg`ulot jarayoni darajasi nuqtai nazaridan tezda hal etish zarurati ushbu tadqiqotlarning ilmiy-nazariy va amaliy dolzarbligini belgilab beradi.

Zamonaviy yillik tayyorgarlik tizimi XX asrdan boshlab shakllanib keldi va hozirgi vaqtda fan hamda amaliyot yutuqlari asosida jadal sur'atlar bilan takomillashib bormoqda [8].

Yillik tayyorgarlikning qat'iy o`ziga xos xususiyatlari shundan iboratki, u nisbatan mustaqil tarkibli tuzilmalar asosida quriladi. Bu tuzilmalarning hamma elementlarini umumiy pedagogik vazifasi - sportchining asosiy musobaqalarda muvaffaqiyatli ishtirok etishni ta'minlovchi eng yuqori tayyorgarlik holatiga erishish vazifasi birlashtirib turadi [9].

Davrlanish nazariyasi yillik tayyorgarlikni tuzishning nazariy-metodologik asosi hisoblanadi. U L.P.Matveevning (2001) ishlarida umumlashtirilgan, boshqa qator mutaxassislarning ishlarida (YU.D.Jeleznyak, P.K.Petrov, 2002; V.N.Platonov, 2004 va boshq.) rivojlantirilgan va jahonda keng e'tibor qozongan.

Uning asosini katta mashg`ulot sikllari (makrotsikllar) asosida sport tayyorgarligini tuzish tashkil etadi. Makrotsikllarning ham umumiy nazariy, ham har xil sport turlarining o`ziga xos xususiyatlari nuqtai nazaridan tuzilishi va mazmuni yetarlicha har tomonlama asoslab berilgan keng miqyosda sinovdan o`tgan va ko`pgina davlatlar sportchilarining tayyorgarlik tizimiga joriy qilingan.

Davrlanish nazariyasining eng asosiy qoidalaridan biri shu ediki, sportchining yuqori sport natijasiga erishishga bo`lgan eng oliy tayyorligi (sport formasi) holatining to`laqonli rivojlanishi uzoq davom etadigan jarayon hisoblanadi va yillik yoki yarim yillik tsikllarda ta'minlanishi mumkin. Yarim yillikka nisbatan kam muddatlarda esa, aftidan, katta mashg`ulot tsikllari uchun juda qisqadir [10].

